

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ДАВЛАТ КАДАСТРИ, ЯРАТИШ ВА  
ЮРИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”  
МОДУЛИ БҮЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи: кат. ўқит. *Ихлосов И.***

Тошкент 2014

**МУНДАРИЖА**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
ТАҚВИМ МАВЗУЙӢ РЕЖА .....	8
ТАҶЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ .....	9
МАҶРУЗА МАТНИ .....	38
ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....	96
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ .....	110
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ .....	113
МУСТАҶИЛ ТАҶЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР .....	114
ГЛОССАРИЙ .....	115
ДИДАКТИК ВА ТАР҆АТМА МАТЕРИАЛЛАР .....	127
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	133

## **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

### **Модулнинг асосий мақсади ва вазифалари:**

**Модулнинг асосий мақсад** – олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича умумкасбий ва ихтинослик фанларидан дарс берувчи педагогларни Давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг долзарб масалалари қўчмас мулк обьектлари ва субъектлари билан боғлиқ, қўчмас мулк бозорида амалда бўлган техник ва иқтисодий жараёнлар билан таништиришдан иборат.

**Модулнинг асосий вазифаси** – қўчмас мулк обьектларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш; миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш; сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш; кадастрга доир ахборотни тизимга солиш, сақлаш ва янгилаб бориш; кадастр обьектларининг ҳолати ҳақида ҳисботлар тузиш; Давлат кадастрлари ягона тизимиға киритиш учун тегишли ахборот тақдим этиш; фойдаланувчиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кадастрга доир ахборот билан таъминлаш материаллари ва ҳужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар билан таништиришдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

Модулнинг якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат:

#### **Тингловчи:**

давлат кадастрлари ягона тизимининг назарий асосларини;

давлат кадастрлари обьектларини;

давлат кадастрлари ягона тизимга кирувчи кадастрларни юритиш услубларини;

кадастрлар тизимидағи йўналишларнинг ўзига хос томонларини;

жисмоний ва юридик шахсларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқи турларини;

ер ҳуқуқига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлашни;

давлат кадастрлари яратиш ва юритиш тартибини;

қўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив ҳуқуқий асосларини **билиши керак**.

#### **Тингловчи:**

давлат кадастрлари ягона тизимиға кирувчи давлат кадастрларининг вазифалари асосида фаолиятни ташкил этиш;  
 маълумотларни йиғиши ва олинган натижалардан фойдаланиш;  
 ер тоифалари ва турларини тавсифлаш;  
 олинган натижалардан фойдалана олиш;  
 давлат кадастрлари томонидан бажариладиган ишларни амалга ошириш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

**Тингловчи:**

кадастр объектларига бўлган мулк хуқуқи ва бошқа хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

кадастр объектларининг микдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш;

кадастр объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш;

кадастрга доир ахборотни тизимга солиш, сақлаш ва янгилаёт бориш;

кадастр объектларининг ҳолати ҳақида ҳисботлар тузиш;

Давлат кадастрлари ягона тизимиға киритиш учун тегишли ахборот тақдим этиш;

фойдаланувчиларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда кадастрга доир ахборот билан таъминлаш ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Давлат кадастрларини яратиш ва юритишинг долзарб масалалари модули умуммутахассислик фанлар блокига тегишли бўлиб, кадастр фанларидан дарс олиб борувчи мутахассис-ўқитувчиларга мўлжалланган. Модул ўқув режада кўрсатилган картографиянинг асосий назарий ва амалий масалалари, геодезиянинг асосий назарий ва амалий масалалари модуллари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги таъминланган.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустакилий тавлими	
			Аудитория ўқув юкламаси					
			Жумладан:					
Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот					
1	Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш	4	4	4				
2	Кўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив ҳуқуқий асослари билан танишиш	2	2		2			
<b>Жами:</b>		<b>6</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>2</b>			

**НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ****1-Мавзу. Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш (4 соат).****Режа:**

1. Республикаизда давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг норматив-ҳуқуқий асослари.
2. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишида хорижий мамлакатларнинг тажрибалари.
3. Кадастр объектларида вужудга келган ҳуқуқни ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш.
4. Кадастр объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш ҳамда сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш.

Кадастр ишларининг ривожланиш тарихи. Жамиятимизда давлат кадастрларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти. Республикаизда давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг норматив-ҳуқуқий асослари. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишида хорижий мамлакатларнинг тажрибалари. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишида давлат бошқаруви. Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш. Кадастр объектларида вужудга келган ҳуқуқни ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш. Кадастр объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш. Кадастр объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш. Кадастр ҳужжатлари. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда кадастр рақамларини шакллантириш.

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ**

**2-Мавзу. Кўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив хуқуқий асослари билан танишиш.**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунлари мазмуни ва моҳиятини ўрганиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат кадастрларини яратиш ва юритиш боросида қабул қилинган қарорлари мазмуни ва моҳиятини ўрганиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунлари мазмуни ва моҳиятини ўрганиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат кадастрларини яратиш ва юритиш боросида қабул қилинган қарорлари мазмуни ва моҳиятини ўрганиш.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ****Асосий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-І-сон қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 марта кундан кучга киритилган)

2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. (ЎзР 30.04.1998 й. 598-І-сон Қонуни билан тасдиқланган ЎзР 30.04.1998 й. 599-І-сон Қарори билан амалга киритилган)

3. Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг 04.04.2002 й. 353-І-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 04.04.2002 й. 354-І-сон Қарорига мувофиқ амалга киритилган)

4. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси (1998 йил 24 декабрдаги 713-І-сон Қонун билан тасдиқланган 1998 йил 24 декабрдаги 714-І-сон Қарор билан амалга киритилган 1999 йил 1 апрелдан амалга киритилган)

5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонуни. (15.12.2000 й. N 171-ІІ)

6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. (28.08.1998 й. N 666-І)

7. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни. (09.04.2009 й. N ЎРҚ-208)

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.1997 й. “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги № 278-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.1998 й. “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги №543-сонли қарори.

### **Қўшимча адабиётлар:**

11. Бино ва иншоотлар ягона классификатори. ГККЙҚ-18-006-97, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 1997 й.

12. Аҳоли пунктлари ерлари ягона классификатори. ГККИНҚ-18-010-98, Тошкент, Ўзгеодезкадастр.

13. Кўчмас мулк обьектига кадастр йиғма жилдини тузиш тартиби тўғрисида Кўрсатма. ГККИМҚ-18-025-99, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 1999 й.

14. Аҳоли пунктлари ер участкаларининг чегараларини белгилаш (тиклаш) бўйича Кўлланма. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, ГККИНҚ-18-032-00, 2000 й.

15. Аҳоли пунктларида ер участкаларини кадастр жиҳатдан съёмка қилиш бўйича Кўлланма. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, ГККИМҚ-18-034-00, 2000 й.

16. Бино ва иншоотларни жисмонан ва функционал эскиришини аниқлаш услиби. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, ГККИМҚ-18-037-00, 2001 й.

17. Ер участкалари, бино ва иншоотларга кадастр рақамларини бериш ва кадастр худудларига ажратиш тартиби тўғрисида Йўриқнома. ГККИМҚ-18-047-02 / РД-11-047-01, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, Ер ресурслари давлат қўмитаси, 2002 й.

**ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА**

<b>Ўқитувчининг Ф.И.Ш</b>	кат. ўқит. Ихлосов И.		
<b>Модул номи:</b>	Давлат кадастрларни, яратиш ва юритишнинг долзарб масалалари		
<b>Ажратилган вақт: 6 соат</b>			
<b>Модул бирликлари</b>	<b>Машғулот тури</b>	<b>Ажратилган соат</b>	<b>Ўтказилиш муддати</b>
Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш	Назарий	4 соат	Ойнинг 2-ҳафтаси
Кўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив ҳукуқий асослари билан танишиш	Амалий	2 соат	Ойнинг 3-ҳафтаси
<b>Жами:</b>		<b>6 соат</b>	

**ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ****1- Мавзу.****Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш****Маъруза машгулотининг таълим технологияси модели**


<b>Вақти -</b> 4 соат	<b>Тингловчилар сони</b> 20 - 25 нафар
<b>Ўқув машгулотининг шакли</b>	Ахборот маъруза
<b>Маъруза машгулотининг режаси</b>	<p>1. Республикаизда давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг норматив-хукуқий асослари.</p> <p>2. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишида хорижий мамлакатларнинг тажрибалари.</p> <p>3. Кадастр объектларида вужудга келган ҳукуқни ва улар билан боғлик битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш.</p> <p>4. Кадастр объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш ҳамда сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш.</p>

**Ўқув машгулотининг мақсади:** Тингловчиларнинг Республикаизда давлат кадастрларини яратиш ва юритиш тариби, кадастр ишларининг ривожланиш тарихи ва истиқболлари бўйича билимларини ривожлантириш.

<b>Педагогик вазифалар:</b> 1. Республикаизда давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг норматив-хукуқий асослари билан таништириш.  2. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишида хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ҳақида маълумотлар бериш.  3. Кадастр объектларида вужудга келган ҳукуқни ва улар билан боғлик битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими иш жараёнлари билан таништириш.  4. Кадастр объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш, сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш, кадастр ҳужжатларини тузиш ҳақида билимларини ривожлантириш.	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b> 1. Республикаизда давлат кадастрларини яратиш ва юритишида янги қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатлар билан танишади, таҳлил қиласидар. 2. Республикаизда ва хорижий мамлакатларда Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисида маълумотларга эга бўлади, янгиликлар билан танишадилар. 3. Кадастр объектларида вужудга келган ҳукуқни ва улар билан боғлик битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими иш жараёнларини билиб оладилар. 4. Кадастр объектларини тавсифлаш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва кадастр ҳужжатларини тузиш ҳақидаги билимларини ривожлантирадилар.
<b>Ўқитиши усуллари</b>	Ахборот маъруза, ақлий ҳужум, ФСМУ технологияси, сухбат.
<b>Ўқитиши воситалари</b>	Маърузалар матни, проектор, плакатлар, доска, бўр, тарқатмалар.
<b>Ўқитиши шакли</b>	Жамоа, гурӯҳ бўлиб ишлаш.
<b>Ўқитиши шарт-шароити</b>	Жиҳозланган аудитория.
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки сўров

**Маъруза машғулотининг технологик харитаси**

<b>Босқичлар, вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Тингловчи</b>
1-bosqich. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-bosqich Кириш (20 дақиқа)	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қилади.</p> <p>Машғулот мақсади ва режаси билан таниширади. (1-илова)</p> <p>2.2. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати билан таниширади.(2-илова)</p> <p>2.2. Гурӯхга “Ақлий хужум” методидан фойдаланиб мавзуга оид саволлар беради. (3-илова)</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p>
3- босқич. Асосий (120 дақиқа)	<p>3.1. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишга оид барча назарий маълумотларни белгиланган режа асосида визуал тарзда намойиш этади ва маъруза қилади. (4-илова)</p> <p>3.2. Тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беради.</p> <p>3.3. Тингловчиларни кичик гурӯхларга ажратиб ФСМУ технологиясини қўллаган ҳолда “Давлат кадастрларини яратиш ва юритишда давлат бошқарувининг роли ва давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш муаммолари” саволи бўйича тренинг ўтказади (5-илова).</p> <p>3.4. Берилган маълумотларни тинглайди, умумлаштиради, аниқликлар киритади ва мавзуни хулосалайди.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, томоша қиладилар, ёзиб оладилар.</p> <p>3.2. Мавзуга оид саволлар билан мурожаат қиладилар.</p> <p>3.3. Кичик гурӯхларга бўлинадилар ва. ФСМУ технологиясидаги босқичларни кетма-кет бажарадилар.</p> <p>3.4. Фикр-мулоҳазаларини баён этадилар, йўл қўйган камчиликларини тузатиб борадилар ва мавзу бўйича якуний хулосани тинглайдилар.</p>
4- босқич. Якуний (20 дақиқа)	<p>4.1. Мавзуга оид қўшимча маълумотларни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни якунлайди. Топшириклар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар.</p> <p>4.2. Топширикларни оладилар.</p>



### **МАВЗУ: ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ЮРИТИШ**

**МАҚСАД:** Тингловчиларнинг Республикаизда давлат кадастрларини яратиш ва юритиш тариби, кадастр ишларининг ривожланиш тарихи ва истиқболлари бўйича билимларини ривожлантириш.

#### **РЕЖА:**

1. Республикаизда давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг норматив-ҳуқуқий асослари.
2. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишда хорижий мамлакатларнинг тажрибалари.
3. Кадастр объектларида вужудга келган ҳуқуқни ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш.
4. Кадастр объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш ҳамда сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш.




### **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

*Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонуни. (15.12.2000 й. N 171-II)*

*Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. (28.08.1998 й. N 666-I)*


*Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни. (09.04.2009 й. N ЎРК-208)*

**“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” методи(брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш.**



**КУЙИДАГИ МУАММОЛАР  
ЮЗАСИДАН ФИКР-МУЛОҲАЗА  
БИЛДИРИНГ!**

1. *Тураг уй-жойларни нотурар жойларга айлантириши тартиби қандай белгиланган ва у қайси меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилади?*
2. *Якка тартибда уй-жойлар қуриши ёки реконструкция қилишида қандай муаммолар кўзга ташланмоқда?*
3. *Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплашида қандай меъёрий хуқуқий хужжатларга асосланилади?*

**ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР****1-слайд****2-слайд**

**Кўчмас мулк объектларига бирламчи кадастр  
хужжатларини тайёрлаш тартиби**

Ер участкасининг кадастр паспорти	Бино ва иншоотнинг техник паспорти
Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ёки ҳуқуни чеклавчи, тақиқловчи хужжатларни ўрганиш	Бино ва иншотга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келишини, бошқага ўтишини, чекланишини ва тугатилишини тасдиқлавчи хужжатларни ўрганиш
Ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни тўплаш	Бино ва иншоотлар тўғрисидага маълумотларни тўплаш
Ер участкасининг чегарасини ўрнатиш ва келишиш Далолатномасини тайёрлаш	Хоналарнинг ички ўлчамлари қайдномасини тайрлаш
Ер участкаси чегаралари бурилиш нуқталари координатлари каталогини тайёрлаш	Бинонинг ташқи ўлчамлари қайдномасини тайрлаш
Ер участкасидан фойдаланишда сервитут, чеклов, тақиқ ҳуқуқлари тўғрисида маълумотлар тайёрлаш	Бино ва иншоотларнинг план ва чизмаларини тайёрлаш
Ер участкасининг қўриқлаш зонаси тўғрисида маълумотлар тўплаш	Бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқни чеклаш ёки тақиқ тўғрисидаги маълумотларни тўплаш
Ер участкасининг баҳоси тўғрисида маълумотларни тайёрлаш	Бино ва иншоотларнинг баҳоси тўғрисида материалларни тайёрлаш
Ер участкасининг кадастр планини тузиш	Махсус режимда фойдаланувчи бино ва иншоотлар тўғрисида маълумотлар тайёрлаш
Икки нусҳада ер участкасининг кадастр паспортини тузиш	Икки нусҳада бино ва иншоотнинг кадастр паспортини тузиш

**Тураг уй жойларнинг инвентар қийматини ҳисоблашнинг  
амалдаги тартиби**

**Якка тартибда қурилган уй жойлар**

**Кўп квартирали уйлардаги  
квартиralар**

**Ўлчаш ишларини олиб бориш**

**Кўп квартирали уйларни ўлчаш  
ишлари**

**Конструктив элементлари  
материалларини тарифлаш**

**Конструктив элементлари  
материалларини тарифлаш**

**Конструктив элементларнинг  
жисмоний эскириш фойизини  
аниқлаш**

**Конструктив элементларнинг  
жисмоний эскириш фойизини  
аниқлаш**

**Қурилиш майдони ва хажмини  
ҳисоблаш**

**Қурилиш майдони ва хажмини  
ҳисоблаш**

**Хоналарнинг умумий майдонини  
ҳисоблаш**

**Вычисление общей площади  
помещений строения**

**Девор материали ва қурилиш  
хажмидан келиб чиққан холда  
Тикланиш қиймати яхлит  
кўрсатгичлари Тўпламларидан  
жадвални танлаш**

**Кавватлар сони, девор, том  
материали ва қурилиш  
хажмидан келиб чиққан холда  
Тикланиш қиймати яхлит  
кўрсатгичлари Тўпламларидан  
жадвални танлаш**

**Умумий майдоннинг бир кв.метр  
баҳосини тузатиш  
коэффициентларини қўллаш  
орқали тўғирлаш**

**Умумий майдоннинг бир кв.метр  
баҳосини тузатиш  
коэффициентларини қўллаш  
орқали тўғирлаш**

**Уй-жойнинг бутун инвентар  
қийматини аниқлаш**

**Кўп квартирали уйнинг умумий  
инвентар қийматини аниқлаш**

**Инвентар қийматини жисмоний  
эскириш фойизига камайтириш**

**Ҳар бир квартиранинг умумий  
майдонидан келиб чиққан холда  
унинг инвентар қийматини  
аниқлаш**

**Ер участкаларига, бино ва иншоотларга вужудга келган  
хуқуқни давлат рўйхатдан ўтказишида зарур бўлган  
асосий хуқуқ тасдиқловчи ва хуқуқ белгиловчи  
хужжатлар хамда материаллар**



### **ЕР УЧАСТКАЛАРИ УЧУН**

1. Ерга доимий эгалик қилиш хуқуқини берувчи Давлат далолатномаси.
2. Ердан доимий фойдаланиш хуқуқини берувчи Давлат далолатномаси.
3. Ерга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқини берувчи Давлат далолатномаси.
4. Ер участкасидан муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳақидаги шартнома.
5. Ер участкасига оид ижара шартномаси.
6. Мерос қилиб олиш хуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома.
7. Маҳаллий ҳокимият органларининг ўз ваколатлати доирасидаги қарори.
8. Суд қарори.
9. Ер участкаси аукционда ёки конкурс бўйича олингандиги тўғрисидаги гувоҳнома.
10. Савдо ва хизмат кўрсатиши соҳасига оид обьектлар ўзлари жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда ер участкасига мулкий хуқуқ берувчи Давлат ордери.
11. Ўзбекистон Республикасида аккредитланган дипломатик ваколатхоналарга ва халқаро ташкилотларга ваколатхоналарнинг жойлари сифатида фойдаланиладиган биноларни улар жойлашган зонал участкалар билан бирга, шунингдек ер участкаларини кўрсатилган ваколатхоналарнинг биноларини куриш учун олди-сотди қилиш тўғрисидаги шартнома (Гувоҳнома).
12. Хорижий юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибида тураг жойларни улар жойлашган ер участкалари билан бирга сотиб олиш тўғрисидаги олди-сотди шартномаси (мулкий хуқуқда сотиб олиш).
13. Бино ва иншоотларга оид олди-сотди, алмашиб, ҳадя қилиш, рента, тураг жой биносини умрбод асраш шарти билан бошқага ўтказиш шартномалари.
14. Ер участкаси ёки унга бўлган хукуқларни гаровга қўйиш (ипотека) шартномаси.
15. Маҳаллий ҳокимият органларининг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хукуқлари бекор қилинганлиги тўғрисидаги қарори.
16. Ерларни ажратиб бериш ёки олиб қўйиш бўйича белгиланган тартибида тасдиқланган материаллар.

## БИНО ВА ИНШООТЛАР УЧУН

- 1. Турар жой бинолари ва иншоотлари:**
1. Ер участкаси, бинолар, иншоотлар учун кадастр ҳужжати;
  2. Инвентаризация (кадастр) плани;
  3. Паспорт ёки бошқа шахс тасдиқловчи ҳужжат;
- Тузиладиган битим турига қараб, қийидаги ҳужжатлардан бири:**
4. Нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси;
  5. Нотариал тасдиқланган ҳадя қилиши шартномаси;
  6. Нотариал орган томонидан берилган қонун бўйича ёки васиятнома бўйича мерос қилиб олиши ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома;
  7. Нотариал тасдиқланган алмашши шартномаси;
  8. Нотариал тасдиқланган турагар жой биносини (хонадонни) умрбод асраш шарти билан бошқага ўтказиши шартномаси;
  9. Нотариал тасдиқланган ерга эгалик қилиши шартномаси;
  10. Нотариал тасдиқланган рента шартномаси;
  11. Турагар жой биносини (хонадонни) ишониб топширилган бошқарии шартномаси;
  12. Туман ёки шаҳар ҳокимининг мулкий ҳуқуқларни тан олиши тўғрисидаги қарори;
  13. Мулкий ҳуқуқларни тан олиши, тақсимлаши ва бошқалар тўғрисидаги суд қарорлари.

**2. Турар жой бўлмаган бино ва иншоотлар:**

**Давлат мулкидаги хусусийлаштирилмаган объектлар:**


1. Ер участкасини ажратиб берши тўғрисидаги қарор;
2. Ер участкаси, бинолар, иншоотлар учун кадастр ҳужжати;
3. Инвентаризация (кадастр) плани.

**Хусусийлаштирилган объектлар:**

4. Ер участкаси ажратиши тўғрисидаги қарор (бошлангич рўйхатдан ўтказишида);
5. Ер участкаси, бинолар, иншоотлар учун кадастр ҳужжати;
6. Инвентаризация (кадастр) плани.

**Тузиладиган битим турига қараб, қийидаги ҳужжатлардан бири:**

7. Ер участкаси ижара шартномаси;
8. Нотариал тасдиқланган ер участкасини қайта сотиб олиши тўғрисидаги ҳужжат;
9. Давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган давлат мулкига бўлган мулкий ҳуқуқ учун давлат ордери;
10. Олди-сотди шартномаси;
11. Нотариал тасдиқланган ҳадя қилиши шартномаси;
12. Алмашши шартномаси;
13. Нотариал тасдиқланган рента шартномаси;
14. Ишониб топширилган бошқарии шартномаси;
15. Нотариал орган томонидан берилган мерос қилиб олиши ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома;
16. Шаҳар ёки туман ҳокимининг мулкий ҳуқуқларни тан олиши




<b>2- Мавзу.</b>	<b>Кўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив ҳуқуқий асослари билан танишиш</b>
------------------	---

### **Амалий машғулот таълим технологияси модели**

<p><b>Вақти – 2 соат</b></p> <p><b>Машгулот шакли –</b></p> <p><b>Ўқув машгулотининг режаси</b></p>	<p><b>Тингловчилик сони</b> 20-25 та</p> <p><b>Амалий машғулот</b></p> <p>1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунлари мазмуни ва моҳиятини ўрганиш. 2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат кадастрларини яратиш ва юритиш боросида қабул қилинган қарорлари мазмуни ва моҳиятини ўрганиш.</p>
<p><b>Ўқув машгулотининг мақсади:</b></p> <p>Ўқув машгулотининг мақсади: Кўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ишлаш кўнимкаларини ривожлантириш.</p>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <p>1. Кўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив ҳуқуқий асослари билан танишишади уларни ўрганиб таҳлил қиласилар.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат кадастрларини яратиш ва юритиш боросида қабул қилинган қарорлари мазмуни ва моҳиятини ўрганади, таҳлил қиласи, ушбу қонун ва қонун ости ҳужжатларининг моддалари ва бандларининг ижро этилишини ўрганиб чиқадилар.</p>
<p><b>Ўқитиши воситалари</b></p>	Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонун ости ҳужжатларидан наъмуналар, компьютер, проектор, тарқатмалар материаллар, доска
<p><b>Ўқитиши усуллари</b></p>	Тушунтириш, сухбат, Баҳс-мунозара методи
<p><b>Ўқитиши шакллари</b></p>	Жамоа, гурӯҳда ишлаш
<p><b>Ўқитиши шароити</b></p>	компьютер, проектор билан жиҳозланган аудитория
<p><b>Мониторинг ва баҳолаши</b></p>	Оғзаки сўров

**Амалий машғулотининг технологик харитаси**

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчининг</b>	<b>Тингловчиларнинг</b>
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Амалий топшириқлар тайёрлайди..</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишида фойдаланиладиган қонун ва қонун ости хужжатлари рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-босқич Кириш (10 дақиқа)	<p>2.1. Ўқув машғулоти мавзу номи, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қиласди, унинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди.</p> <p>2.2. Ўқув машғулоти мавзу режаси, фойдаланилган адабиётлар билан таниширади. (1-илова)</p> <p>2.3. Амалий машғулотни “Баҳс-мунозара” методи орқали олиб борилишини эълон қиласди. (2-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар.</p> <p>2.2. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Машғулотда қўлланиладиган методга тайёргарлик кўрадилар.</p>
3 -босқич. Асосий бўлим (60 мин)	<p>3.1. Кўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив хуқуқий асослари ҳамда кўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритишида қонун ва қонун ости хужжатларининг жойларда ижро этилишини ўрганиш натижалари ҳакида қисқа маълумот беради.</p> <p>3.2. Мавзу мазмунининг муҳокамасини баҳс-мунозара орқали давом эттиришни гурухга эълон қиласди ва мунозара учун савол беради.</p> <p>3.3. Саволларга берилган жавобларни ёзиб боради. Билдирилган фикрларни гурух билан биргаликда муҳокама қиласди. Энг мақбул ечимни топишга чорлайди.</p> <p>3.4. Хуқуқий меъёрий хужжатлардан намуналар тарқатади ва ўрганиб таҳлил қилиш вазифасини беради. (3-илова)</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, томоша қиласдилар ва дафтарга ёзиб оладилар</p> <p>3.2. Баҳс учун танланган мавзу билан танишадилар. Муаммо юзасидан фикр ва ғоялар берадилар. Ўз фикрларини ҳимоя қиласдилар.</p> <p>3.3. Тинглайдилар, билдирилган фикрлар юзасидан мулоҳазалар билдирадилар. Энг мақбул ечимни топишга ҳаракат қиласдилар.</p> <p>3.4. Топшириқни бажаришга киришадилар.</p>
4-босқич. Якунловчи (10 мин)	<p>4.1. Топшириқни бажарилиши бўйича хуносалар қиласди.</p> <p>4.2. Машғулотни якунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>



**МАВЗУ:** Кўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив хуқуқий асослари билан танишиш

**МАҚСАД:** Кўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари билан ишлаш кўникумаларини ривожлантириш.

**РЕЖА:**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунлари мазмуни ва моҳиятини ўрганиш.

**2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат кадастрларини яратиш ва юритиш боросида қабул қилинган қарорлари мазмуни ва моҳиятини ўрганиш**

## **БАҲС-МУНОЗАРА МЕТОДИ**

“Баҳс-мунозара” методи - бирор мавзу бўйича таълим олувчиilar билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозараага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётгандан таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат килиш керак.

## МЕТОДНИНГ ЎТКАЗИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласди.

Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

**МУАММОЛИ САВОЛ:** Кўчмас мулк давлат кадастрини яратиш ва юритища қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатларининг жойларда ижро этилиши ҳақида фикр-мулоҳаза билдиринг.

**ТУРЛИ ФИКРЛАР ТИНГЛАНАДИ**

**ФИКР-ҒОЯЛАР ТЎПЛАНАДИ**

**ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ**

**АНИҚ ВА МАҚБУЛ ЕЧИМ ТОПИЛАДИ**



**АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР  
ТИНГЛОВЧИЛАРГА КАДАСТРГА ОИД ҲУҚУҚИЙ  
МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ,  
ЎРГАНИШ, ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВАЗИФАСИ  
ТОПШИРИЛАДИ**



**Кадастр ҳужжатлари.**

Инв. рақами \_\_\_\_\_



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
\_\_\_\_\_ ВИЛОЯТ ЕР ТУЗИШ ВА КЎЧМАС МУЛК КАДАСТРИ ДАВЛАТ  
КОРХОНАСИ  
\_\_\_\_\_ ТУМАН (ШАҲАР) ЕР ТУЗИШ ВА КЎЧМАС МУЛК КАДАСТРИ  
ДАВЛАТ КОРХОНАСИ  
**КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТИ КАДАСТР  
ЙИҒМАЖИЛДИ****

Объектнинг номи: \_\_\_\_\_

Мулк эгаси \_\_\_\_\_

Объектнинг манзили: \_\_\_\_\_

Кадастр рақами:

Ер участкасига \_\_\_\_\_

Бино-иншоотига \_\_\_\_\_

Тошкент ш. 20 й.

**Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги  
Қонунидан кўчирма**

**3-модда. Давлат кадастри тушунчаси**

Давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у давлат кадастри юритиладиган табиий, хўжалик объекти ёки бошқа обьект муйайян турининг географик жойлашуви, ҳуқукий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборат бўлади.

**12-модда. Давлат кадастрларини юритиш**

Кадастр обьектларининг мулкдорлари ҳамда кадастр обьектларига доир бошқа ҳуқуқларнинг эгалари тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кадастр обьектларининг географик жойлашуви, ҳуқукий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисида, шунингдек уларнинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар ҳақида ахборот тақдим этишлари шарт.

**13-модда. Кадастр обьектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Кадастр обьектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кадастр обьектларига бўлган ҳуқуклари давлат томонидан эътироф этилиши ва тасдиқланишининг юридик хужжати ҳисобланади.

Кадастр обьектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш хужжатлар билан тасдиқланган ахборотларни давлат реестрларига киритиш йўли билан амалга оширилади.

Кадастр обьектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кадастр обьектларининг барча мулкдорлари ва кадастр обьектларига доир бошқа ҳуқуқларнинг эгалари учун мажбурийдир.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан кўчирмалар:**

**1997 й. 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги 278-сон қарори (1-илова):**

3. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий юридик кучга эгадир. Кадастр хужжатлари бинолар ва иншоотлар билан фуқаролик-ҳуқукий битишувларни амалга оширишда, уларни солиқقا тортишда, лойиҳалаштиришда ва бошқа юридик ҳаракатларда ҳуқукий, иқтисодий ва техник маълумотлар сифатида қабул қилиниши керак.

5. Бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр маълумотлари мулк эгалари, уларга ашёвий ҳуқуқларга эга бўлган шахслар, учинчи шахслар, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ва бошқа давлат органлари томонидан судда талашилиши мумкин.

**1998 й. 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги 543-сон қарори (1-илова):**

26. ...Ер участкалари мулкдорлари, ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар давлат ер кадастрини юритиш вазифаси юкланган тегишли хизматларга юрсатиб ўтилган ўзгаришлар тўғрисида ўн кун муддатда ахборот беришга мажбурдирлар.

“Тасдиқлайман”

Туман (шахар) Ер тузиш ва кўчмас  
мулк кадастри давлат корхонаси  
бошлиғи

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

**КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТИНИНГ  
КАДАСТР ПАСПОРТИ**

Объектнинг номи: \_\_\_\_\_

Хукуқ эгасининг номи \_\_\_\_\_

Хукуқ тuri:

ер участкасига бўлган хукуқ \_\_\_\_\_

бинога, иншоотга бўлган хукуқ \_\_\_\_\_

**Хукуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар**

Ер участкасига бўлган хукуқ Реестрдаги \_\_\_\_\_ китоб \_\_\_\_\_ сонли ёзув,  
20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома Серияси \_\_\_\_\_  
раками \_\_\_\_\_ берилган сана 20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

Бино иншоотга бўлган хукуқ Реестрдаги \_\_\_\_\_ китоб \_\_\_\_\_ сонли ёзув,  
20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома Серияси \_\_\_\_\_  
раками \_\_\_\_\_ берилган сана 20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

Рўйхатдан ўтказувчи \_\_\_\_\_

(имзо)

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

Тошкент ш. 20\_\_ й.

**Ер участкаси тўғрисида маълумотлар**

1. Ер участкасининг ўрнашган жойи (почта манзили) \_\_\_\_\_
2. Ҳукуқ эгаси:
  - а) юридик шахснинг номи \_\_\_\_\_
  - б) жисмоний шахснинг ф. и. о. \_\_\_\_\_
3. Ер участкасининг мақсад вазифаси:
  - а) ҳужжатлар бўйича \_\_\_\_\_
  - б) ҳақиқатда \_\_\_\_\_
  - в) ерларнинг тоифаси \_\_\_\_\_
4. Фойдаланиш муддати \_\_\_\_\_
5. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг тури \_\_\_\_\_
6. Ер участкасининг майдони (га ёки м<sup>2</sup>):  
 а) ер ажратиш бўйича \_\_\_\_\_  
 б) ҳақиқатда фойдаланишдаги \_\_\_\_\_  
 в) ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдони \_\_\_\_\_
7. Ер участкасини ажратиш тўғрисидаги ҳужжат \_\_\_\_\_
8. Ер участкасинига бўлган ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат \_\_\_\_\_
  
10. Асосий бинолар сони \_\_\_\_\_
11. Ёрдамчи иншоотлар сони \_\_\_\_\_
12. Дов-дараҳатлар сони \_\_\_\_\_
13. Ўзбошимча қурилган бино-иншоотлар сони \_\_\_\_\_
14. Сервитутлар, чеклашлар (шартлар) тўғрисида маълумотлар:  
 а) чеклаш (шарт) тури ва унинг мазмуни \_\_\_\_\_  
 б) асос \_\_\_\_\_  
 в) амал қилиш муддати \_\_\_\_\_  
 г) бенефициар \_\_\_\_\_
15. Мухофаза зоналари тўғрисида маълумотлар:  
 а) обьект тури \_\_\_\_\_  
 б) асос \_\_\_\_\_  
 в) мухофаза зонасининг ўлчамлари ва майдони \_\_\_\_\_  
 г) мухофаза зонасидан фойдаланиш режими \_\_\_\_\_
16. Ер участкасининг кадастр рақами \_\_\_\_\_
17. Ер участкасининг иқтисодий зонаси \_\_\_\_\_
18. Солиқ тўловчининг идентификацион рақами \_\_\_\_\_
19. Ер участкасини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар \_\_\_\_\_
  
20. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар:  
 Ер участкасига бўлган ҳуқуқ Реестрдаги \_\_\_\_\_ китоб \_\_\_\_\_ сонли ёзув, 20\_\_ й.  
 “\_\_\_” \_\_\_\_\_  
 Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома Серияси \_\_\_\_\_  
 рақами \_\_\_\_\_ берилган сана 20\_\_ й. “\_\_\_” \_\_\_\_\_
21. Геоахборотлар базасига киритиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлаштирилган маълумотлар ҳам келтирилиши мукин.

Бажарувчи

Текширувчи

20\_\_ й. “\_\_\_” \_\_\_\_\_

20\_\_ й. “\_\_\_” \_\_\_\_\_

“Тасдиқлайман”  
туман (шахар)  
**Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри  
давлат корхонаси бош мухандиси**

(имзо) (ф.и.о.)

20\_\_ й. “\_\_”

**Ер участкаси чегараларини белгилаш ва келишиш  
-сон далолатномаси**

20\_\_ й. “\_\_”

(шахар, посёлок)

Мен, \_\_\_\_\_  
(туман (шахар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси номи)

ходими, техник (муҳандис) \_\_\_\_\_  
(Исми шарифи.)

томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси (ёки унинг ишончли вакили) \_\_\_\_\_  
билин ҳамкорликда ер  
(Исми шарифи.)

участкасининг периметр бўйича умумий узунлиги  $P =$  \_\_\_\_\_ п.м. бўлган чегараси  
белгиланди ва келишилди.

Ер участкаси қуидаги манзил бўйича жойлашган:  
Ер участкаси \_\_\_\_\_ га  
(юридик шахснинг номи, жисмоний шахснинг исми шарифи)

хуқуқида тегишли.  
(хуқуқ тури)

Ер участкасининг белгиланган чегаралари ёндош ер участкалари ҳуқуқ эгалари билан  
келишилди:

Ер участкаси чегараси- нинг бурилиш нуқталари	Ёндош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгалари	Чегара ўтиш чиизининг таърифи	Чегара- ларнинг узунлиги (п.м.)
1-2			
2-3			
3-4			
4-1			

Далолатнома \_\_\_\_\_ ХОДИМИ  
 (туман (шахар) ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси номи)  
 ТОМОНИДАН ТУЗИЛДИ.

Техник (муҳандис) \_\_\_\_\_  
 (имзо) \_\_\_\_\_ (ф.и.о.)  
 20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Чегараларни белгилаш бўйича ер участкасига бўлган хукуқ эгасининг ва ёндош ер  
 участкаларига бўлган хукуқ эгаларининг \_\_\_\_\_  
 (эътиrozлари бор / эътиrozлари йўқ)


Ер участкасига бўлган хукуқ эгаси \_\_\_\_\_  
 (имзо) \_\_\_\_\_ (ф.и.о.)

Ёндош ер участкаларига  
 бўлган хукуқ эгалари  
 1. \_\_\_\_\_  
 (имзо) \_\_\_\_\_ (ф.и.о.)  
 2. \_\_\_\_\_  
 (имзо) \_\_\_\_\_ (ф.и.о.)  
 3. \_\_\_\_\_  
 (имзо) \_\_\_\_\_ (ф.и.о.)  
 4. \_\_\_\_\_  
 (имзо) \_\_\_\_\_ (ф.и.о.)

**Ер участкаси чегаралари****ШАКЛ-ТАСВИРИ**

Манзили: Шайхонтохур тумани Катта бог, Дустлик берк кучаси 1-ый

Майдони: 505,00 кв.м. Кадастр рақами: 10:10:03:03:01:5612:0001 Нисбат: 1:1000



Текширди:

Мухандис: \_\_\_\_\_

Оператор: \_\_\_\_\_

Техники-ижрочи: \_\_\_\_\_.

**“Тасдиқлайман”**

туман (шахар) Ер тузиш ва  
кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси  
бош мухандиси

(имзо) (ф.и.о.)

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

**Ер участкаси чегараси бурилиш нуқталарининг координаталари  
каталоги**

Объектнинг номи \_\_\_\_\_

Нуқталарниңг рақамлари	Координаталари (м)		Горизонтал холати	Дирекцион бурчак
	X	Y		

Ер участкасининг майдони  $S = \text{_____} \text{ м}^2 / \text{_____} \text{ га}$   
Ер участкаси чегарасининг периметри  $P = \text{_____} \text{ п.м.}$

**Бажарувчи**

**Текширувчи**

(имзо) (ф.и.о.)

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_


(имзо) (ф.и.о.)

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

**Ер участкаси жойлашган худуд тафсилоти**

Манзил. Шайхонтохур тумани Катта боғ, Дустлик берк кучаси 1-ый

**Масштаби: 1:1000**



**Ер участкасини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш тўғрисидаги  
ҳисоботдан кўчирма**

T/p	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичлар
1.	Ер участкасининг ўрнашган жойи	
2.	Ер участкасига оид баҳоланадиган хуқуқ тури	
3.	Ер участкасига бўлган хуқуқ эгаси	
4.	Баҳолаш мақсади	
5.	Баҳолаш базаси (қиймат тури)	
6.	Баҳолаш ишини бажарган ташкилотнинг номи	
7.	Баҳолаш ишини бажарган ташкилот лицензиясининг (баҳоловчи аттестатининг) рақами	
8.	Лицензиянинг (баҳоловчи аттестатининг) амал қилиш муддати	
9.	Баҳолаш ишини ўтказиш учун асос	
10.	Баҳолашнинг ҳақиқий санаси	
11.	Қиймат миқдори	
12.	Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган сана	
13.	Баҳолаш тўғрисидаги ҳисботнинг тартиб рақами ва у сақланаётган жой	

**Ижро этувчи-баҳоловчи**

---

(имзо)

(ф.и.о.)

**Текширувчи**

---

(имзо)

(ф.и.о.)

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

(М.Ў.)

(М.Ў.)

**Ер участкасида мавжуд бўлган дов-дараҳтлар тўғрисида  
Маълумотнома**

T/p	Номи	Ўлчав бир.	Сони	Экилган йили	Диометри (см)	Ўсиш баландлиги (м)	Таъсифи
1	Мевали дараҳтлар						
2	Декоратив дараҳтлар						
3	Мевали бутазорлар (кустарниклар)						

*Бажарувчи*

*Текширувчи*

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (ф.и.о.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (ф.и.о.)

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

**Давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинган хужжатлар**  
**Рўйхати**

Манзили: \_\_\_\_\_

Объект тури: \_\_\_\_\_

Бинолар сони: \_\_\_\_\_ Иншоотлар сони: \_\_\_\_\_

Хукукий хужжатларга эга бўлган умумий ер майдони: \_\_\_\_\_ кв.м.

№	Хужжатлар номи	Варағлар сони
1		
2		
3		

Мухандис: \_\_\_\_\_

Техники-ижрочи: \_\_\_\_\_

**Бино, иншоот тўғрисида маълумотлар****I. Умумий маълумотлар**

1. Объектнинг номи: \_\_\_\_\_
2. Юқори ташкилотининг номи \_\_\_\_\_
3. Объектнинг вазифаси \_\_\_\_\_  
(турар уй-жойлар, маъмурий, маданият, савдо ва бошқалар)
4. Объект мулкдори (эгаси) \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг номи, жисмоний шахснинг исми шарифи.)
5. Бирга эгалик қилувчилар (мавжуд бўлса) \_\_\_\_\_
6. Балансга олувчи \_\_\_\_\_
7. Фойдаланувчи \_\_\_\_\_

**II. Юридик маълумотлар**

Ер участкасига, биноларга, иншоотларга бўлган ҳукукларни белгиловчи ёки чекловчи (шартловчи) расмий ҳужжатлар

Ер участкаси бўйича:

1. Ҳукуқ белгиловчи ҳужжат (тури, рақами, ким томонидан ва қачон берилган) \_\_\_\_\_  
а) ҳукуклар тури \_\_\_\_\_ фойдаланиш муддати \_\_\_\_\_  
б) майдони, м<sup>2</sup>/га: ер ажратиш бўйича \_\_\_\_\_ ҳақиқатда \_\_\_\_\_

Бино, иншоот бўйича:

1. Ҳукуқ белгиловчи ҳужжат (тури, рақами, ким томонидан ва қачон берилган) \_\_\_\_\_

2. Объектнинг вазифаси:

ҳужжат бўйича \_\_\_\_\_  
ҳақиқатда \_\_\_\_\_

3. Чеклашлар (шартлар) тўғрисида маълумотлар:

- а) чеклаш (шарт) тури ва унинг мазмуни \_\_\_\_\_
- б) асос \_\_\_\_\_
- в) амал қилиш муддати \_\_\_\_\_
- г) бенефициар \_\_\_\_\_

4. Фойдаланишнинг маҳсус режимлари тўғрисида маълумотлар:

- а) бино ва иншоотларнинг номи \_\_\_\_\_
- б) асос \_\_\_\_\_
- в) фойдаланиш бўйича маҳсус режимнинг тавсифи \_\_\_\_\_
- г) амал қилиш муддати \_\_\_\_\_

**III. Молиявий-иктисодий маълумотлар**

1. Баҳолаш санаси кўрсатилган қиймати \_\_\_\_\_
2. Асос \_\_\_\_\_
3. Баланс қиймати \_\_\_\_\_
4. Устав фондига киритилганлиги тўғрисидаги маълумотлар \_\_\_\_\_
5. Инвестициялар тўғрисида маълумотлар \_\_\_\_\_
6. Олди-сотди шартномаси бўйича қиймати \_\_\_\_\_

**IV. Лойиҳавий маълумотлар**

1. Лойиҳа архитектура органлари билан келишувдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар \_\_\_\_\_
2. Объектнинг лойиҳа бўйича номи \_\_\_\_\_
3. Объектнинг вазифаси ва қуввати \_\_\_\_\_
4. Лойиҳаловчи ташкилот \_\_\_\_\_
5. Смета қиймати \_\_\_\_\_

**V. Қурилиш маълумотлари**

(Агар объект бир нечта блоклар, литералардан иборат бўлса, ҳар бир блок, литера бўйича қўшимча маълумотлар берилади)

1. Объектнинг фойдаланишга қабул қилиниши далолатномаси (санаси, рақами) \_\_\_\_\_
2. Қурилиш даври: бошланиши \_\_\_\_\_ яқунланиши \_\_\_\_\_
3. Пудратчи ташкилот \_\_\_\_\_
4. Конструктив тури \_\_\_\_\_
5. Қаватлари сони \_\_\_\_\_
6. Зилзилабардошлиги \_\_\_\_\_ балл
7. Қурилишнинг ҳақиқатдаги қиймати \_\_\_\_\_
8. Объект қурилишининг ҳолати (тугалланган, тугалланмаган) \_\_\_\_\_

**VI. Ўлчов маълумотлари**

1. Алоҳида бинолар (корпуслар, литералар) сони \_\_\_\_\_
2. Асосий хоналар (жойлар) сони \_\_\_\_\_
3. Умумий майдони ( $m^2$ ) \_\_\_\_\_ фойдали майдони ( $m^2$ ) \_\_\_\_\_
4. Ҳужатлар бўйича майдони ( $m^2$ ) \_\_\_\_\_ фарқи ( $m^2$ ) \_\_\_\_\_
5. Майдонлардаги фарқнинг сабаби \_\_\_\_\_
6. Иншоотлар сони \_\_\_\_\_ майдони ( $m^2$ ) \_\_\_\_\_

**VII. Муҳандислик коммуникациялари билан таъминланиши тўғрисидаги маълумотлар**

1. Электр таъминоти (асосий) \_\_\_\_\_ қўшимча \_\_\_\_\_
2. Газ таъминоти \_\_\_\_\_ 3. Сув таъминоти \_\_\_\_\_
4. Канализация \_\_\_\_\_ 5. Иссиқлик таъминоти \_\_\_\_\_
6. Телефон \_\_\_\_\_ 7. Радио, телевидение \_\_\_\_\_
8. Лифт, юккўтаргич \_\_\_\_\_ 9. Автомобиль учун кириш йўли \_\_\_\_\_
10. Темир йўл транспорти учун кириш йўли \_\_\_\_\_
11. Бошқа маълумотлар \_\_\_\_\_

**VIII. Геологик маълумотлар**

1. Рельеф \_\_\_\_\_ 2. Грунтлар тури \_\_\_\_\_
3. Ер ости сувларининг сатҳи \_\_\_\_\_
4. Ер ости сувларининг агрессивлиги \_\_\_\_\_

**IX. Экологик маълумотлар**

1. Шамол йўналиши \_\_\_\_\_
2. Чангланиш, ҳавонинг ифлосланиш даражаси \_\_\_\_\_
3. Саноат корхоналарининг таъсири \_\_\_\_\_
4. Электромагнит нурланиш даражаси \_\_\_\_\_
5. Шовқин даражаси \_\_\_\_\_
6. Ҳудудни суғориш усули \_\_\_\_\_ (очик сув ҳавзасидан, кудукдан, водопровод ва бошқалар)
7. Суғориш сувларининг чиқарилиш \_\_\_\_\_ (арикқа, канализацияга, бошқалар)
8. Ободонлаштириш даражаси \_\_\_\_\_

**X. Фойдаланиш маълумотлари**

1. Қўйидаги бажарилган ишлар:
  - а) реконструкция \_\_\_\_\_
  - б) капитал таъмирлаш \_\_\_\_\_
  - в) жорий таъмирлаш \_\_\_\_\_
2. Эскириши (жисмоний, маънавий, ташқи):
  - а) бинонинг \_\_\_\_\_
  - б) иншоотнинг \_\_\_\_\_
  - в) муҳандислик коммуникацияларининг \_\_\_\_\_
3. Авария ҳолатининг мавжудлиги \_\_\_\_\_
4. Бошқа маълумотлар \_\_\_\_\_

Бажарувчи

Текширувчи

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (ф.и.о.)  
 20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (ф.и.о.)  
 20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Эслатма: Кўчмас мулк объектининг турига ва юридик ёки жисмоний шахсларга мансублигига қараб, тегишли сатирлар тўлдирилади. Чалкашликни юзага келтирмаслик мақсадида мавжуд бўлмаган маълумотлар қайдномадан чиқариб ташланиши мумкин.

## МАЪРУЗА МАТНИ

### **МАВЗУ: ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ЮРИТИШ**

#### **РЕЖА:**

- 1. Республикаизда давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг норматив-хуқуқий асослари.**
- 2. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишда хорижий мамлакатларнинг тажрибалари.**
- 3. Кадастр объектларига вужудга келган хуқуқни ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиши.**
- 4. Кадастр объектларининг микдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш ҳамда сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш.**

#### **1. Кадастр ишларининг ривожланиш тарихи**

Кадастр тушунчаси “Солиқса оид предметлар рўйхати” маъносини англатувчи лотин сўзидан келиб чиқсан. Бошида кадастр ер солиги предметига доир китоб (реестр) сифатида тушунилар эди, кейинчалик у давлат ҳисобга олиш-баҳолаш тадбирлари мазмунига эга бўлди.

Қадимги тарихий қўлёзмалар ва ёдгорликлар ер кадастри милоддан юзлаб йиллар аввал қадимги Юноистонда, Мисрда, Румда, Хитойда мавжуд бўлганидан далолат беради.

Замонавий Европа ер кадастри тизими кўп жиҳатдан унинг тушунчаси ва мазмунини шакллантирган Наполеон билан боғлиқ. Лекин ҳар бир мамлакатда кадастр ривожи ўз шароитлари ва анъаналарига асосланади, шунинг учун жаҳонда иккита бир хил кадастр тизимини топиш мумкин эмас. Шуниси қизиқки, мамлакатимиз ҳудудида ўтган асрда қози томонидан юритилган “Темир дафтар” номли кадастр кўринишларидан бири амал қилган.

Ҳозирги вақтда кадастр жаҳондаги барча мамлакатларда юритилмоқда, у табий ресурслардан фойдаланишни, мухандислик фаолиятини, экологик, ижтимоий ходисаларни ҳисобга олиш, холатини баҳолаш, тушунчаси билан узвий боғлиқдир.

Кадастр ўз шароити билан бир хил бўлган ҳудудий бирликларни ажартишга, уларни картага тушириш, сифат ва микдор тавсифларидан фойдаланган ҳолда таърифлашга мўлжалланган.

Шуниси аҳамиятлики хорижий мамлакатлар тажрибасида *кадастр* тушинчасини кўп ҳолларда *кўчмас мул* тушунчаси билан боғлашади. Шунинг билан бирглиқда *кўчмас мулк* деганда қуидагилар тушинилади:

ерга мустахкам боғланган (боғлиқ) сони ва қиймати тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган, ер участкаларга ва бошқа кўчмас мулкларга бўлган мулкчиликни **умумий хатга олиши** (*рўйхатга олиши*).

“Кадастр” сўзи бутун дунёга тарқалган бўлиб, фақат Скандинавия давлатлари унинг ўрнига “Реестр” сўзидан фойдаланишади.

“Кадастр” сўзининг келиб чиқшини этимолог-олимлар ҳар ҳил тушинтиришади.

Масалан, француз этимологи Блондхейм “кадастр” сўзи грекча “катастикон” сўзидан келиб чиқсан бўлиб “ёзув дафтари” деган маънони билдиради деб ҳисоблайди.

Бошқа олим, Добнер (1892 й.) “кадастр” сўзини ўрта аср латин сўзи “капитаструм” билан боғлайди, бу сўз иккита сўздан “капитум” ва региструм” сўзларининг қўшилишидан ташкил топган бўлиб, бўлинган рим вилоятлари худудларни баҳолаш бирлиги “реестри” деган маънони беради.

Блондхеймнинг таърифи 1185 йилда ёзилган венеция хужжатларига асосланган бўлиб, ҳақиқатга ёқинроқ деб тан олинади.

1985 йилда кадастр ва ер аҳборотлари ҳалқора эксперталар гурӯҳи кадастрга кенгироқ умумлаштирилган таъриф беришди.

**Кадастр** – бу давлат томонидан ерга бўлган мулкчилик маълумотларини услубий жихатдан тартибга солиш учун аниқ бир давлат ёки туман миқиёсида мулкчилик участкалари чегараларини съёмка қилиш натижасига таянган ҳолда ҳисобга олиш.

Ҳар бир мулкка аниқ тартиб рақми берилади – идентификатор. Мулкчилик чегаралари ва тартиб рақами одатда катта масштабли карталарда акс этдирилади.

Кадастр билан “Кадастр съёмкаси” атамаси чамбарчас боғлиқ бўлиб, у кўчмас мулк участкаларининг чегаралари съёмксини билдиради.

Кадастр тушинчаликни ер участкаларидан солиқ олиш, мулккий ва юридик ҳукуқларини рўйхатдан ўтказиш учун керакли бўлган тизимли маълумотларни ўз ичига олади.

Ташкил этилиш мақсадига мувофиқ тuri ва таснифига қараб кадастр ҳар ҳил маънога эга бўлади.

Мақсадига қараб кадастрни учта катта тойифага ажартиш мумкин:

1) **солиқ ёки фискал (хазина)** - солиқ олиш ўлчамини ва тартибини белгилаш мақсадида кўчмас мулкни таснифлаш (*таърифлаш*) учун;

2) **хуқуқий ёки юридик** – мулкка эгалик ҳуқуқини химоя қилиш учун;

3) **кўп мақсадли** – ҳуқуқий, иқтисодий, экологик, шаҳарсозлик соҳаларига (*спектрага*) оид вазифаларини ечиш, шунингдек худудларнининг ривожланишини режалаштириш ва бошқариш учун. Кўп мақсадли кадастр

ҳар хил турдаги объектлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади: табий ресурслар, инфраструктура, ижтимоий-иктисодий ходисалар ва х.к.

Кадастр тўғрисида қуийдаги тушинчалар хам мавжуд:

бир хил кўринишдаги кадастр, қайсики битта объект тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади (*қурилма, том, водопровод, квартира ва х.к.*);

кўп хил кўринишдаги кадастр, қайсики бир хил турдаги бир нечта объектлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади (*мухандислик инфраструктураси кадастри, табийи ресурслар кадастри, ижтимоий ходисалар кадастри ва х.к.*).

Худудий принципларга мувофиқ кўп хил кўринишдаги кадастр учта даражада юритилади:

Давлат даражасида – умумдавлат бошқаруви манбайи сифатида мамлакатнинг барча худудини камраб олади.

Давлат регионлари бўйича – аниқ бир вилоят (штат, край) худудини камраб олади.

Давлат худудий бўлинмалари бўйича – туман (шаҳар) худуда жойлашган, кадастр ҳисобига олинган барча объектлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Кадастрнинг замоновий тушинчаси, узоқ давр тарихий жараёнларнинг натижаларини ўз ичига камраб олган. Ўтган давр кадастри фаолиятини тахлил қилиш ва уни бугунги кунда яхшироқ ташкил этиш ҳамда ишонч билан кадастрнинг келажагини кўз олдимизга келтириш имконягини яратади.

Антик даврлардан бошлаб хар хил давлатларда фуқораларга ерга эгалик қилишни кафолатлаш зарурияти ва солиқ олишни таъминлаш ер кадастрини яратиш ва юритишга асос солди.

Масалан, ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики: бизнинг эрамиздан 4000 йил олдин аллақочон Холдееда кадастр мавжуд бўлган – лойдан ясалган тахтачаларга миххатда (клинописда) ер участкаси туширилган, томонлари ўлчамлари ва майдони кўрсатилган. Бизнинг эрамиздан 3000 йил олдин Египтликлар томонидан кадастр съёмкаси ўтказилган.

Бу ишлар натижасида ишлаб чиқилаётган ер участкасининг чегаралари ўрнатилган, ер тўғрисидаги батафсил маълумотлар, ер участкасининг чегараси ва майдони, эгалик қилувчиларнинг номларини ҳисобга олган ҳолда рўйхатга олинган.

Кейинчалик (бизнинг эрамиздан 1700 йил олдин) *Египтта* янги съёма ўтказилган, бундан мақсад ерни тақсимлаш ва қўчмас мулкдан солиқ олишни амалга ошириш бўлган. Олинган доромоднинг 1/5 қисми солиқ сифатида тўланганлиги аниқланган, бу миқдорга бизнинг давримизгача амал қилиниб

келинган. Бундай яндошув тўрт минг йилдан ортиқ давр мавжуд бўлган, кейинчалик XX асрда у мукаммалаштирилган.

Тахминан эрамиздан 600 йил олдин мавжуд бўлган **Грециядаги** жамият тузулиши бир қатор қонларга асосланган бўлиб, бу қонунлар кичик ер эгаларининг қаризларга ботиши, ўzlари эгалик қилаётган ерларини йўқотишгача олиб келди. Эрамиздан 594 йил олдин мақсадли кадастрга тайянган Солона қонунчилиги жамиятда тартибни қайта тиклаша мувофиқ бўлди, кўчмас мулк бўйича қаризлар бекор қилинди, қулчилик қаризлари ва катта-катта ер майдонларга (бўшлиқларига) эгалик қилишни бекор қилди. Фискал солигини олишни кафолатлаш мақсадида ерни қайта тақсимлаш ўtkазилди.

**Римда** биринчи кадастр эрамиздан олдин VI асрда Серви Тулли томонидан ташкил этилган бўлиб “Табулес цензуалес” деб номланган. Бу кадастрда съмка кўчмас мулкнинг периметри бўйича олиб борилган, ер турининг таркиби, унга ишлав бериш, сифати ва ҳосилдорлиги ҳисобга олинган ҳолда солиқ миқдори белгиланган. Съёмка маълумотлари мулк эгаларининг сўзларидан олинган, агар маълумотларнинг тўғрилигига шухба тўғилса ер ўлчавчи тайнинланиб у томонидан текширув ўтказилган. Кўчмас мулк майдони вақтга, уни шудугор қилиш учун сарфланган қўш хўккиз сонига ёки экиш учун керакли бўлган уруғлиқ миқдорига қараб баҳоланган.

Буюк Карл дарида кўчмас мулкка солиқ жорий этилган бўлиб у **ушр** (*даромаднинг ўндан бири миқдори*) сифатида маълум. Аммо бундай солиқларни йиғиш кадим замондаги рим китобларидағи ёзувларга асосланган бўлганлиги сабабли, самарасиз бўлган. Феодализм дарида эрамиздан олдинги 900 йилдан 1200 йилгacha сюзеренлар ва руҳонилар кўчмас мулкка бўлган эгаликни ҳужжат имзолаш орқали рўйхатдан ўтказишни қўллаб қуватлашган.

**Италияда** 1162 йиллар атрофида фискал мақсади билан ер кадастри ташкил этилган. Миланда 50 йил давомида (1260-1310 йиллар) кадастр съёмкалари ўтказилган, аммо съёмка натижаларидан солиқ олиш тизимини ўрнатиш учун маълумотлар олинмаган.

**Англияда** биринчи кадастр 1066 йилларда ташкил топган саналанади, унинг мақсади кўчмас мулкка солиқ белгилаш бўлган. Бу кадастр халқ томонидан “Барчанинг умумий суд куни китоби” (“Domesday book” ёки “Книга Дня Всеобщего суда”) деб номланган, модомики кимдир солиқ идораларини алдаган бўлса, оқибртда унга қарши қўлланиши мумкин бўлган.

**Францияда** биринчи кадастрларнинг маълум бўлиши 1269 йил саналанади. Дастлаб “Ҳисоблар китоби” деб номланган кадастр мувофақиятга эриша олмади. Факат Луи XIV даврида унга тегишли бўлган “Табақасидан қатий назар кадастр одамларни теглаштириши керак” деган

машхур сўзидан кейин французлар кадастр съёмкаси асосида фаскал тизимини мувофақиятли тадибиқ эта олишди.

Янги эра йилларида ишлаб чиқилган асбоблар ва усуллар кадастр учун суъратга оилишга сезирарли даражада таъсир кўрсатди. 1608 йил Галилсо Галилей томонидан 100 баравар катталашибилган телескоп кашиф этилди. 1590 йилда Австриялик математик Ян Притериус «Мензула Преториани» номи билан замоновий планшет тайёрлади. 1615 йилда Голландеялик Снел-Лиус триангуляцияни топографияда қўллаш усулини нашир этди. 1730 йил биринчи теодолит кашиф этилди.

Бошқа турдаги кадастрларнинг ривожланишида Франция кадастиро алоҳида ўринга эга деб ҳисобланади. 1801 йилларда Наполеон франция худудида кўчмас мулкка солиқнинг адолатли тақсимлашни ўрганиб чиқиши учун комиссия тузди. Ундан олдин 1800 алоҳида худудларда кадастр учун суъратга олиш ишлари ўтказилди. Ўтказилган ишлар натижасида ҳисобланган солиқ миқдорини бошқа худудларда ҳам таққослаш усули билан қўллаш кўзда тутилган эди, аммо олинган натижалар қониқарсиз бўлиб чиқди, натижада бутун Франция худудини кадастр суъратига олиш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу сабабли 1814 йилгача 12 миллионон гектар худудда 36 миллион объектларда, 9 минг худудий округларда съёмка ишлар ўтказилди. Кадастр учун суъратга олиш асосан фискал ва юридик характерда ўтказилди.

Бу вақтдага келиб турли мамлакатлар кадастр учун суъратга олишни бошлаб юборишиди. Филип 11 подшохлиқ даврида Испанияда биринчи маратоба кўчмас мулкни баҳолаш бўйича статистик ишлари ўтказилди. Шунинг билан биргаликда оппозициядаги йирик латифундистлар фискал тизимини самарали қўллаш имконятини бермади. Ўрта асрда кадастр учун суъратга олиш ва ер кадастрини юритишнинг асосий тамоиллари Рим империяси дваридағи кадастр ишларидан камдан-кам фарқ қиласар эди (ерлар арқон ёки жезла ёрдамида тўғри чизиқли ўлчанганд, геометрик билимлар ва ҳисоблашлардан бўш фойдаланилган), 1718 йилга келиб Миланлик Джованни Джакомо Мариони қаттий илмий усулларга риоя қилинган ер участкаларнинг чегараларини триангуляция усулида ва полигонометрик тармоқ билан аниқлашга асосланган биринчи кадастри ишлаб чиқди.

Бу кадастр ҳужжати сифатида мензуладан фойдаланиб 1:2000 масштабда бажарилган барча қишлоқ жамоалари мухут (ситуационные) карталари ҳисобланган. Картада алоҳида жамоаларнинг эгалигидаги ер участкалари (парцеллар), шунинг билан биргаликда эгаликнинг майдони, тупроқ тури, олинадиган соғ фойда кўрсатилган, бу маълумотлар солиқса тортиш учун асос бўлиб ҳисобланган.

Бу кадастри ўзининг сифати ва аниқлиги туфайли **Милан** кадастри деб ном олган, 1760 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилган ва XIX асрда Франция, Бельгия, Австрия, Голландия, Швейцария кадастрларини ишлаб чиқиши учун наъмуна ҳисобланади.

**Россияда** кадастр тўғрисидаги биринчи маълумотлар X асрларга тегишли бўлиб, ерни баҳолаш ва ер солиғини йиғиш билан боғлиқ бўлган, 1483 йилда Псковда Святогорский монастири учун ер ажратиш ишлари картографик асосда чегара белгиларини ўрнатиш тартибида бажарилганлиги тўғрисида ҳуқуқий эслатмалар мавжуд. Россияда ер кадастри картографик материаллари ерларни тарифлаш, йиғилган ёзувлар, кузатишлар, назорат, чегара белгиларини ўрнатиш (межевых) китоблари ва жойида ўтказилган (натурада) ер ўлчав ишлари натижалари асосида тузилган.

Ер ўлчав ишлари чегара чизиқларининг узунлигини ўлчашдан иборат бўлган “*мерной вервью*” (узунлиги 80, 40, 20 саженга тенг арқон, 1 сажен 2,1336 метрга тенг бўлган). Чегара чизиги ердаги экин турига караб ўрнатилган ва “яхши”, “ўрта”, “ариқ” («добрую», «среднюю» и «худую») ер деб ажратилган.

## **2. Жамиятимизда давлат кадастрларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти**

Республикамида кадастр тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистоннинг асосий бойликларидан бўлган Ердан самарали фойдаланиш мақсадида 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан «Ер кодекси» ва «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунга жамиятимизнинг ривожланиши, бозор иқтисодиётини янада кенг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда кўпгина янгиликлар киритилди.

Давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у давлат кадастри юритиладиган табиий, хўжалик обьекти ёки бошқа обьект муйян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборат бўлади.

Кадастр тушунчасининг замонавий таърифи сифатида шуни айтиш мумкинки, кадастр - мамлакатимиз худудидаги табиий ресурслар ва инсон яратган моддий ва маънавий бойликларнинг сўнгги ҳолатига оид маълумотларни сақлаш ва фойдаланувчиларга ҳавола қилиш тизимиdir.

Давлатимиз мустақилликка эришиб, бозор иқтисодиёти томон юз тутганлиги хўжалик юритишнинг янги усувлари ва тамойилларини

ҳаётимизда жорий қилишни тақозо этади. Давлат, ташкилот ёки фуқаро томонидан қайсиdir моддий бойлик тури, жараён, объект бўйича маълум иқтисодий муолажани амалга ошириш уларнинг шу муолажа вақтидаги миқдор ва сифат ҳолатларига, меъёрий баҳоларига, ҳуқуқий ҳолатларига доир батафсил, тўғри ва оператив маълумотларга эга бўлишни талаб қилади. Тармоқ ва худудий кадастр хизматлари айнан шу талабларни қондириш мақсадида ташкил қилинган.

Табиий ва моддий бойликлар бир қанча турларга бўлингандиги учун мутаносиб равишда давлат кадастр тизими ҳам бир қанча тармоқ кадастрларини ўз ичига олади. Масалан, ер кадастри, энергетика ресурслари кадастри, хайвонот олами кадастри, темир йўллар кадастри, бино ва иншоотлар кадастри, сув ресурслари кадастри, ўрмон кадастри, архитектура ёдгорликлари ва тарихий обидалар кадастри, алоқа кадастри ва ҳ.к. Мамлакат худудидаги ҳар қандай бойлик ёки ер остида, ёки ер устида жойлашганлиги туфайли мазкур кадастрлар ичида ер кадастри алоҳида ўрин тутади.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ривожланишини ҳисобга олиб, табиий ва хўжалик ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда худудларнинг табиий-иктисодий салоҳиятини мажмуавий таҳлил қилиш ва баҳолаш энг зарур масалалардан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан ҳисобланган кадастр тизими Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг асосий тамойилларига ва мазмунига тўла мувофиқ келади. Бугунги кунда иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 15 декабря қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонуни мазмуни ва моҳияти билан мамлакатимизда Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш томоийлларини тўлиқ белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралда қабул қилинган “Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 66-сонли қарори асосида республикамизда 20 та давлат тармоқ кадастрларини яратиш ва юритиш бўйича тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар масъул этиб тайинланган.

Давлат кадастрлари ягона тизими (ДҚЯТ) давлат кадастрларининг барча турларини бирлаштирувчи кўп мақсадли ахборот тизими бўлиб уни юритиш “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси зиммасига юклатилган.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради ва давлат кадастрлари ягона тизимини юритади.

Давлат кадастрларининг ягона тизими юритиш методологиясини, илмий принципларини ва концепцияларини ишлаб чиқиши Давлат кадастрини юритувчи манфатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоролар томонидан белгиланган бўлиб бугунги кунда Давлат кадастрларини яратиш ва юритиш борасида тўлақонли норматив-ҳукуқий база шакллантирилди ва Ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари билан давлат кадастрларини юритиш ва яратиш тўғрисида низомлар тасдиқланиб ишга туширилди.

Ҳозирги пайтда давлат кадастрлари; ер, конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиши ҳоллари давлат кадастри; давлат сув кадастри; давлат ўрмон кадастри; қўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри; бинолар ва иншоотлар давлат кадастри; гидротехника иншоотлари давлат кадастри; маданий мерос объектлари давлат кадастри; автомобиль йўллари давлат кадастри; темир йўллар давлат кадастри; алоқа объектлари давлат кадастри; энергетика объектлари давлат кадастри; чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри; табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (хавфли геологик жараёнлар бўлими) картография-геодезия давлат кадастри бўйича тематик қатлам кўринишидаги маълумотлар ДКЯТ марказий маълумотлар базасига киртиб келинмоқда.

Бугунги кунда Давлат кадастрлари маълумотлари асосида географик ахборот тизими қатламлари яратилмоқда. Бу ўринда давлат ер кадастри маълумотлари алоҳида муҳум аҳамиятга эга.

Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий мақсади – иқтисодиётни ривожлантириш, ер участкаларига бўлган ҳукуқларнинг кафолатларини таъминлаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишнинг ҳукуқий асосларини белгилашдан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудида жойлашган ер участкалари бўйича кадастр ҳужжатлари тайёрланиб, юридик ва жисмоний шахларни ер участкасига тегишли бўлган ҳукуқлари давлат рўйхатидан ўтказилмоқда, шу билан биргаликда ердан фойдаланувчилар кесимида туман, шаҳар ҳокимликларнинг тасдиқланган қарорлари асосида ер ҳисоботи тайёрланиб, вилоятда умумлаштирилган ҳолда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасига ҳар йил яқуни бўйича 1 январ ҳолатига тақдим этилиб борилмоқда.

Хозирги кунда юридик ва жисмоний шахларни ер участкасига бўлган хукуқлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, рўйхатга ўтказиш жараёнидаги маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (туман ва шаҳарлар кесимида) ва Тошкент шаҳри бўйича навбатчи электрон хариталарга киритилмоқда.

Бугунги кунда барча туман, шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматлари қишлоқ хўжалиги экинларини тезкор ва аниқ ўлчовини ўтказиш, топогеодезия ишларининг сифатини ошириш мақсадида энг замонавий 160 та комплект йўлдош тизимли геодезик асбоб-ускуналар ҳамда уларга тегишли дастурий таъминотлар, замонавий компьютерлар, шунингдек ягона дастурий тизимни жорий қилиш мақсадида вилоят бошқармалари ҳамда туман бўйлимлари ArcGIS дастурий таъминоти билан таъминланган.

Давлат ер кадастри маълумотлари ҳар бир юридик ва жисмоний шахсларга тегишли ер участкаларига бўлган хукуқлари белгиланган тартибда туман ва шаҳарларда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, жойларда маълумотлар базаси яратилмоқда ва координатлар системасида жадвал шаклида Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлар базасига киритиб борилмоқда.

2004 йилгача бўлган даврда кўчмас мулкка бўлган хукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ташкилий жихатдан кўчмас мулкни турига қараб учта ҳар-хил (Давлат ер қўмитаси, «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси ва ТИКБ) ташкилот орқали амалга оширилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарорига мувофиқ учта идора қўшилиши муносабати билан қайта ташкил этилди ва кўчмас мулкка бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва кадастрни юритиш ишлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг зиммасига юклатилди. Хукукларни давлат рўйхатидан ўтказиш «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда.

Хукумат қарорига мувофик, ҳозирги пайтда, Кўчмас мулкка бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг компьютерлаштирилган ягона миллий тизимини яратиш бўйича, етакчи хориж мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан «Давлат инвестиция дастури» амалга оширилмоқда.

Келажакда кўчмас мулк тўғрисида атрибутив ва график маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар банки яратилиши кўзда тутилаяпти.

### **3. Республикаизда давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг норматив ҳуқуқий асослари**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-І-сон қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартадан кучга киритилган).

2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. (ЎзР 30.04.1998 й. 598-І-сон Қонуни билан тасдиқланган ЎзР 30.04.1998 й. 599-І-сон Қарори билан амалга киритилган).

3. Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг 04.04.2002 й. 353-І-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 04.04.2002 й. 354-І-сон Қарорига мувофиқ амалга киритилган).

4. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси (1998 йил 24 декабрдаги 713-І-сон Қонун билан тасдиқланган 1998 йил 24 декабрдаги 714-І-сон Қарор билан амалга киритилган 1999 йил 1 апрелдан амалга киритилган).

5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонуни. (15.12.2000 й. N 171-І).

6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. (28.08.1998 й. N 666-І).

7. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни. (09.04.2009 й. N ЎРҚ-208).

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.1997 й. Ўзбекистон Республикаси конлари, фойдали қазилмалари нишоналари ва техноген ҳосилаларининг давлат кадастриини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 258-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.1997 й. “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги № 278-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.01.1998 й. “Ўзбекистон Республикасининг давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 11-сонли қарори

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.03.1998 й. “Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари

давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 104-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.1998 й. “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги № 543-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.09.2000 й. “Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни ва ўзбекистон республикаси ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги № 343-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.07.2002 й. “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 269-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.02.2005 й. “Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 66- сонли қарори 3- иловаси

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2005 й. “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги № 152-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.11.2005 й. “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги № 250-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.11.1999 й. “Гидротехника иншоотларининг кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги № 499-сонли қарори.

#### **4. Ҳорижий давлатларда кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими**

**Австрия** - 1985 йилдан ташкилий жиҳатдан Ер китоби ва кадастр битта ҳисобланади ва марказлашган ҳолда юритилади. Ер китоби Федерал адлия вазирлиги, кадастр эса Федерал Иқтисодий масалалар вазирлиги тасарруфидадир. Ер китоби ва кадастр Федерал Хукуматга бўйсунади.

Кўчмас мулк объектларини шакиллантириш (инвентаризация, баҳолаш, кадастр суръатга олиш, юридик хужжатларни йиғиш) ҳусусий геодезистлар томонидан ҳам олиб борилади. Келажакда Ер китоби ва кадастрнинг бирлиги кенг қамровли географик маълумотлар тизимини янада кенгайтириш асосида амалга ошириш тенденцияси кузатилмоқда.

**Буюкбритания** - Кўчмас мулк кадастри - мулкий хуқуқ химояси тизимининг функциональ бирлиги сифатида мавжуд эмас. 1862 йилдан ер

участкаларига бўлган хуқуқни рўйхатдан ўтказиш - ер участкалари номлари Реестри амалга киритилди. Кўчмас мулкни шакллантириш (инвентаризациялаш, баҳолаш, кадастр суръатига олиш, юридик хужжатларни йиғиши), ўлчаш ишлари бўйича ҳусусий бюоролар томонидан олиб борилади, улар шунингдек, кадастр юритишни ҳам амалга оширадилар. Инглиз тизими мулкий хуқуқнинг химоясини таъминлаш тизимида давлат аралашуви (иштироки)нинг жуда камлигининг намунасиdir. Тўла қамровли ер-кадастр тизимини яратиш яқин келажакда кузатилмаяпти.

**Голландия** - Ер китоби ва кадастри юритиш функциялари Уй-жой қурилиши, режалаштириш ва атроф-муҳитни химоя қилиш вазирлиги тасарруфидаги «Кадастр» хизматлари томонидан олиб борилади. Кадастри юритиш тўлиқ автоматлаштирилган. Рўйхатдан ўтказиш ва картографик маълумотлар интеграцияланиш тенденцияси асосида амалга оширилмоқда.

**Германия Федератив Республикаси** - Германия тизими ташкилий жиҳатдан Ер китоби ва Ер кадастрига бўлинади. Тизим тарих давомида шундай шакилланганки, Ер китобини юритиш - ер участкасига бўлган юридик маълумотлар Реестри сифатида (мулкка муносабат, ҳукуқ ва бошқа ҳуқуқий ҳолатлар) Федерал адлия вазирлиги (рўйхатдан ўтказиш судлари) томонидан амалга оширилади. Ер кадастри эса - мулкни ҳақиқий ҳолатини (таркибини) исботи сифатида (бунда: номи, ҳолати, ўлчами, қурилиш иншоотлари, фойдаланиш ва бошқ.) юритилади ва Федерал ер ваколатида ҳисобланади. Кўчмас мулкни шакиллантириш ҳусусий геодезистлар томонидан ҳам амалга оширилади.

Маъмурий ва бюрократик қийинчиликлар ягона федерал тизимни ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Ташкилий ва технологик жиҳатдан кадастри хизматлари ва рўйхатдан ўтказиш судларини бирлашиши ҳамда рўйхатдан ўтказишни тўлиқ компьютер технологияларига ўтиш тенденцияси кузатилмоқда.

**Франция** - Кўчмас мулк Реестри – кўчмас мулкни ипотекаси ва гарови картотекалари бўйича Молия вазирлиги таркибига киравчи Асосий ҳукуқлар ва ипотекалар реестр хизмати томонидан юритилади. Сақлаш вазифаси (обременение) бўлмаган ер участкалари рўйхатдан ўтказилмайди. Маҳаллий ҳокимият органларининг кадастри хизматлари ўлчашлар асосидаги, солиқ солиш учун асос бўлиб хизмат қиласидиган график кадастри юритадилар. Кадастри юритишни компьютер технологияларига ўтказиш амалга оширилмоқда, тарихан шакилланиб келган солиқ кадастри босқичма-босқич геоахборот тизимига қайта шакилланиб бормоқда.

**АҚШ** - Тўла қамровли кадастр мавжуд эмас. Ерларни рўйхатдан ўтказиш, ўлчаш ёки маркировкалаш мажбурияти йўқ. Мулкни бошқа шахсга ўтказиш: ёзма шаклда тузилган олди-сотди тўғрисидаги мажбурият шартномаси, камида сўнгги 30 йил ичида ушбу мулкка бўлган ҳуқуқни исботлашда адвокат иштироки, тегишли ер участкаси бўйича суғурта компанияси томонидан бериладиган тарихий маълумот ва мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги Жамоа реестрига киритиладиган ҳужжат каби бир нечта этапларда амалга оширилади. Реестр ҳусусий суғурта компаниялари томонидан юритилади. Айрим Штатларда асосан ерларни, бино ва иншоотларни ҳисобини олиб бориш мақсадида қўчмас мулк кадастрини ташкил этиш тенденцияси кузатилмоқда.

**Швейцария** - Кадастр тизими иккита орган: Федерал адлия вазирлиги тасарруфидаги Ер китоби, ва кантонлар тасарруфидаги кадастр воситасида бутун мамлакат ҳудудида бир ҳил шаклга келтирилган (унификацияланган). Кўчмас мулкни шакиллантириш ишлари шунингдек ҳусусий геодезистлар томонидан ҳам олиб борилади. Мавжуд тизимни Кадастр хариталаш Федерал агентлиги раҳнамолигида Ер маълумотлари ягона миллий компьютер тизимини яратиш йўли билан қайта ташкил этиш режалаштирилмоқда.

**Швеция** - Кўчмас мулкни шакиллантириш ва унга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш Швеция Миллий ер хизматининг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказиш тартиби тўлик автоматлаштирилган, ер ахборотлари ягона маълумотлар банки амал қиласи. Мазкур соҳада Швеция дунёда етакчи ҳисобланади. Хозирда компьютер тизимини ислоҳ қилиш ундан бозор структуралари томонидан (банклар, суғурта компаниялари) янада кенгроқ фойдаланишга, шунингдек ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни беришни компьютерлаштиришга қаратилган.

**Арманистон** - Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш (ер участкалари, бино ва иншоотлар) Хукумат қошидаги Кўчмас мулк кадастри давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Қўмита зиммасига кўчмас мулкни шакиллантириш (кадастр суратга олиш, инвентаризация ва баҳолаш) функцияси ҳам юклатилган.

Асосий ривожланиш йўналиши – геоахборот тизимни қўллаган ҳолда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда кадастрини юритишни компьютер технологияларга ўтказиш.

**Беларусь Республикаси** - Кўчмас мулк объектларини техник инвентаризациялаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш Уй-жой коммунал хўжалик вазирлигининг қўчмас мулкни ҳисобга олиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш Республика маркази - давлат унитар корхонаси ҳамда маъмурий-

худудий бирликлардаги рўйхатдан ўтказиш ва техник инвентаризациялаш органлари томонидан амалга оширилади. Геоахборот тизими базасида худудлар давлат кадастри ягона тизимини яратиш - асосий тенденция ҳисобланади.

**Қозоғистон** - Хукуматнинг 1997 йилги қарори билан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш функцияси шунингдек олдин маҳаллий ижро органлари қошида ташкил этилган кўчмас мулкни баҳолаш ва давлат рўйхатидан ўтказувчи корхоналар (кейинчалик Кўчмас мулк марказлари деб қайта номланган) Адлия вазирлиги ихтиёрига берилди. Кўчмас мулкни шакиллантириш бўйича ишлар, Ер ресурсларини бошқариш агентлиги (ер участкалари) ва ТИКБ (бино ва иншоотлар)лар томонидан амалга оширилади. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича Адлия вазирлиги, Ер муносабатлари ва ер тузиш давлат қўмитаси, Уй-жой ва ҳудудлар қурилиши вазирлиги ўртасида идоралараро ҳамкорлик тўғрисида Битим тузилган. Манфаатдор идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва фаолиятини мувофиқлаштириш тенденцияси юзага келган.

**Қирғизистон** - Рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулкни шакиллантириш (ер участкалари, бино ва иншоотлар) функциялари 1999 йилдан Ер тузиш, геодезия ва картография давлат агентлиги ҳамда туман ва шаҳар ТИКБлари базасида ташкил этилган Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатидан ўтказиш давлат агентлиги томонидан амалга оширилади Келажакда ягона компьютерлаштирилган маълумотлар банкини яратиш мақсадида кўчмас мулк обьектларини ялпи инвентаризациядан ўтказиш ва баҳолаш кўзда тутилган.

**Литва** - Ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш (ер участкалари, бино ва иншоотлар) ҳамда кўчмас мулкни шакиллантириш, «Регистрлар маркази» давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. «Регистрлар маркази» давлат корхонаси кўчмас мулк регистридан ташқари «Юридик шаҳслар ва адреслар Регистри»ни ҳам юритади.

Асосий тенденция – ягона картографик асоснинг базасида ер ва кўчмас мулкка оид компьютерлаштирилган маълумотлар банкини яратиш.

**Молдовия** - «Кўчмас мулк кадастри тўғрисида»ги Конунга мувофиқ, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда кўчмас мулкни шакиллантириш ишлари Ер муносабатлари ва кадастр агентлиги томонидан амалга оширилади. Агентликни таркибига ТИКБ ва ер тузиш хизматлари ҳам киради.Хукумат томонидан миллий кадастр тизимининг Концепцияси тасдиқланган, унга мувофиқ кўчмас мулк бўйича ягона маълумотлар компьютер марказини ташкил этиш кўзда тутилган. Кадастр

ягона картографо-геодезик асосга боғланган, барча кадастр турларининг батафсил маълумотларини ўз ичига олган геоахборот тизими кўринишида ривожланиб боради.

**Россия Федерацияси** - «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиши» Қонунига мувофик, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ягона давлат Реестрини яратиш ва юритиш Адлия органлари зиммасига юклатилган. Кўчмас мулк объектларини техник инвентаризациялаш ва давлат ҳисобини олиб бориш бир нечта ташкилот (орган)лар орқали амалга оширилади жумладан: Геодезия ва картография Федерал хизмати; Федерал ер кадастри хизмати; Қурилиш ва уй-жой коммунал комплекси давлат қўмитаси. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш борасида Адлия муассасаси ҳамда кўчмас мулк объектларини техник инвентаризациялаш ва давлат ҳисобини олиб борувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик борасида Хукумат қарори билан Идоралараро Кенгаш ташкил этилган. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини босқичма-босқич ривожлантиш тўғрисида «Федерал Дастур» тасдиқланган. Ер ва мулкий муносабатларни тартибга солиш ва ислоҳ қилиш мақсадида «Давлат ер кадастрини ҳамда кўчмас мулк объектларини давлат ҳисобини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш мақсадли Федерал дастур тасдиқланган. Манфаатдор идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва фаолиятини мувофиқлаштириш тенденцияси юзага келган.

**Украина** - Кўчмас мулкни шакиллантириш ва унга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш функциялари Ер давлат қўмитаси ва ТИКБ орасида бўлинган бўлиб, қайси-ки тегишлилиги бўйича ер участкаларига ҳамда бино ва иншоотларга жавоб беради.

Кадастри юритиш ва кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш борасида масъул бўлган ягона орган ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ҳозирги пайтда қонунчилик базаси ишлаб чиқилмоқда.

**Эстония** - Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия вазирлиги таркибидаги маҳсус судлар томонидан амалга оширилади. Кўчмас мулкни шакиллантириш ишлари ерларни баҳолаш бўйича корхоналар ёки ҳусусий топографлар орқали амалга оширилади. Яқин келажакда кўчмас мулклар реестрини анъанавий формаси сақланади.

**Ўзбекистон Республикаси ва бошқа етакчи хорижий давлатларнинг  
рўйхатдан ўтказиш тизимини солиштирма таҳлили**

Рўйхатдан ўтказиш тизимининг кўрсаткичлари	Давлатлар				
	Франция	Германия	Япония	Швеция	Ўзбекистон
Рўйхатдан ўтказиш предмети	хукуклар тўғрисидаги хужжат	хукук	хукук	хукук	хукук
Рўйхатдан ўтказиш обьекти	ер участкаси ва бино/иншоот - ягона обьект	ер участкаси ва бино/иншоот - ягона обьект	ер участкаси ва бино/иншоот - турли обьектлар	ер участкаси ва бино/иншоот - ягона обьект	ер участкаси ва бино/иншоот - турли обьектлар
Ашёвий хукукни пайдо бўлишига асос бўладиган хужжат	Олди-сотди шартномаси	ашёвий хукук тўғрисидаги келишув + рўйхатдан ўтказиш	Олди-сотди шартномаси	ашёвий хукук тўғрисидаги келишув + рўйхатдан ўтказиш	хукук белгиловчи хужжат + рўйхатдан ўтказиш
Рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш	ха	йўқ	йўқ	ха	ха
Рўйхатдан ўтказиш учун асос бўладиган хужжатни нотариал тасдиқлаш	шарт	шарт	шарт эмас	шарт эмас	мулк ва битимнинг турига караб
Ашёвий хукукни пайдо бўлиш вақти	Олди-сотди шартнома-сига имзо кўйган пайтдан	Рўйхатдан ўтган пайтдан	Олди-сотди шартнома-сига имзо кўйган пайтдан	Олди-сотди шартнома-сига имзо кўйган пайтдан	рўйхатдан ўтган пайтдан
Рўйхатдан ўтказишга бўлган оммовий ишонч	йўқ	бор	йўқ	бор	бор

## **5. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг давлат бошқаруви**

Давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳсус ваколатли орган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари**

давлат кадастрларининг ягона давлат сиёсатини амалга оширади, уларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилайди, молиялаштириш ва инвестиция масалаларини ҳал қиласида;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш тартибини белгилайди;

кадастр объектларига бўлган хуқуqlарни давлат рўйхатидан ўтказиши, кадастрга доир ахборотни фойдаланувчиларга тақдим этиш тартибини белгилайди;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

*Махсус ваколатли органнинг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари*

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастрини давлат қўмитаси (Ергеодезкадастр) давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли орган ҳисобланади.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ваколатларига қўйдагилар киради:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиҳлаштиради;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларни тегишли давлат кадастрларини юритиш учун зарур бўлган картография материаллари билан белгиланган тартибда таъминлайди;

давлат кадастрлари юритилишига доир норматив хужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси давлат кадастрини юритиш соҳасида вазифалари:

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

Давлат кадастрлари ягона тизимига киритиладиган тармоқ кадастр ахборотларини йиғиши, таҳлил қилиши, туркумлаш, сақлаш ва янгилашни амалга оширади;

давлат ер кадастрини юритади;

бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритади;

давлат картография-геодезия кадастрини юритади;

илмий-тадқиқот ва тажриба-технология ишларини бажаради, норматив-техник хужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктларининг маъмурий чегараларини белгилаш (аниқлаш) ишларини ташкил қиласида ва амалга оширади;

фойдаланувчиларни кадастр ахборотлари билан таъминлайди;

кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва кўчмас мулкка доир битишувларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

кўчмас мулкка ҳуқуқлар, уларнинг бир ҳуқуқ эгасидан иккинчисига ўтиши тўғрисидаги, кўчмас мулкка ҳуқуқларни чегаралаш ва кўчмас мулкка доир бошқа битишувлар тўғрисидаги маълумотлар банкини ташкил қиласди.

*Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиши соҳасидаги ваколатлари*

кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни ташкил этадилар;

давлат ер кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиши ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирадилар;

тегишли ҳудудлар давлат кадастрининг юритилишини ташкил этадилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

## **6. Давлат кадастрлари ягона тизимини (ДКЯТ) яратив ва юритиш**

Давлат кадастрларининг ягона тизими Ўзбекистон Республикаси ва унинг айрим ҳудудлари табиий-иктисодий салоҳиятининг ягона умумдавлат ҳисобкитоби юритилишини, баҳоланишини таъминлашга мўлжалланган кўп мақсадли ахборот тизими тарзида яратилади.

Давлат кадастрлари ягона тизимига киритиладиган давлат кадастрларининг ахборотини тақдим этиш тартиби давлат кадастрларини юритиши соҳасидаги маҳсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Давлат кадастрлари ягона тизимига қўйидагилар киради:

давлат ер кадастри;

фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар давлат кадастри;

давлат сув кадастри;

давлат ўрмон кадастри;

ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри;

ҳайвонот дунёси давлат кадастри;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри;

бинолар ва иншоотлар давлат кадастри;

давлат шаҳарсозлик кадастри;

гидротехника иншоотлари давлат кадастри;

тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастри;

автомобиль йўллари давлат кадастри;

темир йўллар давлат кадастри;

транспорт қувурлари давлат кадастри;

алоқа объектлари давлат кадастри;

энергетика объектлари давлат кадастри;  
чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастри;  
табиий хавфи юқори бўлган тегралар (зоналар) давлат кадастри;  
техноген хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;  
картография-геодезия давлат кадастри;  
худудлар давлат кадастри.

Давлат кадастрлари ягона тизимиға қонун билан белгиланадиган бошқа давлат кадастрлари ҳам кириши мумкин.

Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ) - давлат кадастрларининг турларини бирлаштирувчи куп мақсадли ахборот тизимидир.

Давлат кадастрлари ягона тизими Ўзбекистон Республикаси ва унинг алоҳида худудлариинг табиий-иктисодий салоҳиягини ягона умумдавлат жихатидан комплекс ҳисобга олишии ва баҳолашни таъминлаш мақсадида яратилади ва юритилади.

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш Узбекисгоп Республикаси Ер ресурелари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси) томонидан амалга оширилади.

Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш мазкур норматив-хуқуқий хужжатлар билам тартибга солиб борилади.

Давлат кадастрлари ягона тизими давлат хокимити ва бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг фаолияти учун зарур булган барча турдаги давлат кадастрлари ахборотлари билан тезкор таъминлеш учун мулжалланган.

Ер, конлар хамда фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзга чиқиши ҳоллари, сув, ўрмон, усимлик ва хайвонот дунёси, алоҳида қўриқланадиган табиий худудлар, бинолар ва иншоотлар, шахар ва шаҳарчалар, гидротехника иншоотлари, маданий мерос объектлари, автомобиль йўллари ва темир йўллар, етказиб бериш кувурлари, алоқа объектлари, энергетика объектлари, чиқиндиларни кўмиш ва йўқ килиш жойлари, тихноген хавф юқори бўлган зоналар, геодезия пунктлари ва Давлат кадастрлари ягона тизими масалаларини хал этиш учун зарур бўлган бошқа объектлар Давлат кадастрлари ягона тизимининг объектлари ҳисобланади.

Давлат кадастрлари ягона тизими объектлари тўғрисидги маълумотлар республика учун ягона технология бўйича:

давлат ер кадастри бўйича - «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси;

конлар, фойдали казилмалар ва техноген хосилаларнинг юзага чиқиши ҳоллари давлат кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси;

давлат сув кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гирометеорология хизмати маркази (табиий сув манбалари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари), Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолати);

давлат ўрмон кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси;

ўсимлик дунёси обьектлари давлат кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;

ҳайвонот дунёси давлат кадастри бўйима - Ўзбекистон Роспублшкаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;

алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси;

бинолар иа иншоотлар давлат кадастри бўйича - Ергеодезкадастр давлат қўмитаси;

давлат шаҳарсозлик кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш кумитаси;

гидротехника иншоотлари давлаг кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги обьектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, бошқа ваколатли органлар;

маданий мерос обьектлари давлат кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги;

чиқиндиларни қўмиш ва утилизация килиш жойлари давлат кадастри бўйича - Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;

картография-геодезия давлат кадастри бўйича - «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан такдим этилади.

Тегишли давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат кадастрларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлор билан белгиланади.

Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлари давлат бошқаруви барча органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладон хорижий

юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий кучга эгадир. Кадастр хужжатлари мулкчилик ва хўжалик юритишнинг барча шаклларидағи объектлар тўғрисидаги ҳуқуқий, иқтисодии ва техник маълумотларнинг бошланғич манбаи сифатида кабул килиниши керак.

Куйидагилар Давлат кадастрлари ягона тизимини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

хар бир кадастр объектлари тури бўйича Ўзбекистан Республикасининг барча ҳудудларини тўлиқ қамраб олиш;

макон координаталарининг ягона тизимини қўллаш;

кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;

кадастр ахборотларининг ишончлилиги;

кадастр ахборотларининг очиклиги.

Амалдаги кадастрлар ва ахборотлар тизимлари доирасида олинган объектларнинг ҳисоби ва рўйхатдан ўтказилиши натижалари Давлат кадастрлари ягона тизимиға «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва давлат тегишли кадастрларини юритиш тўғрисидаги низомлар билан белгиланадиган тартибда давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бепул берилади.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва маълумотларни тақдим этувчи органларнинг мансабдор шахслари Давлат кадастрлари ягона тизимидағи маълумотларнинг ишончлилиги учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш билан боғлик ишлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Давлат кадастрларига доир ахборот давлат ҳокимияти органларига бепул, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга эса белгиланган тартибда ҳақ эвазига тақдим этилади.

Давлат сири ҳисобланган давлат кадастрларига доир ахборотдан фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Кадастр объектлари тўғрисидаги кадастр маълуматларининг компьютер базаси давлат кадастрларини юритувчи маъсул орган томонидан туман, шаҳар кадастр, реестр дафтарига киритилган маълумотлари асосида тузилади.

Кадастр объектлари тўғрисидаги компьютер маълумотлари Корқалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича йилнинг ҳар чорагида умумлаштирилади ва бир тизимга солинади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг кадастр объектлари тўғрисидаги компьютер кадастр маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси бўйича кадастр объектлари тўғрисидаги кадастр

маълумотларининг бир тизимга солинган компьютер базаси шакллантирилади.

Давлат кадастрлари маълумотлари (кадастр ахбороти) ДКЯТга алфавит-рақамли (матнлар, жадваллар, ведомостлар, йилномалар ва ҳ.к.) ва график (карталар, планлар, кесмалар, схемалар ва ҳ.к.) шаклларда анъанавий (қоғоз) ва (ёки) электрон шаклларда тақдим этилади.

Давлат кадастрлари маълумотлари белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг ДКЯТга 1 январь ҳолати бўйича, тегишли кадастрларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомлар билан белгиланган муддатларда, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилади.

Давлат кадастрларининг тезкор тавсифдаги маълумотлари белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг ДКЯТга заруратга қараб тақдим этилади.

Давлат сири бўлган кадастр ахборотини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат кадастрлари маълумотларини электрон (рақамли) шаклда тақдим этиш ArcGIS оиласига мансуб дастурий маҳсулотда рақамли топографик асосда унга атрибутив маълумотлар базасини боғлаган ҳолда ГАТ-лойиха ёки 1:200 000 базавий масштабдаги тематик қатлам кўринишида амалга оширилиши лозим. Рақамли топографик асос ва маълумотлар базасининг техник параметрлари (классификаторлар, шартли белгилар ва бошқалар) “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича алоҳида келишувдан ўтказилади.


Давлат кадастрлари маълумотлари (кадастр ахбороти) ДКЯТга алфавит-рақамли (матнлар, жадваллар, ведомостлар, йилномалар ва ҳ.к.) ва график (карталар, планлар, кесмалар, схемалар ва ҳ.к.) шаклларда анъанавий (қоғоз) ва (ёки) электрон шаклларда тақдим этилади.

Давлат кадастрлари маълумотлари белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг ДКЯТга 1 январь ҳолати бўйича, тегишли кадастрларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомлар билан белгиланган муддатларда, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилади.

Давлат кадастрлари маълумотларини электрон (рақамли) шаклда тақдим этиш ArcGIS оиласига мансуб дастурий маҳсулотда рақамли топографик асосда унга атрибутив маълумотлар базасини боғлаган ҳолда ГАТ-лойиха ёки 1:200 000 базавий масштабдаги тематик қатлам кўринишида амалга оширилиши лозим. Рақамли топографик асос ва маълумотлар базасининг техник параметрлари (классификаторлар, шартли белгилар ва

бошқалар) “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича алоҳида келишувдан ўтказилади.

## **ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЯГОНА ТИЗИМИНИ ЮРИТИШ ТУЗУЛМАСИ**



## **7. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби**

Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши, шунингдек улар билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳуқуқ эгасининг илтимосномасига кўра амалга оширилган рўйхатдан ўтказишни ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга, кўп йиллик дараҳтларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар бериш йўли билан ёки рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқлаши шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилган кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқларини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқларини ҳимоялаш, кўчмас мулк обьектларини ҳисобга олиш, белгиланган тартибда улар билан боғлиқ битимларни амалга ошириш мақсадида амалга оширилади.

Юридик ёки жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган мулк ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказиш обьектлари ҳисобланади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуққа эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар мулкка бўлган мулк ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш субъектлари ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини ва у ҳақда тузилган битимларни, ипотека ва ипотека тўғрисидаги шартномаларни қўшган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишни, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари (кейинги ўринларда давлат рўйхатидан ўтказувчи орган деб аталади) амалга оширадилар.

Юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида назарга тутилган кадастр ва рўйхатга олиш хизматларини тўлиқ ҳажмда кўрсатиш

учун ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси таркибида «бир ойна» бўлими ташкил этилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг раҳбари томонидан тайинланадиган масъул шахс (кейинги ўринларда рўйхатга оловчи деб аталади) томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

Кўчмас мулкнинг мулкдорлари ёхуд унга ашёвий ҳуқуқларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ваколатли шахслари кўчмас мулкка мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келган, бошқага ўтган, чекланган ва бекор бўлган ёхуд кўчмас мулкнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгарган кундан бошлаб бир ой муддатда кўчмас мулк жойлашган жойдаги давлат рўйхатидан ўтказувчи органга уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилишлари мажбурийдир.

Аризага кўчмас мулкка кадастр йиғмажилди ва назарда тутилган миқдорда рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисида тижорат банкининг чиптаси илова қилинади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва унинг билан боғлиқ битимларни давлат рўхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризалар реестри рўйхатга олинади. «Бир ойна» бўлими ходими аризани ва унга илова қилинган кадастр йиғма-жилдини қабул қилиб олганлиги тўғрисида тилхат беради.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва унинг билан боғлиқ битимлар давлат реестри электрон тарзида ер участкаларига, биноларга, иншоотларга ва дов-дараҳтларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ягона ҳужжат сифатида юритилади.

## **7.1. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби**

Ер участкаларига бўлган қуйидаги ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, деҳқон хўжалиги, жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуки;

юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) юритиш ва қонун хўжжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар учун берилган ер участкаларига доимий эгалик қилиш хуқуки;

юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланиш муддатлари кўрсатилмай берилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш хуқуки;

юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланишнинг муайян муддатини белгилаб берилган ер участкаларидан муддатли (вақтинча) фойдаланиш хуқуки;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун хўжжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштириб ёки сотиб олинган ер участкаларига бўлган мулк хуқуки;

юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилган ер участкаларини ижарага олиш хуқуки.

Ер участкаларига бўлган хуқуқларнинг вужудга келиши қўйидаги хўжжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади:

ер участкаларида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун — давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикасининг муайян фуқароларига ер участкалари бериш тўғрисидаги, ўз ваколатлари доирасида қабул қиласан қарори ёки мерос қилиб олиш хукуки тўғрисидаги нотариус томонидан берилган гувоҳнома ёхуд бу хукуқ аукцион асосида сотиб олинганлиги тўғрисидаги туман (шахар) ҳокими томонидан берилган давлат ордери;

ер участкаларида доимий эгалик қилиш, доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш хуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун — давлат ҳокимияти органларининг муайян юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаси бериш тўғрисидаги, ўз ваколатлари доирасида қабул қиласан қарори;

ер участкаларига бўлган мулк хуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун — давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан берилган давлат ордери;

ер участкаларини ижарага олиш хуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун — давлат ҳокимияти органларининг ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қабул қиласан қарорлари асосида ваколатли органлар томонидан тузилган ер участкасининг ижара шартномаси.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амал қиласан даврда (1990—1998 йилларда) олинган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик

қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

шаҳарлар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун шаҳарлар ерларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

шаҳарчалар ва қишлоқлар (овуллар) фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг собиқ колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари худудида бўлмаган ерларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

қишлоқлар (овуллар) фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қишлоқ жойларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари.

Ўзбекистон ССРнинг Ер кодекси амал қилган даврда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг олинган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

тегишли туманлар, шаҳарлар ва шаҳарчалар халқ депутатлари Кенгашлари ижроия қўмиталарининг якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

тегишли қишлоқлар (овуллар) халқ депутатлари Кенгашлари ижроия қўмиталарининг колхозлар аъзоларининг умумий мажлислари баённомаларини ҳамда совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари директорларининг фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш хақидаги буйруқларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари.

Хуқуқ белгиловчи ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш туман (шаҳар) ҳокимининг ушбу фуқарога мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида, қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар чегарасида ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) билан ҳамкорликда ариза

келиб тушган кундан эътиборан етти кун мобайнида туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳаси тайёрланади ва тасдиқлаш учун киритилади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори фуқаронинг ер участкасидан амалда фойдаланганлиги учун сабаб бўлган ҳолатлар акс эттирилган аризаси асосида қабул қилинади, аризага ер участкасига ўн беш йил давомида ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилинганлигини тасдиқловчи хужжатлар (фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ариза берувчининг ер участкасига эгалик қилган муддатлари тўғрисидаги, давлат солиқ хизмати органларининг белгиланган муддат учун ер солиги тўланганлиги тўғрисидаги маълумотномаси) илова қилинади.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хукуқнинг тури давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорига мувофиқ қабул қилинади.

Агар давлат ҳокимияти органининг қарорида хукуқ тури кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда юридик ва жисмоний шахс учун қўйидаги хукуқлар тан олинади ҳамда рўйхатдан ўтказилиши лозим:

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиги ҳамда жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун фойдаланиладиган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хукуқи (агар ҳатто давлат ҳокимияти органларининг қарорларида бошқа хукуқ тури кўрсатилган бўлса ҳам);

бинолар ва иншоотлар қуриш учун берилган ер участкасидан доимий фойдаланиш хукуки;

қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасида доимий эгалик қилиш хукуки.

Бинолар ва иншоотларга бўлган мулк хукуқининг ҳамда бошқа ашёвий хукуқларнинг ўзга шахсга ўтишини давлат рўйхатидан ўтказишида, кўрсатилган объектлар билан эгалланган ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасида эгалик қилиш ёки ундан доимий фойдаланиш хукуки янги хукуқ эгасининг номига расмийлаштирилади.

Тураг жой биносига, боғ уйчасига бўлган мулк хукуқи ўзга шахсга ўтган тақдирда, жисмоний шахсларга ушбу иморатларга бўлган мулк хукуқи билан бирга белгиланган тартибда берилган ва унда ушбу иморатлар жойлашган бутун ер участкасида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хукуқи ҳам ўтади, ер участкасида бўлган хукуқлар уйларни нотариус томонидан тасдиқланган олди-сотди, айирбошлиш, ҳадя, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзга шахсга ўтказиш шартномалари ва бошқа хужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади.

Юридик ва жисмоний шахс бошқа шахсга ўтказиладиган бино ва иншоотлар жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлган ҳолларда, янги хукуқ эгаси номига бутун ер участкасига ёки унинг кўчмас мулк эгаллаган ҳамда ундан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмига бўлган мулк хукуки, агар ўзга шахсга ўтказиш шартномаси билан бошқаси назарда тутилмаган бўлса, қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Ер участкасига эгалик қилиш ёки ундан доимий фойдаланиш хукуқининг ер участкасида жойлашган барча бинолар ва иншоотларга бўлган хукуқнинг бошқа шахсга ўтиши муносабати билан ўзга шахсга ўтиши олдисотди ва ўзга шахсга ўтишнинг бошқа турларига оид шартномалар, мулкдорларнинг ёки улар томонидан ваколатланган шахсларнинг қарорлари, суд қарори ёхуд суд ижроисининг қарори ёки қарз ундирувчи ҳамда қарздор ўртасида бино ва иншоотларни топшириш тўғрисидаги суд ижроиси томонидан тасдиқланган далолатнома, шунингдек бино ва иншоотларга бўлган мулк хукуки ва бошқа ашёвий хукуқлар ундан бошқага ўтадиган шахснинг ер участкасига оид хукуқ белгиловчи ҳужжатлари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Айрим бинолар ва иншоотларга ёки уларнинг бир қисмига бўлган хукуқнинг бошқа шахсга ўтиши муносабати билан вужудга келган ер участкасига эгалик қилиш ёки ундан доимий фойдаланиш хукуқининг ўзга шахсга ўтиши давлат ҳокимияти органининг ер участкасини олдинги ердан фойдаланувчиidan олиб қўйиш ҳамда уни янги ердан фойдаланувчига белгиланган мақсадлар бўйича фойдаланиш учун зарур бўлган ўлчамларда бериш тўғрисидаги қарори асосида рўйхатдан ўтказилади. Қарор ариза келиб тушган кундан эътиборан беш кун мобайнида ушбу банднинг тўртинчи хатбошида кўрсатилган ҳужжатлар асосида қабул қилинади.

Бунда янги хукуқ эгасига иморат ва иншоотларга бўлган хукуқнинг олдинги эгасида ер участкасига бўлган хукуқ ўтади.

Ер участкасининг умумий майдони ва чегаралари, унга бўлган илгари рўйхатдан ўтказилган хукуқ тури ўзгарган тақдирда, юридик ва жисмоний шахслар бир ой муддатда давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ер участкаларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш ҳақида ариза беришлари шарт. Аризага ер участкасининг умумий майдони, чегаралари ва хукуқ тури ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Ер участкасига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш жараёнида қуйидаги ишлар бажарилади:

аризага илова қилинган ҳужжатлар текширилади;

мавжуд план-картографик материаллардан фойдаланиб, ер участкасининг янги кадастр плани чизилади;

кўчмас мулкка бўлган хукуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига, шунингдек кадастр йиғмажилдига тегишли ўзгартиришлар киритилади;

юридик ва жисмоний шахсга ер участкасига бўлган хукуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг белгиланган тартибда ваколатланган вакиллари тегишли давлат ҳокимияти органларининг қарори ёки бошқа асослар бўйича ер участкаси олинган кундан эътиборан бир ой мобайнида ер участкасининг ўрнашган жойи бўйича давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ер участкасига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза беришлари лозим.

Объект қуриш учун ер участкаси олган тадбиркорлик субъектлари ер участкасига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани ер участкасини танлаш ҳамда ажратиш материалларини тайёрлаган туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) орқали беришлари мумкин. Бунда ер участкаси ажратиш бўйича белгиланган тартибда тайёрланган йиғмажилд кадастр йиғмажилди сифатида қабул қилинади, давлат рўйхатидан ўтказиш эса икки кун мобайнида амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи қуидаги ишларни бажаради:

аризага илова қилинган ер участкасига кадастр йиғмажилдини (ер участкасини ажратиш бўйича йиғмажилдни ер участкасининг чегараларини жойга кўчириш далолатномаси билан бирга) экспертизадан ўтказади;

кўчмас мулкка бўлган хукуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига ер участкасига бўлган хукуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида ёзув киритади;

ер участкасига бўлган хукуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тайёрлайди ва расмийлаштиради.

Рўйхатдан ўтказувчи икки кун мобайнида кадастр йиғмажилдини экспертизадан ўтказади, бу жараёнда у:

ер участкаларига бўлган хукуқлар давлат рўйхатидан ўтказилиши учун асос бўладиган ҳужжатлар ва маълумотларни ўрганиб чиқади;

заруратга кўра юридик ва жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган хукуқ белгиловчи ҳужжатлар ва материалларни текширади;

бино ва иншоотлар бошқа шахсга ўтказилишига оид, улар асосида ер участкаларида бўлган хукуқларни бино ва иншоотларнинг янги мулқдорига

ёки уларга бўлган бошқа ашёвий ҳуқуқлар эгасига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳужжатларни текширади;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ёки тақдим этилган ҳужжатлар экспертизадан ўтказилиши зарур бўлган тақдирда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қиласи ҳамда бу ҳақда юридик ва жисмоний шахсларни ёзма равишда хабардор қиласи;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласи;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни тартиби тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга тушунтиришлар беради;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтказиша тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳамда бошқа зарурий ҳужжатларнинг таркиби тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга беғараз асосда ёрдам кўрсатади;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширгаган ёки буни истамайдиган юридик ва жисмоний шахсларни бунинг оқибатлари ҳақида огоҳлантиради.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асослар йўқ бўлган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ариза олинган кундан бошлаб икки кун мобайнида давлат рўйхатидан ўтказади.

Агар тақдим этилган ҳужжатларда техник тавсифдаги аҳамиятсиз камчиликлар ва уларни бартараф этиш имконияти бор бўлса ёки қўшимча ҳужжатлар талаб қилинса, шунингдек тақдим этилган ҳужжатларни экспертизада ўтказиш зарурати бўлса, рўйхатдан ўтказувчи рўйхатдан ўтказишни ариза олинган кундан бошлаб беш кунгacha тўхтатиб туриш тўғрисида бир кун мобайнида қарор қабул қиласи. Ҳужжатлар кўрсатилган камчиликлари бартараф этиш билан тақдим этилган тақдирда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан икки кун мобайнида амалга оширилади.

Агар камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган бўлса, рўйхатдан ўтказувчи белгиланган муддат ўтгандан сўнг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи, бу ҳақда ариза берувчини ёзма равишда хабардор қиласи. Бунда тўланган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари қайтариб берилмайди.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишини рад этиш учун қуийдагилар асос бўлади:

давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу ер участкасининг мансублиги масаласида низолар борлиги ҳақида гувоҳлик берувчи хужжатларнинг мавжудлиги;

давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу ер участкаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўхтатиб турилган ҳолларда тақдим этилган материаллардаги камчиликларнинг рўйхатдан ўтказувчи томонидан белгиланган муддатларда бартараф этилмаслиги;

хуқуқларнинг вужудга келишини белгиламайдиган хужжатларнинг тақдим этилиши;

ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилинганлиги.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран мурожаат этилган тақдирда, рад этиш ҳақидаги хатда илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича давлат рўйхатидан ўтказишини рад этишга йўл қўйилмайди.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланган чекланишлари давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Айрим обьектлар атрофида муҳофаза зоналари белгиланиши билан боғлиқ ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг чекланишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли давлат ҳокимияти органларининг муҳофаза зоналарини белгилаш тўғрисидаги қарори асос бўлади. Муҳофаза зоналарида муайян фаолият турларини амалга ошириш ман этилади ёки чекланади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни чеклаш мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини гаровга қўйишда, ер участкасига ижроия хужжатлар бўйича ундирув қаратилганда ва қонун хужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг чекланишини давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига ҳуқуқларнинг чекланиши ҳақидаги хужжатнинг номини ҳамда унинг реквизитларини қўрсатган ҳолда тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган сервитут давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Сервитутни давлат рўйхатидан ўтказиш сервитут белгиланишидан манфаатдор юридик ёки жисмоний шахснинг аризаси бўйича, сервитут белгиланишидан манфаатдор юридик ёки жисмоний шахс ва ерларида сервитут белгиланадиган юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида тузилган ёзма келишуви асосида ёки суд қарори бўйича амалга оширилади.

Сервитутни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган хукуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига сервитут белгиланиши ҳақидаги хужжатнинг номини ҳамда унинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган хукуқ бошқа шахсга ўтган тақдирда сервитут сақланиб қолинади, у белгилаш учун асослар бекор бўлган ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

Ер участкаларига бўлган хукуқларнинг қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда бекор қилиниши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ер участкаларига бўлган хукуқларнинг бекор қилиниши учун қуидагилар асос бўлади:

давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ёки ер қонунчилигининг бузилиши муносабати билан олиб қўйилиши ёхуд ер участкасига бўлган хукуқни унда жойлашган бино ва иншоотлар бошқа шахсга ўтиши муносабати билан қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлари;

давлат статистика органларининг юридик шахс Корхоналар ва ташкилотлар ягона реестридан чиқарилганлиги тўғрисидаги ахбороти;

уй-жойларининг бошқа шахсга ўтганлиги бўйича хужжатлар, улар муносабати билан ер участкасига бўлган хукуқлар ҳам ўзга шахсга ўтадиган;

ер участкаларига бўлган хукуқларнинг бекор қилиниши бўйича қонун хужжатларида белгиланган бошқа хужжатлар.

Ер участкаларига бўлган хукуқларнинг бекор қилинишини давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган хукуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига хукуқнинг бекор қилинганлиги ҳақидаги хужжатнинг номини ҳамда унинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган хукуқларнинг бекор қилиниши муносабати билан юридик ва жисмоний шахслар ер участкасига бўлган хукуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги илгари берилган гувоҳномани давлат рўйхатидан ўтказувчи органга қайтаришлари мажбурийдир, гувоҳнома ўз қучини йўқотган деб ҳисобланади.

## **7.2. Бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби**

Ер юзида, ер тепасида ва ер остида жойлашган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзга шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ер остида жойлашган иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказишида уларнинг тавсифи ушбу иншоотларнинг қурилиш лойиҳаси маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Муайян юридик ёки жисмоний шахснинг алоҳида ер участкасида жойлашган, алоҳида кадастр рақамига эга бўлган бино ва иншоотларга, жумладан улар ёнидаги ёрдамчи-хўжалик иморатларига бўлган ҳуқуқи рўйхатдан ўтказиш объекти ҳисобланади.

Турли ёрдамчи-хўжалик иморатларига бўлган ҳуқуқлар асосий бино ёки иншоотдан алоҳида тарзда давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Кўп квартирали уйлардаги квартиralарга ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳар бир мулқдор бўйича алоҳида амалга оширилади.

Уй-жой қурилиши ширкатларига тегишли уй-жойларига бўлган ҳуқуқлар тегишли ширкат номига, ушбу ширкат аъзолари рўйхатини илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказилади.

Давлат рўйхатидан қурилиши тугалланган ва фойдаланишга белгиланган тартибда қабул қилинган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар ўтказилади.

Ўзбошимчалик билан қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар, бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқининг суд томонидан тан олиниши ҳоллари бундан мустасно, шунингдек қурилиш даврида фойдаланиш учун қурилган вақтинчалик иморатларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган бинолар ва иншоотлар улар томонидан янги яратилган юридик шахсларнинг устав фондига киритилган тақдирда, ушбу бино ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи янги яратилган юридик шахслар номига рўйхатдан ўтказилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим этилади, улар рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ҳуқуқ эгасига қайтариб берилади.

Бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқининг вужудга келишини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

туман (шахар) ҳокимининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни, уйни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори;

нотариус томонидан тасдиқланган уй, квартиранинг олди-сотди шартномаси;

бино ва иншоот бўйича топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан бирга олди-сотди шартномаси;

корхонани, топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан бирга нотариус томонидан тасдиқланган олди-сотди шартномаси;

нотариус томонидан тасдиқланган лизинг шартномаси;

бино, иншоот, тураг жойни ҳадя этиш тўғрисидаги нотариус томонидан тасдиқланган шартнома;

бино, иншоот, тураг жойни айирбошлиш тўғрисидаги нотариус томонидан тасдиқланган шартнома;

тураг жойни бошқа шахсга рента тўлови шарти билан ўтказилиши назарда тутиладиган нотариус томонидан тасдиқланган рента шартномаси;

хусусийлаштирилган давлат биноси, иншооти, тураг жойига бўлган мулк ҳукуқини берувчи давлат далолатномаси;

нотариуслар томонидан берилган мерос қилиб олиш ҳукуки ва эрхотинларнинг умумий мулки бўлган бино, иншоотнинг тегишли қисмига бўлган мулк ҳукуки тўғрисидаги гувоҳнома;

суд қарори ёки суд ижроисининг қарори ёхуд суд ижроиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган бино ва иншоотни бериш далолатномаси.

Ўзбекистон ССРнинг қонун хужжатлари амал қилган даврда бунёд этилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳукуқини тасдиқловчи хужжатлар қуидагилардан иборат:

давлат ҳокимияти органларининг капитал қурилиш ва кейинчалик фойдаланиш учун ер участкаларини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги қарорлари;

ваколатли органларнинг бинолар ва иншоотларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги хужжатлари, қарорлари, фармойишлари;

нотариал тасдиқланган: олди-сотди, айирбошлиш, ҳадя, мулкни бўлиш, кўчмас мулкни умрбод таъминлаш шарти билан бошқага ўтказиш шартномалари; иморат солиш тўғрисидаги, шахсий мулк ҳукуқида уйларни қуриш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги, якка тартибдаги иморат солувчилар уй-жой қурилиши жамоаларига уйларни қуриш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги, эр-хотин ўртасида уйларни бўлиш тўғрисидаги шартномалар;

шахар ва туман Халқ депутатлари кенгашлари ижроия қўмиталарининг иморатларга бўлган мулк хуқукини тан олиш (мавжуд хужжатлар асосида) тўғрисидаги қарорлари;

умумий мулк бўлган иморатнинг тегишли улушига бўлган мерос қилиб олиш хуқуки тўғрисидаги ва мулк хуқуки тўғрисидаги гувоҳномалар ҳамда уй кимошди савдосида харид қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар;

бинолар ва иншоотларга бўлган мулк хуқукини тасдиқловчи қонуний кучга кирган суд қарорлари ва ажримлари ёки ҳакамлик судининг қарорлари;

инвентаризация-техник материаллар, агар уларнинг матнида тўғри расмийлаштирилган, уйга мулк хуқукини белгиловчи хужжатга аниқ ишора бўйсга;

шартномаларнинг дубликатлари, нусхалари ёки олди-сотди, айирбошлиш, ҳадя, рента, умрбод таъминлаш шарти билан бошқага ўтказиш битимлари амалга оширилганлиги тўғрисида, шунингдек мерос қилиб олиш тўғрисида гувоҳнома ҳамда бинолар ва иншоотларга бўлган мулк хуқуқининг бошқага ўтганлигини белгиловчи бошқа нотариал хужжатлар берилганлиги ҳақидаги нотариал идораларнинг реестрларидан кўчирмалар.

Бинолар ва иншоотларга бўлган хўжалик юритиш хуқукини ва оператив бошқариш хуқукини тасдиқловчи хужжатлар қўйидагилардан иборат:

ваколатли давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини ташкил этиш тўғрисидаги ва уларга қўчмас мулкни хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш хуқуқида бериш ҳақидаги қарорлари;

ваколатли давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг бинолар ва иншоотларни муайян давлат корхоналари ҳамда муассасаларига бериш тўғрисидаги қарорлари;

муассисларнинг бинолар ва иншоотларни улар томонидан ташкил этиладиган муассасаларга бериш тўғрисидаги қарорлари.

Моддий маданий мерос обьектларига бўлган хуқуклар қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

Бинолар ва иншоотларга бўлган мулк хуқуқининг чекланишини тасдиқловчи хужжатлар қўйидагилардан иборат:

бинолар ва иншоотлар хатлаб қўйилганлиги тўғрисидаги хабарномалар;

бинолар ва иншоотларнинг ўзга шахсга ўтказилишини тақиқлаш тўғрисидаги хабарномалар.

Бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳукуқининг ва бошқа ашёвий ҳукуқларнинг бекор қилинишини тасдиқловчи ҳужжатлар қўйидагилардан иборат:

юридик шахсларни давлат рўйхатига олувчи органларнинг юридик шахс Корхоналар ва ташкилотлар ягона реестридан чиқарилганлиги ҳақидаги маълумотлари;

тегишли давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларини уларда жойлашган бинолар ва иншоотлар билан бирга жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва бериш тўғрисидаги қарорлари;

бино ва иншоотларни, тураг жойларни олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, тураг жойни рента тўлаш шарти билан ўзга шахсга ўтиши назарда тутилган, нотариус томонидан тасдиқланган шартномалари;

мулкдорнинг ёки бошқа ваколатли органларнинг бинолар ва иншоотларга бўлган хўжалик юритиш ҳукуқини ҳамда оператив бошқариш ҳукуқини бекор қилиш тўғрисидаги қарори;

мулкдорнинг бино ва иншоотни бузиб ташлаш ва балансдан чиқариш тўғрисидаги қарори;

бино ва иншоотнинг табиий оғатлар натижасида барҳам топганини тасдиқловчи ҳужжатлар;

суд қарори ёки суд ижроисининг қарори ёхуд ундирувчи ва қарздор ўртасида бино ва иншоотни бериш тўғрисида суд ижроиси томонидан тасдиқланган далолатнома.

Мулк ҳукуқини тасдиқловчи, ушбу Низомнинг 42—46-банларида кўрсатилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, шунингдек тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ёки тўғрилиги ҳақида шубҳа туғилган ҳолларда бино, иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ масаласи даъво тартибида суд томонидан ҳал этилади.

Бинолар ва иншоотларга бўлган ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, ушбу ҳукуқни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, ариза келиб тушган кундан эътиборан икки кун мобайнида амалга оширилади.

Бинолар ва иншоотларга бўлган ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчи:

аризани ва унга илова қилинган кадастр йифмажилдини ўрганади, аризадаги ахборотни қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестридаги ахборот билан тақослайди;

ўзга шахсга ёки мерос бўйича ўтадиган бинолар ва иншоотларни, уларнинг ҳақиқатдаги таркиби ҳамда ҳолатини аниқлаш мақсадида жойда текширади;

бино, иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос мавжудлигини ҳамда унинг юридик ва жисмоний шахсларга ўтказилишининг қонунийлигини аниқлайди;

бинолар ва иншоотлар ўзга шахсларга ўтказилиши бўйича ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши қонунийлигини, уларнинг ўзга шахсларга ўтказилиши учун мулк ҳуқуqlари ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мавжудлигини аниқлайди;

умумий улушли мулк ҳуқуқи иштирокчиларининг сонини ва, тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг улушларини аниқлайди;

ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши учун тўсқинлик қиласиган омилларни, бу обьект ҳуқуқнинг бошқа шахсларга ўтказилиши учун тўсқинлик қилувчи гаровга қўйилганлиги ва ҳуқуқни чеклаш борлигини аниқлайди;

бошқа шахслардан айнан шу бинолар ва иншоотлар бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ариза бор ёки йўқлигини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестридан аниқлайди.

Агар тақдим этилган материалларда аҳамиятсиз камчиликлар ва уларни бартараф этиш имконияти бор бўлса, рўйхатдан ўтказувчи икки кун мобайнида рўйхатдан ўтказишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қиласи. Қарорда муайян камчиликлар ва рўйхатдан ўтказишни тўхтатиб туриш сабаблари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этишлари учун етарли бўлган муддат кўрсатилади. Рўйхатдан ўтказиш рад этилиши тўғрисидаги хатда кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин уч кундан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат рўйхатидан ўтказишни тўхтатиб туриш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш тузатилган ҳужжатлар олинган кундан эътиборан икки кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун такорран мурожаат қилинганда, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги хатда илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг аризасини такорран кўриб чиқиш учун рўйхатдан ўтказиш йифими ундирилмайди.

Рўйхатдан ўтказишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади ва умумий асосларда кўриб чиқилади.

Бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши рад этиш учун асослар қуидагилардан иборат:

давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу бино ёки иншоотнинг мансублиги масаласида низолар борлиги ҳақида гувоҳлик берувчи хужжатларнинг мавжудлиги;

жойдаги текширишлар жараёнида ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда бино ва иншоотлар қуриш, шунингдек бино ва иншоотларни қонун хужжатлари талабларини бузган ҳолда реконструкция қилиш ҳолларининг аниқланиши;

тақдим этилган хужжатларда нотўғри ёки бузилган маълумотлар топилиши.

Бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши бошқа асослар бўйича, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслик баҳонаси бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

Бир нечта юридик ва жисмоний шахсларга умумий улушли мулк ҳуқуқида тегишли бўлган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар мулқдорлар номига ҳуқуқ белгиловчи хужжатларда кўрсатилган улушларда рўйхатдан ўтказилади.

Агар улушли мулк ҳуқуки иштирокчилари ўзаро келишув бўйича умумий бино ва иншоотнинг (хоналардан, квартиralардан ва ҳ.к.) алоҳида қисмларидан (хоналардан), ўзларининг улушларига мувофиқ равишда фойдаланиш тартибини белгилаган бўлсалар ва бу келишув нотариал тасдиқланган бўлса, у ҳолда бундай келишув уларнинг илтимослари бўйича рўйхатдан ўтказилиши лозим. Бунда келишувда ва унинг давлат рўйхатидан ўтказувчи органда қолдириладиган, тегишли равишда тасдиқланган нусхасида рўйхатдан ўтказиш устхати битилади.

Ҳуқуқ белгиловчи хужжатлар суд томонидан бедарак йўқолган ёки ўлган деб топилган мулқдорларнинг оила аъзолари ёки меросхўрлари томонидан тақдим этилган ҳолларда, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар уларга бўлган мулк ҳуқуки тўғрисидаги тақдим этилган хужжатларга мувофиқ, мерос қилиб олиш тартибида рўйхатдан ўтказилади.

Бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига ушбу объектларга бўлган муайян юридик ва жисмоний шахснинг тегишли ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг чекланишини давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига бу ҳақда

ушбу мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган қаторга ҳуқуқнинг чекланиши учун асосларни кўрсатган ҳолда ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

## **8. Кадастр объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш.**

### **8.1. Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш**

Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш уларнинг ҳақиқий ҳолати ва улардан фойдаланилишига қараб, ер участкалари ва майдонлари, аҳоли пунктлари, туманлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича амалга оширилади.

Ер участкалари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкаларининг ўлчами, уларнинг қиммати ва талаб қилинадиган ўлчаш аниқлигига қараб, геодезик ва (ёки) картометрик усулларда амалга оширилади.

Ер майдонлари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкалари доирасида асосан картометрик усулда амалга оширилади.

Ер сифатини ҳисобга олиш табиий-қишлоқ хўжалиги бўйича районлаштиришни, тупроқ ва ерларни таснифлашни, уларни агрономик, экологик, технологик ва шаҳарсозлик белгилари бўйича тавсифлашни, тупроқни гурухларга ажратишни ўз ичига олади.

Ерларнинг миқдорини ва сифатини ҳисобга олиш асосий ва жорий турларга бўлинади.

Ерларни ҳисобга олишнинг асосий тури (инвентаризация) жойнинг ўзида ер участкаларининг ва майдонларининг чегаралари, жойлашган ўрни, ҳолати ва улардан фойдаланиш хусусиятига доир ўзгаришлар талайгина тўпланганлигига қараб, даврий равишда ўтказилади, бунда ерларнинг план-картографик асоси тегишли масштабларда янгиланиши, тупроқ, геоботаник ва бошқа хил текширувлар ўтказилиши шарт.

Ерларнинг жорий ҳисоби кадастр ҳужжатлари ва маълумотларининг тўғри бўлишини таъминлаш мақсадида юритилади, бунда ерларнинг ҳуқуқий ҳолатида, миқдори ва сифат ҳолатида ва улардан фойдаланиш борасида юз берган ўзгаришлар аниқланади ҳамда рўйхатга олинади. Зиммасига давлат ер кадастри юритиш вазифаси юклатилган тегишли органларга ер участкаларининг эгалари, улардан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижаракчилари ва мулкдорлари содир бўлган ўзгаришлар тўғрисида бир ой муддатда ахборот беришлари шарт.

Ерларнинг ўлчами, жойлашган ўрни, майдон турлари ва сифат ҳолатига оид қайд этиладиган маълумотлар ерни ҳисобга олиш ахборотини ташкил этади.

## **8.2. Ерларнинг миқдорини ҳисобга олиш тартиби**

Ерларнинг миқдори ҳар бир ердан фойдаланувчи томонидан фойдаланилаётган ер участкаларининг майдонлари тўғрисида аниқ маълумотларни олиш мақсадида ерларнинг тоифалари бўйича ҳисобга олинади. Бунда ерларни тоифаларга тақсимлаш, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳам қишлоқ жойлардаги ерлар, ҳам аҳоли пунктларининг ерлари учун ягона тамойил бўйича амалга оширилади.

Ерларнинг майдони 0,001 гектаргача аниқликда ҳисобга олинади.

Ерларнинг миқдори ер участкаларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бўйича ер участкаларига бўлган ҳукуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлигидан қатъи назар ҳисобга олинади.

Фуқароларга дехқон хўжалигини (шахсий ёрдамчи) хўжаликни юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, шунингдек жамоат боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун берилган ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар ердан фойдаланувчилар сифатида алоҳида сатрда умумий сони ва улар томонидан фойдаланилаётган майдонлар кўрсатилиб, ҳар бир фуқаро бўйича ҳисобга олинади.

Фуқароларга дехқон хўжалигини (шахсий ёрдамчи хўжаликни) юритиш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ва бошқа ташкилотларнинг ерлари берилган ер участкалари ушбу ташкилотларнинг ерлари таркибидан чиқарилади ва дехқон хўжалигини (шахсий ёрдамчи хўжаликни) юритиш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ерлар таркибида акс эттирилади.

Бунда ташкилотларнинг аҳоли пунктларида жойлашган ер участкалари тегишли ер тоифалари ва кичик тоифалари бўйича акс эттирилади. Аҳоли пунктлари ерлари таркибида фақат уй-жой қурилиши ерлари акс эттирилади. Умумий ер фондининг тоифалар ва турларга тақсимланиши тўғрисидаги ҳисботда қўшимча ахборот тариқасида аҳоли пунктлари экинзорлари майдонларининг сони, умумий майдони ва таркиби келтирилади.

Ерларнинг миқдори ҳисоби қуйидаги тоифалар ва кичик тоифалар бўйича юритилади:

### **1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар:**

1.1. Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкатларнинг) ерлари;

1.2. Фермер хўжаликларининг ерлари;

1.3. Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув-тажриба хўжаликларининг ерлари;

1.4. Ёрдамчи қишлоқ хўжаликларининг ерлари;

1.5. Бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг ерлари;

1.6. Дехқон хўжаликларининг (шахсий ёрдамчи хўжаликларининг) ерлари;

1.7. Жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритувчи фуқароларнинг ерлари;

1.8. Якка тартибда боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачиликни юритувчи фуқароларнинг ерлари;

1.9. Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган ерлар.

**2. Аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкаларнинг ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари:**

2.1. Шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари;

2.2. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари.

**2.3. Уй-жой қурилиши ерлари:**

2.3.1. Кўп қаватли уйлар билан банд бўлган ерлар;

2.3.2. Якка тартибдаги уйлар билан банд бўлган ерлар.

**3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ерлари ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар:**

3.1. Саноат ерлари;

3.2. Темир йўллар ерлари;

3.3. Автомобиль йўллари ерлари;

3.4. Қувур транспорти ерлари;

3.5. Алоқа ерлари;

3.6. Мудофаа ерлари;

3.7. Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар.

**4. Табиатни муҳофаза қилиши, согломлаштириши, рекреация ерлари ва тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар:**

4.1. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар;

4.2. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар;

4.3. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;

4.4. Тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар.

**5. Ўрмон фонди ерлари:**

5.1. Ўрмон хўжаликлири ерлари;

5.2. Бошқа ўрмон хўжалиги ташкилотлари ерлари.

**6. Сув фонди ерлари.**

**7. Захира ва умумий фойдаланишидаги ерлар**

7.1. Захира ерлар;

7.2. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳар хил мақсадларга мўлжалланган ер участкалари мавжуд бўлганда, ушбу ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар тегишли тоифа ва кичик тоифалар бўйича келтирилади.

Экинзорларининг умумий майдони амалдаги ҳолати бўйича келтирилади, суғориладиган ерларнинг майдони алоҳида сатрларда келтирилади.

Агар юридик ва жисмоний шахснинг фойдаланишида бир нечта ер участкаси мавжуд бўлса, у ҳолда маълумотлар ушбу ер участкаларининг ҳар бири бўйича келтирилади.

Ер кадастри дафтарини юритишида ҳар бир ер участкасига қонун хужжатларида белгиланган тартибда кадастр рақами берилади.

21. Ерларни ҳисобга олиш асосий ва жорий турларни ўз ичига олади.

Ерларни асосий турда ҳисобга олишда ер кадастри дафтарига юридик ва жисмоний шахсларнинг жорий йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра барча ерлари киритилади.

Ушбу дафтарга ваколатли органлар томонидан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахслар ҳам киритилади, агар улар кейинги йилнинг 1 январигача корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистридан чиқарилмаган бўлса.

Ҳисбот йилининг 1 январигача бошқа юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида янги ташкил этилган юридик шахслар ҳисобга олишнинг асосий тури тариқасида ҳисобга олинади.

Фуқарога ер участкаси берилган, кейинчалик у ушбу ер участкасида қурилган бино ва иншоотлар билан биргаликда хусусий корхона ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхона ташкил этган ҳолларда ушбу ер участкаси ер кадастри дафтарида ташкил этилган юридик шахсга тегишли ер участкаси сифатида ёзилади.

Ерларни жорий ҳисобга олишда ер кадастри дафтарида фақат янги ташкил этилган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек ҳисбот йилининг 1 январидан кейин номида, ер участкасининг умумий майдони ва экинзорларида ўзгаришлар юз берган юридик ва жисмоний шахслар акс эттирилади. Бунда майдонлар юз берган ўзгартеришлар ҳисобга олинган ҳолда экиннинг барча турлари бўйича келтирилади.

Ердан фойдаланувчилар ва экинзорлар таркибида жорий ўзгартеришлар ер кадастри дафтарига мунтазам равишда ҳам юридик ва жисмоний шахсларнинг маълумотларига, ҳам «Ергеодезкадастр» давлат

қўмитасининг тегишли туман (шаҳар) бўлинмалари ихтиёрида бўлган хужжатларга асосан киритилади.

Жорий ўзгаришлар ерларни ҳисобга олишни юритишга масъул бўлган шахснинг имзоси билан, ўзгартиришлар учун асосларни, ўзининг лавозимини, фамилиясини ва ўзгартириш киритилган санани кўрсатиб тасдиқланади.

Муҳофаза зоналарига киритилган ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар, уларни белгилаш тўғрисида давлат органларининг қабул қилинган қарорларига асосан киритилади.

Ерларнинг миқдорини ҳисобга олиш маълумотлари бўйича туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда умуман Ўзбекистон Республикасининг экинзорлари тоифалари ва турлари бўйича умумий ер фонди ва алоҳида суғориладиган ерлар фонди тўғрисида ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шаклга биноан ҳисботлар тузилади.

Ер кадастри дафтари билан бир вақтнинг ўзида туман (шаҳар)нинг ер кадастри навбатчи харитаси белгиланган тартибда, электрон шаклида юритилади.

Ер кадастрининг навбатчи харитасига барча ер участкаларининг чегаралари, уларнинг таркибида юз бераётган ўзгартиришлар мунтазам равища киритилади ва у ер кадастри бўйича геоахборот тизимини ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

### **8.3. Ерларнинг сифати ҳисобга олинишини юритиш тартиби**

Ерларнинг сифатини ҳисобга олиш қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ва лалми ерлар тупроқларининг унумдорлиги (бонитет балларида), уларнинг тавсифи тўғрисида ҳар бир ердан фойдаланувчи бўйича аниқ маълумотлар олиш мақсадида юритилади.

Ерларнинг сифатини ҳисобга олиш шакли алоҳида белгиланган ерларни тоифалар ва кичик тоифаларга бўлган ҳолда суғориладиган ва лалми ерларга алоҳида тузилади.

Суғориладиган ва лалми ерларнинг сифатини ҳисобга олиш шаклида тупроқларнинг бонитет баллари тупроқ бонитировкаси натижалари ва ерларнинг тавсифи бўйича синфларга бўлинниб, ерларнинг агрономик, экологик ва технологик хусусиятларининг тавсифи бўйича акс эттирилади.

Ерларнинг сифатини ҳисобга олиш асосий ва жорий турларни ўз ичига олади.

Ерларнинг сифатини ҳисобга олишнинг асосий тури сифатида ер кадастри дафтарида жорий йилнинг 1 январидаги мавжуд маълумотлар киритилади.

Тупроқларнинг янги бонитировкаси амалга оширилганда ушбу маълумотлар ҳисобга олишнинг асосий тури сифатида киритилади.

Ерларнинг сифатини жорий ҳисобга олишда ер кадастри дафтарида фақат янги ташкил этилган юридик в жисмоний шахслар ҳамда ҳисбот йилининг январидан кейин ерларнинг таркиби, майдони ва сифатида ўзгариш юз берган юридик ва жисмоний шахслар акс эттирилади.

Ерларнинг сифатида юз берган жорий ўзгаришлар ер кадастри дафтарига мунтазам равишда ҳам юридик ва жисмоний шахсларнинг маълумотларига, ҳам «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли туман (шаҳар) бўлинмалари ихтиёрида бўлган ҳужжатларга асосан киритилади.

Жорий ўзгартеришлар ерларни ҳисобга олишни юритишга бўлган шахснинг имзоси билан, ўзгартеришлар учун асосларни, ўзининг лавозимини, фамилиясини ва ўзгартериш киритилган санани кўрсатиб тасдиқланади.

#### **8.4. Бино ва иншоотларни техник таърифлаш**

Техник таъриф турлича тушунишларга йўл қўймайдиган теран, аниқ ва қисқа, техник жиҳатдан тўғри формулировкаларда, объектларнинг тавсифларига мувофиқ ифодаланиши керак.

Бинонинг техник таърифи унинг асосий конструктив элементлари: фундаментлари, деворлари ва парлеворлари, қопламалари, томи, поллари, дераза ҳамда эшик ўринлари, пардозланиши, ички сантехника ва электротехника ускуналари, бошқа элементлари бўйича тузилади.

### **9. Кадастр объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш.**

#### **9.1. Ерларнинг қиймат баҳоси**

Барча тоифадаги ерларнинг қиймат баҳосини чиқариш натура ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади. Ерларнинг қиймат баҳоси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқарилади.

Турли мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлаш, ер учун тўланадиган ҳақ ва унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерларни кимошиби савдоси асосида реализация қилиш пайтида бошланғич баҳосини аниқлаш, ерларни давлат ва жамоат эфтиёжлари учун олиб қўйишда йўл қўйилган нобудгарчилик ва қўрилган заарларни қоплаш учун ерларнинг қиймат баҳоси чиқарилади.

Ерларнинг қиймат баҳосига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади.

Ер кадастри дафтарида ерларнинг қийматини баҳолаш сифатида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги ерларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган норматив қиймати тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг меъёрий қийматини ҳисобга олиш ҳар бир ердан фойдаланувчи бўйича юритилади.

Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматини ҳисобга олиш ерлар тоифалари ва кичик тоифаларига бўлинган ҳолда юритилади.

Ҳисобга олиш шаклида қишлоқ хўжалиги экинзорларининг майдонлари турлари бўйича 1 гектар ернинг ўртacha норматив қиймати ва экинзорларининг умумий норматив қиймати акс эттирилади, хўжаликнинг қишлоқ хўжалиги экинзорлари бўйича яқун чиқарилади.

Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматини ҳисобга олиш асосий ва жорий турларни ўз ичига олади.

Ҳисобга олишнинг асосий тури сифатида ер кадастри дафтарига жорий йилнинг 1 январидаги мавжуд қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қиймати тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қиймати янгидан аниқланган ҳолатларда, ушбу маълумотлар ҳисобга олишнинг асосий тури сифатида киритилади.

Экинзорларнинг норматив қийматини ҳисобга олишнинг жорий турида ер кадастри дафтарида фақат янги ташкил этилган юридик ва жисмоний шахслар ҳамда ҳисбот йилининг 1 январидан кейин қишлоқ хўжалиги экинзорларининг таркиби ва майдони ўзгарган юридик ва жисмоний шахслар акс эттирилади. Бунда норматив қиймат қишлоқ хўжалиги экинзорлари ҳар бир турининг ўртacha норматив қийматидан келиб чиқиб уларнинг норматив қийматини қайта ҳисоблаб чиқсан ҳолда қишлоқ хўжалиги экинзорларининг барча турлари бўйича келтирилади.

Қишлоқ хўжалиги экинзорининг норматив қиймати тўғрисидаги маълумотларнинг жорий ўзгартиришлари ҳисобга олиш шаклига мунтазам равишда ҳам юридик ва жисмоний шахсларнинг маълумотларига, ҳам «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли туман (шаҳар) бўлинмалари ихтиёрида бўлган ҳужжатларга асосан киритилади.

Жорий ўзгартиришлар ерларни ҳисобга олишни юритишга масъул бўлган шахснинг имзоси билан, ўзгартиришлар учун асосларни, ўзининг лавозимини, фамилиясини ва ўзгартириш киритилган санани кўрсатиб тасдиқланади.

## **9.2. Бино ва иншоотларни солиққа тортиш мақсадида баҳолаш ва қайта баҳолаш**

Бино ва иншоотнинг техник ҳолатини аниқлашда ҚМҚ 2.01.16-97 “Туар жой биноларининг жисмоний эскиришини баҳолаш қоидалари”, ГККИНП-18-037-00 “Бино ва иншоотларнинг жисмоний ҳамда функционал эскиришини аниқлаш услубиёти” норматив хужжатларига амал қилиш тавсия этилади.

Жисмоний эскириш деганда бинони қуришда ишлатилган материаллар дастлабки сифатларининг йўқолиши тушунилади.

Бинонинг жисмоний эскириш фоизи, унинг конструктив элементларини кўздан кечириш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигига қараб, мутаносиб равишда техник ҳолатининг аломатлари бўйича белгиланади ёки хизмат муддати бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Бинонинг техник ҳолатини аниқлаш уни техник таърифлаш билан бир вақтда амалга оширилади. Бунда кўздан кечириш мумкин бўлган қисмларининг техник ҳолатига (жисмоний эскиришига) оид аломатлар аниқланади.

Бино айрим конструкцияларининг техник ҳолатига оид ташқи аломатлар бўйича ҚМҚ 2.01.16-97 “Туар жой биноларининг жисмоний эскиришини баҳолаш қоидалари” талабларига мувофиқ уларнинг жисмоний эскириши, сўнгра бутун бинонинг эскириши аниқланади.

Бинонинг жисмоний эскириши фоизини аниқлаш ҳисоб-китоб бўйича, ушбу бино конструктив элементларининг тегишли баҳолаш нормативида кўрсатилган солиштирма салмоқларини қўллаган ҳолда амалга оширилади. Зикр этилган Қоидалар жадвалларидан танлаб олинган ҳар бир конструктив элемент бўйича эскириш фоизи дефектларга қараб, шу элементнинг солиштирма салмоғига кўпайтирилади (тузатиш ёки яхлитлик коэффициенти қўлланилгандан сўнг). Натижада айрим конструктив элементларнинг бутун бинога нисбатан жисмоний эскиришини оламиз. Ҳар бир элемент бўйича олинган натижаларни қўшиб, бутун бинонинг жисмоний эскириши аниқланади.

Агар ҳисоб-китобларда яхлитлик коэффициентларига тузатишлар қўлланилган бўлса, ва бунинг натижасида конструктив элементларнинг аниқлик киритилган солиштирма салмоқларининг йиғиндиси 100 ни ташкил қилмаса, бутун бино бўйича олинган жисмоний эскириш фоизига тузатиш киритиш лозим.

Конструктив элементларнинг солиштирма салмоқлари Тикланиш қиймати яхлитланган кўрсаткичлари тўпламларидан (ТҚЯКТ) олинади ёки бино қурилиши лойиҳа-смета хужжатлари бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Иситилмайдиган ёнбошга қурилган бинолар, хизмат аҳамиятидаги имратлар ва иншоотларнинг жисмоний эскириш фоизи асосан умуман бутун иморат ёки иншоот бўйича, айрим конструктив элементларнинг солиштирма салмоғини ҳисобга олмаган ҳолда аниқланади.

Кўздан кечириш имкони бўлмаган иншоотларнинг жисмоний эскириш фоизи хизмат муддатлари бўйича (бино ҳақиқатда хизмат қилган вақтининг ўртача норматив хизмат муддатининг 100 га кўпайтмасига нисбати тариқасида) аниқланади.

Бинонинг ҳақиқатда хизмат қилган вақти тўлиқ норматив вақтга яқинлашган, экспертлик йўли билан аниқланган тахминий (қолдик) муддати эса, норматив муддатдан ортиқ бўлган ҳолларда, жисмоний эскириш фоизи бино ҳақиқатда хизмат қилган вақтининг хизмат қилган муддати суммасининг 100 га кўпайтмасига нисбати билан аниқланади.

Солиқقا тортиш учун баҳолаш обьектлари – фойдалнишга қабул қилинган ҳамда маҳаллий ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизматларида рўйхатдан ўтказилган, юридик ёки жисмоний шахсга мулк ҳукуқи билан тегишли бўлган турар жой бўлмаган бино ва иншоотлар, уй-жойлар, квартиralар, боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари аъзоларининг боғ уйлари, гаражлар ҳамда бошқа иморатлар, хона-жойлар ва иншоотлардан иборат.

Қуйидаги иморатлар, хона-жойлар ва иншоотлар солиқقا тортиш мақсадларида баҳоланмайди;

уларни қуриш вақтида, ҳамда улар барпо этилган йил мобайнида;  
эгасиз;

турли сабабларга кўра жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бўйича бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз деб топилганлар.

Фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан барпо этилган ва фойдаланилаётган иморатлар ҳам солиқقا тортиш мақсадларида баҳоланиши лозим, бунда шу каби иморатлар бўйича солиқнинг тўланиши мулк борасида фақат солиқ мажбуриятларидан ташқари бошқа ҳукукий кафолотларни келтириб чиқармайди.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳукуқида тегишли бўлган бино ҳамда иншоотларни баҳолаш ва қайта баҳолаш ишлари юридик ҳамда жисмоний шахслар мулкининг баҳолаш, қайта баҳолаш пайтидаги қайта ишлаб чиқариш ёки ўрнини босиш қийматини (тикланиш қийматини) солиқка тортиш ёхуд кўрилган зиён ва йўқотишларнинг ўрниин қоплаш учун аниқлаш мақсадларида бажарилади.

Бино ва иншоотнинг қайта ишлаб чиқариш ёки ўрнини босиш қийматини (тикланиш ёки инвентаризациян қийматини) аниқлаш иши

кадастр хизматининг мутахассиси (кўчмас мулкни баҳолаш хуқуқини берувчи малака сертификатига эга бўлган) томонидан юридик ҳамда жисмоний шахслар мулкини солиқقا тортиш мақсадида юритилади.

Бино ва иншоотларнинг қайта ишлаб чиқариш ёки ўрнини босиш қийматини аниқлашда, зарур ҳолларда белгиланган тартибда экспертиза ўтказилиши мумкин.

Бино ва иншоотларнинг қайта ишлаб чиқариш ёки ўрнини босиш қиймати Бино ва иншоотлар тикланиш қиймати яхлитланган кўрсаткичлари тўпламлари ёки бино ва иншоотлар қурилишига оид лойиха-смета хужжатлари бўйича  $1\text{m}^3$  или  $1\text{m}^2$  ўлчов бирлигининг қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Бино ва иншоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш ишларини ўтказиша баҳолаш фаолиятига оид қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келувчи белгиланган намуна бўйича баҳолаш тўғрисида ҳисобот тузилади.

## **11. Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда кадастр рақамларини шакллантириш**

### **11.1. Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича бўлиш таркиби ва принциплари**

Кадастр бўйича бўлиш – бу Ўзбекистон Республикаси худудини белгиланган тартибда картографик материалларда (карталарда, планларда, схемаларда) кадастр бирликларига (зоналар, массивлар, мавзелар) бўлишдир.

Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича бўлиш кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга кадастр рақамлари бериш мақсадида амалга оширилади.

Кадастр бўйича бўлиш ва кўмас мулк объектларига кадастр рақами бериш тизими кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг ягона тизимида ҳар қандай ер участкалари, бинолар ва иншоотларни бир хилда идентификациялашни таъминлаши керак.

Худудларни кадастр бўйича бўлиш ҳар бир туманда ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларга бўйсунувчи шаҳарларда ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар (شاҳарлар), кадастр зоналари (бирнечта кадастр массивларининг бирлашмаси), кадастр массивлари (бир нечта кадастр мавзеларининг бирлашмаси), кадастр мавзелари (бир нечта ер участкаларининг бирлашмаси), ер участкалари Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича бўлиш бирликлари ҳисобланади.

Айрим ҳолатларда туман ва шаҳар ҳудудининг хусусиятларига, ер участкаларининг сонига, катта-кичиликлигига қараб, айрим зоналар битта

массивдан, айрим массивлар битта мавзедан ва айрим мавзелар битта ер участкасидан ташкил топган бўлиши мумкин.

Худудлар, туманлар (шаҳарлар) даражасида кадастр бўйича бўлиш чегаралари маъмурий-худудий бўлиниш чегараларига тўғри келиши керак. Маъмурий туман (шаҳар) ҳудуди тегишли равишда кадастр зоналарига бўлинади.

Маъмурий туман ҳудудини бўлишда кадастр зоналари сифатида қишлоқлар, овуллар ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар (шаҳарчалар) ҳудудлари қабуд қилинади. Қорақалпоғистон Республикасига ҳамда вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳудудини бўлишда кадастр зоналари сифатида шаҳар туманлари (мавжуд бўлса) ёки турли (табиий, иморатнинг қурилиши хусусияти, фойдаланиш мақсади каби) белгилари бўйича ажралиб турадиган шаҳарлар қисмлари, масалан: саноат зонаси, тураг жой массивлари, истироҳат боғлари, дам олиш зоналари ва шу кабилар, қабул қилинади.

Кадастр зоналари чегаралари кадастр массивларининг ташқи чегаралари табиий обьектлар (дарёлар, темир йўллар, магистрал каналлар, коллекторлар, бошқа мунтазам обьектлар) бўйлаб ўтиши керак.

Кадастр зонаси ҳудуди ўз навбатида кадастр массивларига бўлинади.

Қишлоқ жойларида кадастр массиви сифатида қишлоқ аҳоли пунктлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадлардаги ерлар қабул қилинади.

Туманга бўйсунувчи шаҳарларда (шаҳарчаларда) кадастр массивлари сифатида маҳалла ҳудуди ёки шаҳар ва шаҳарчаларнинг айрим қисмлари қабул қилинади. Бунда кадастр массивлари чегараси кадастр мавзеларининг ташқи чегаралари бўйлаб ўтиши ва аҳоли пунктларининг кўчалари ёки ташқи чегаралари билан мос келиши керак.

Кадастр массиви ҳудуди кадастр мавзеларига бўлинади.

Қишлоқ жойларида кадастр мавзеси сифатида қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадлардаги ерлар, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ҳудуди қабул қилинади.

Шаҳар ва шаҳарчаларда кадастр мавзеси сифатида шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режалари, мавжуд узун обьектлар (кўчалар, йўллар, дарёлар, каналлар ва бошқалар), бошқа табиий обьектлар чегараси ҳисобга олинган ҳолда ҳар хил белгилар (табиий, иморатнинг қурилиши хусусияти, фойдаланиш мақсади ва ҳоказолар) бўйича ажралиб турадиган ер участкаларининг жами қабул қилинади.

Кадастр мавзеларининг ҳудудини шундай шакллантириш керакки, уларда ер участкаларининг сони тўрт разрядли ўнли сондан (яъни 9999 дан) ортмаслиги зарур. Амалда шундай ҳолат юз берса, ушбу кадастр мавзеси иккига бўлиниши керак.

Кадастр бўйича бўлишнинг бирламчи бирлиги бўлиб, белгиланган тартибда шакллантирилган ер участкаси ҳисобланади.

Муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктирилмаган умумий фойдаланишдиган ерлар (кўчалар, майдонлар, кўкаламзорлар, захира ерлар) кадастр бўйича бўлинмайди ва уларга кадастр рақами берилмайди.

Худудларни кадастр бўйича бўлиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан ташкил этилади ва таъминланади.

### **1.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини кадастр бўйича бўлиш схемаси**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри**

**Туманлар**

**Республикага, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар**

**Кадастр зоналари**

**Қишлоқ (овул)  
худуди**

**Туманга  
бўйсунувчи  
шаҳарлар,  
шаҳарчалар**

**Шаҳарнинг бир  
қисми**

**Кадастр массивлари**

**Қишлоқ хўжалиги  
ва бошқа  
мақсадда  
фойдаланилайдиган  
ерлар**

**Қишлоқ  
аҳоли  
пункти**

**Маҳалла**

**Маҳалла**

**Кадастр мавзелари**

**Кадастр  
массивининг  
бир қисми**

**Кадастр  
массивининг  
бир қисми**

**Кадастр  
массивининг  
бир қисми**

**Кадастр  
массивининг  
бир қисми**

### **11.3. Ер участкаси, бино ва иншоотлар кадастр рақамининг таркиби ва уларни шакллантириш ва бериш тартиби**

Ер участкалари, бинолар ва иншоотларни Ўзбекистон Республикасида идентификациялаш тизими ягона принцип бўйича яратилади, унга ер участкасининг кадастр рақами асос қилиб олинади.

Кадастр рақами – бу ер участкаси, бино, иншоотга тегишли Ўзбекистон Республикаси худудида тақорланмайдиган рақамдир. У қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда уни шакллантиришда берилади ва у рўйхатдан ўтказилган ҳукуқнинг ягона объекти сифатида мавжуд бўлгунига қадар сақланиб қолинади.

Кадастр бўйича рақамлаш тизими ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини идентификациялаш ва ҳисобга олишнинг ягона тизимига бирлаштирилади.

Кўйидагилар ер участкаси, бино, иншоот кадастр рақамининг мажбурий элементларини ташкил этади:

худудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) коди;

худудлар таркибидаги маъмурий туман ёки Қорақалпоғистон Республикасига ва вилоятларга бўйсунувчи шаҳарларнинг коди;

кадастр зонаси коди;

кадастр массиви коди;

кадастр мавзеси коди;

ер участкасининг коди;

бино, иншоотнинг коди;

бино, иншоот бир қисмининг коди.

Кўчмас мулк обьектларининг кадастр рақами қўйидаги тузилмага эга:

**AABBCCDDEEFFFGGGGHNN,**

бунда:

АА–худудларнинг (Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг) кодини билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

ВВ–худудлар таркибидаги маъмурий-худудий тузилмаларнинг (маъмурий туманлар, Қорақалпоғистон Республикасига, вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг) кодини билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

СС–кадастр зоналари кодини билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

DD–кадастр зоналари доирасида кадастр массивлари кодини билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

ЕЕ–кадастр массивлари доирасида кадастр мавзелари кодини билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

FFFF–кадастр мавзелари доирасида ер участкалари кодини билдирувчи тўрт разрядли ўнли сон;

GGGG–ер участкалари доирасида бино ва иншоотлар кодини билдирувчи тўрт разрядли ўнли сон;

ННН–бино ва иншоотлар бир қисми кодини билдирувчи уч разрядли ўнли сон.

Ушбу тартибдан келиб чиқиб, ер участкаларининг кадастр рақами 14 разрядли ўнли сондан иборат бўлиши шарт.

Бино ва иншоотларнинг кадастр рақами, ушбу бино ва иншоотлар жойлашган ер участкасининг каластр рақамидан кейин бино ва иншшотга берилган тўрт разрядли ўнли сондан иборат код қўшилиб, 18 разрядли ўнли сондан иборат бўлади.

Худудлар, маъмурий туманлар, Қорақалпоғистон Республикасига ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг кодлари 9.1-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

Маъмурий туман, Қорақалпоғистон Республикасига ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар доирасида кадастр зоналарини, кадастр зоналари доирасидаги массивларни ҳамда массивлар доирасидаги мавзеларни рақамлаш (кодлаш), уларни зоналарга, массивларга ва мавзеларга бўлиш жараёнида амалга оширилади..

Кадастр зоналари, массивлари ва мавзелилари барча ҳужжатларда уларнинг коди билан белгиланади, уларга ном берилмайди.

Кадастр зоналари, массивлари ва мавзеларининг чегаралари, одатда, шаҳарлар, шаҳар туманлари, қишлоқлар, овулларнинг маъмурий чегаралари бўйича қабул қилинади. Кейинчалик, маъмурий чегаралар ўзгарганда, кадастр бўйича бўлиниш тизимига тегишли ўзgartеришлар киритилади.

Ер участкасининг кадастр рақамини шакллантириш мисоли 9.2-жадвалда келтирилган.

Ер участкасига кадастр рақамини бериш ер участкаси кўчмас мулк обьекти сифатида шакллантирилгандан кейин туман (шаҳар) ер кадастри дафтарини тўлдириш жараёнида амалга оширилади.

Ер участкаларига берилган кадастр рақами уларни ҳисобга олиш реестрида акс эттирилади.

Туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган тегишли соҳа каддастрларида айнан ном ёки рақам билан алоҳида ҳисобга олинадиган узун мухандислик обьектлари (каналлар, коллекторлар, автомобиль ва темир йўллари) жойлашган ерлар мустақил ер участкалари ҳисобланади ва уларга туман (шаҳар) доирасида, улар қандай зоналар, массивлар ва мавзеларда жойлашишидан қатъи назар, бир кадастр рақами берилади.

Узун ер участкаларининг кадастр рақамини шакллантиришда, улар қайси зонада кўпроқ жойлашган бўлса, уша зона коди, шу зонадаги қайси массивда кўпроқ жойлашган бўлса, уша массив коди, ушбу массивда қайси мавзеда кўпроқ жойлашган бўлса, уша мавзе коди ва ушбу мавzedаги навбатдаги ер участкаси коди берилади.

Янги ер участкаси бир нечта мавзелар худудидан берилган бўлса, шу ер участкаси қайси мавзеда кўпроқ жойлашган бўлса, уша мавзенинг коди берилади ва худудларини кадастр бўйича бўлиш картографик материалларга тегишли ўзгартишлар киритилади.

Янгидан суратга олиш (тузатишлар киритиш), рўйхатга олиш, янги кадастр хариталарини (планларини) тайёрлаш жараёнида ер участкаси, бино ва иншоотнинг (уларнинг бир қисмидан ташқари) кадастр рақамини ташкил этувчи мажбурий элементлари (кодлар) ўзгартирилмайди.

Бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақами маълум ер участкасидаги бино ва иншоотларнинг ҳар бирига биринчисидан бошлаб, қолганларига навбатдаги тартиб рақами бериш йўли билан шакллантирилади.

Бино ва иншоотлар тўғрисидаги маълумотлар базасида, бино ва иншоотларга бўлган хуқуқнинг давлат рўхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувохномаларда ва бошқа кадастр хужжатларида унинг коди, ер участкасининг кадастр рақамига қўшилиб, мисол учун, 0001-5 шаклида ёзилади ва “5” рақами ушбу ер участкасида бешта бино ва иншоот борлигини билдиради.

Бино ва иншоотларга бўлган хуқуқнинг давлат рўхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувохномаларнинг бўш варафида ҳар бир бино ва иншоотнинг пландани тартиб рақами, тулиқ кадастр рақами ва бинонинг тури ёзилади.

Бино ва иншоотлар бир қисмининг кадастр рақами асосий бинонинг бир қисми сифатида навбатдаги рақам бериш йўли билан шакллантирилади.

Бино ва иншоотларнинг бир қисми бўлиб, у асосий бинодан бошқача хуқуқий мақомга эга (расмий хуқуқ эгаси бошқа шахс) бўлган унинг айрим хоналари (квартиralар, алоҳида хоналар ва улардан ажralиб турган бошқа қисмлари) ҳисобланади.

Кўп қаватли уйлардаги квартиralарга кадастр рақамини шакллантириш жараёнида уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки шу уйни ишлатиб турадиган бошқа ташкилотларнинг ер участкаси ва айнан уйнинг кадастр рақами асос қилиб олинади. Ер участкасидаги бинонинг бир қисми сифатида квартира тартиб рақами қабул қилинади.

Бинолар ва иншоотларга кадастр рақами ушбу биноларга ва иншоотларга бўлган хуқуқни давлат рўхатидан ўтказиш жараёнида ер участкасининг бино ва иншоотлар акс эттирилган плани тайёрлангандан кейин берилади.

Бутун ер участкасига, бино ва иншшотларга бўлган хуқуқ бошқа шахсга ўтганда ва (ёки) уларга бўлган хуқуқ тури ўзгарганда, ушбу кўчмас мулк обьектларининг кадастр рақами ўзгармайди.

Ер участкаларининг чегаралари ва майдони, уларни бўлиш ёки қўшиш ёхуд бир қисмини олиб қўйиш натижасида ўзгарганда ҳамда янги ер участкаси ташкил этилганда, уларга белгиланган тартибда янги кадастр рақами берилади.

Бунда олдин берилган кадастр рақамлари бекор қилинади ва улар кейинчалиқ қўлланилмайди.

Кўчмас мулк объектларига берилган кадастр рақамлари ер кадастри дафтарида, ерга бўлган хуқук давлат реестрида, бино ва иншоотларнинг кадастр дафтарида, бино ва иншоотларни ҳисобга олиш реестрида ва бошқа кадастр ҳужжатларида акс эттирилади.

#### **11.4. Худудларни кадастр бўйича бўлиш карталарини тайёрлаш тартиби**

Туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг худудларини кадастр бўйича бўлиш картографик материалларда (карталар, планлар ёки схемаларда) амалга оширилади.

Туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг худудларини кадастр бўйича бўлиш учун ҳар қандай қўлай масштабда мавжуд туман қишлоқ ҳўжалиги карталари, топографик карталар асосида туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг махсус электрон карталари ва планлари тайёрланади.

Шаҳар ва шаҳарчаларнинг топографик карталари бўлмаган тақдирда, уларнинг махсус схемалари тайёрланади. Ушбу схемаларда зоналарнинг, массивларнинг ва мавзеларнинг чегаралари ўтадиган топографик элементлар (йўллар, каналлар, ариклар, коолекторлар, зовурлар ва х.к.) аниқ туширилган бўлиши зарур.

Худудларни кадастр бўйича бўлиш карталари, планлари, схемаларининг масштаби ҳар қандай мавжуд ёки янги ташкил бўладиган ер участкасининг қайси мавзе ҳудудига киришини аниқ белгилаш имконини яратиши керак.

Худудларни кадастр бўйича бўлиш карталарида, планларида, схемаларида зоналарнинг, массивларнинг ва мавзеларнинг чегаралари ва кодлари алоҳида рангларда кўрсатилади.

Худудларни кадастр бўйича бўлиш карталари, планлари, схемалари уларни тузувчи мутахассис ҳамда туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари бошлиғи томонидан имзоланади, туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) билан келишилади.

#### **11.5. Худудларни кадастр бўйича бўлиш материалларига ўзгартишлар киритиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 21 январдаги 35-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари, бино ва иншоотларни кодлаштиришнинг ягона тизими”га мувофиқ илгари берилган

кадастр рақамлари сақланиб қолинади. Ушбу тартибга мувофиқ берилаган ер участкаларининг кадастр рақами 16 сондан ва бинолар, иншоотларнинг кадастр рақами 20 сондан иборат бўлиши шарт. Ушбу қоидага риоя қилинмасдан берилган кадастр рақамлари маълумотлар базасида ва кадастр хужжатларида тўғриланади.

Ушбу тартибга мувофиқ берилган кадастр рақамлари ер участкасининг чегаралари ва майдонлари ўзгарганда, кўчмас мулк бўйича операциялар амалга оширилаётганда, кўчмас мулк обьектларининг хуқуқ эгалари ўзгарганда, юридик ва жисмоний шахслар мурожаат қилганда, уларга янги кадастр рақами берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 31 декардаги 492-сонли қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари билан ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш материаллари тасдиқлангандан кейин эски тартибга мувофиқ ер участкаларига берилган кадастр рақамлари йўқорида белгиланган тартибда ўзгартирилади. Илгари қабул қилинган зоналар, массивлар ва мавзелар, асосан, сақланиб қолинади.

Ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш амалга оширилгандан кейин маъмурий-ҳудудий тизимга ўзгаришлар киритилган тақдирда, ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш карталарига, планларига ва схемаларига тегишли ўзгаришлар киритилади.

Туманлар тугатилганда, уларнинг кодлари бекор қилинади ва бу кодлар бошқа фойдаланилмайди.

Янги туманлар ташкил этилганда, уларга навбатдаги код берилади, амалдаги зоналар, массивла ва мавзелар, иложи борича, сақланиб қолинади.

Туманга бўйсунуви шаҳарчалар тоифасига ўтказилган вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳудудлар таркибидаги маъмурий-ҳудудий тузилмалар таркибидан чиқариб ташланади. Бунда вилоят бўйича туманларнинг (шаҳарларнинг) илгари берилган кодлари қайта кўриб чиқилмайди ва олдинги кодлари сақланиб қолинади.

Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар туманга бўйсунуви шаҳарчалар тоифасига ўтказилиши муносабати билан, улар туман доирасида зона сифатида қабул қилинади ва уларга навбатдаги зона коди берилади. Ушбу шаҳарларда илгари шакллантирилган зоналар ва уларнинг кодлари бекор қилинади, массив ва мавзелар илгари берилган кодлар билан сақланиб қолинади.

Туманга бўйсунуви шаҳарлар вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига ўтказилганда, уларга маъмурий-ҳудудий тузилмалар сифатида навбатдаги код берилади ва уларнинг кадастр бўйича бўлиниши сақланиб қолиниши

мумкин.

Қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарчалар тоифасига ўтказилганда, уларга зона сифатида навбатдаги код берилади ва уларнинг кадастр бўйича бўлиниши сақланиб қолиниши мумкин.

Ер участкалари, бино ва иншоотлар тўғрисидаги маълумотлар базасида, барча кадастр хўжжатларида уларнинг кадастр рақамлари тулиқ ёзилади.

Белгиланган тартибга зид равишда берилган кадастр рақамлари кадастр маълумотлари базасида ва бошқа кадастр хўжжатларида тегишли равишда тўғриланади.

Бундай ҳолатларда туман (шаҳар) бўйича зоналар, массивлар ва мавзеларнинг янги рўйхати тузилади. Бунда ер участкаларининг коди келитирлмайди.

Туман (шаҳар) бўйича зоналар, массивлар ва мавзеларнинг янги рўйхати ҳамда ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш карталари, планлари, схемалари туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланади, уларнинг қарорлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланади.

Кейинчалик маъмурий-ҳудудий тузилмалар таркибида ўзгаришлар пайдо бўлиши муносабати билан ҳудудларнинг кадастр бўйича бўлинишида юз берган ўзгартишлар туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланади, уларнинг қарорлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланади.

Ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш ишларини амалга ошириш бўйича жавобгарлик қўйидаги тартибда ўрнатилади:

ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш ишларини амалга оширилишини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқарма бошлиқлари ташкил этиш ва таъминлаш учун жавоб беради;

ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш ишларини бажариш бўйича тайинланган масъул шахс ушбу ишларни амалга оширилиши учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Назорат саволлари:**

1. Кадастр тушинчасини қандай таърифланади ?
2. Кўчмас мулк кадастри мазмунни нимадан иборат ?
3. Республикаизда Давлат кадастрларини яратиш ва юритишнинг норматив-хуқуқий асослари қайси хужжатлардан ташкил топган ?
4. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишида хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан мисол келтиринг ?
5. Давлат кадастрларини яратиш ва юритишида махалий давлат органларининг ваколатларига нималар киради?
6. Давлат кадастрлари ягона тизимини нима учун яратилади ва юритилади ?
7. Кадастр обьектларига вужудга келган хуқуқни ва улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қандай ?
8. Кадастр обьектларининг миқдор ва сифат тавсифлари қайси кўрсатгичлари бўйича хисобга олинади ?
9. Кадастр обьектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш қандай олиб борилади ?.
10. Кадастр хужжатлари қайси хужжатлардан ташкил топган бўлади ?
11. Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда кадастр рақамларини шакллантириш тартиби қандай ?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонуни. (15.12.2000 й. N 171-II)

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. (28.08.1998 й. N 666-I)

Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни. (09.04.2009 й. N ЎРҚ-208)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.1997 й. “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги № 278-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.1998 й. “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги №543-сонли қарори.

**ТЕСТ САВОЛЛАРИ****1. Кадастр объектларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш қандай амалга оширилади?**

- A.** Ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.
- B.** Ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотларни давлат реестрларига киритиш йўли билан амалга оширилади
- C.** Ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотларни йиғиш йўли билан амалга оширилади.
- D.** Ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотларни экспертиза қилиш йўли билан амалга оширилади

**2. Кадастр объектларини бирламчи ҳисобга олиш қаерда амалга оширилади?**

- A.** Аҳоли пунктлари чегаралари доирасида.
- B.** Кадастр объектларининг чегаралари доирасида.
- C.** Туманлар миқиёсида.
- D.** Иқтисодий зоналар миқиёсида.

**3. Кадастр объектлари қайси жиҳатлари бўйича баҳоланади?**

- A.** Иқтисодий ва ижтимоий жиҳатидан.
- B.** Ҳудудий жойлашуви жиҳатидан.
- C.** Сифат ва қиймат жиҳатидан.
- D.** Тойифаси ва мустахкамлиги жиҳатидан.

**4. Кадастр объектнинг кадастр ҳужжати қайси ҳужжатлардан иборат бўлади?**

- A.** Кадастр обьектига бўлган мулк хукуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, обьектнинг кадастр йиғмажилди, кадастр харитаси (плани), бўрилиш бурчаклари координатлари катологи, кадастр обьектларининг ҳолати хақидаги ҳисоботлардан иборат бўлади.

- B.** Кадастр обьектига бўлган мулк хукуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, обьект тўғрисидаги умумий маълумотлар, кадастр йиғмажилди, кадастр китобларидан иборат бўлади.

- C.** Кадастр обьектига бўлган мулк хукуқини ва бошқа хукуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, обьектнинг кадастр йиғмажилди, кадастр харитаси

(плани), кадастр китоби, кадастр объектларининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботлардан иборат бўлади.

Д. Кадастр объектига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, ер участкасининг чегараларини белгилаш ва келишиш далолатномаси, кадастр йигмажилдидан иборат бўлади.

### **5. Кадастр картаси нималарни ўз ичида акс этиради?**

А. Кадастр объектлари жойлашган ерни, уларнинг чегаралари, муҳофаза зоналарини.

Б. Кадастр объектлари жойлашган ерни, уларнинг чегаралари, муҳофаза зоналари, баҳолаш, миқдор ва сифат тавсифларини.

С. Кадастр объектларининг баҳолаш, миқдор ва сифат тавсифларини.

Д. Кадастр объектлари жойлашган ерни географик жойлашуви, координатлари релефи, бино ва иншоотлари.

### **6. Кадастр китоби қандай маълумотлардан ўз ичига олади?**

А. Кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлари ва баҳоси ҳақидаги маълумотларни.

Б. Кадастр объектларининг ҳуқуқий мақоми ҳақидаги маълумотлар.

С. Кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳақидаги.

Д. Кадастр объектларининг миқдор ҳамда сифат жиҳатдан баҳоси ҳақидаги маълумотларни.

### **7. Нима учун ҳудудлар кадастр бўйича бўлинади?**

А. Кўчмас мулкни ҳисобга олиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга код рақамлари бериш мақсадида.

Б. Кўчмас мулкни ҳисобга олиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга литер рақамлари бериш мақсадида.

С. Кўчмас мулкни ҳисобга олиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга рўйхатдан ўтказиш рақамлари бериш мақсадида.

Д. Кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга кадастр рақамлари бериш мақсадида.

### **8. Дехқон хўжалигига ер участкаси қайси ҳуқуқ тури бўйича берилади?**

А. Доимий эгалик қилиш ҳуқуқи.

Б. Доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

С. Мерос қилиб қолдирадиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи.

Д. Ижара ҳуқуқи.

**9. Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш қайси давлат бошқаруви органи ваколатига киради?**

- А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг.
- В. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг.
- С. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларнинг.
- Д. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

**10. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қайси давлат хужжати билан тасдикланади?**

- А. Давлат ордери билан.
- Б. Гувоҳнома билан.
- С. Қарор билан.
- Д. Шарнома билан.

**11. Ер участкасидан қисқа муддатли фойдаланиш муддатини қанчага узайтирилиши мумкин?**

- А. Бир йилгача.
- Б. Уч йилгача.
- С. Беш йилгача
- Д. Узайтириб бўлмайди.

**12. Биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкаларига қайси ер участкалари киради?**

- А. Бино ва иншоотлар атрофида бўш ётган ер участкалари.
- В. Алоҳида ер участкаларига бўлишнинг имконияти бўлмага ер участкалари.
- С. Бино ва иншоотлар қуриш имконияти бўлмага ер участкалари.
- Д. Парклар, истироҳат боғларига тегишли бўлган ер участкалари.

**13. Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи бу қандай ҳуқуқ?**

- А. Чеклав ҳуқуқи.
- Б. Сервитут ҳуқуқи.
- С. Тақиқ ҳуқуқи.
- Д. Маълум муддатга фойдаланиш ҳуқуқи.

**14. Аҳоли пунктларида ер участкаларини жойлаштириш ва у бўйича материаллар тайёрлаш қайси ташкилот томонидан амалга оширилади?**

- А. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) томонидан.
- Б. Туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан.
- С. Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан.
- Д. Туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органлари томонидан.

**15. Эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) қандай тартибда амалга оширилади?**

- А. Ер участкасидан фойдаланиш муддати тугагандан кейин.
- Б. Ер участкаси белгиланган тартибда давлат ва жамият эхтиёжи учун олиб қўйилганидан кейин.
- С. Ер участкаси берилган мақсадига кўра фойдаланилмагандан кейин.
- Д. Ер участкасига тақиқ ва чеклавлар ўрнатилгандан кейин.

**16. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкинми?**

- А. Ижарага берувчининг розилиги билан мумкин.
- Б. Ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина мумкин.
- С. Кредит берувчи банкнинг розилиги билан мумкин
- Д. Туман (шаҳар) давлат ҳокимияти қарорига асосан мумкин.

**17. Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш мумкинми?**

- А. Туман (шаҳар) давлат ҳокимияти қарорига асосан мумкин.
- Б. Ижарага берувчининг қарорига асосан мумкин.
- С. Ижаракининг қарорига асосан мумкин.
- Д. Тарафларнинг келишуви асосан мумкин.

**18. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ўтказиладиган танловга қайси ерлар қўйилади?**

- А. Иморатлар бузилиши муносабати билан бўшаб қолган ерлар.
- Б. Аҳоли пунктлари чегараси худудида жойлашган ерлар.
- С. Қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган ерлар.
- Д. Корхона ва ташкилотлар фойдаланмаётган ерлар.

**19. Рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликатини беришда қанча микдорида тўлов ундирилади?**

**А.** Гувоҳнома дубликатини беришда давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундириладиган сумманинг иккidan бири микдорида тўлов ундирилади.

**Б.** Гувоҳнома дубликатини беришда давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундириладиган сумманинг тўртдан бири микдорида тўлов ундирилади

**С.** Гувоҳнома дубликатини беришда давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундириладиган сумманинг ярими микдорида тўлов ундирилади

**Д.** Гувоҳнома дубликатини бериш учун тўлов ундирилмайди.

**20. Туман, шаҳар геофондлари қандай маълумотларни ўз ичига олади?**

**А.** Бинолар ва иншоотларнинг топография-геодезия, картография, маҳандислик-геология, гидрогеология, экология, санитария-гигиена, социология, лойиҳалаш-режалаштириш, тарихий-маданий, стихияли офатлар ва техноген фалокатлари, техник инвентаризацияланганлиги ва паспортлаштирилганлиги, микросейсмик районлаштирилганлиги ва сейсмик турғунлигига оид замонавий ва тарихий геоахборот маълумотлари омборидир.

**В.** Туман, шаҳар хариталари ва уларда жойлашган бинолар ва иншоотларнинг топография-геодезия, картография, маҳандислик-геология, гидрогеология, экология, санитария-гигиена, социология, лойиҳалаш-режалаштириш, тарихий-маданий, стихияли офатлар ва техноген фалокатлари, техник инвентаризацияланганлиги ва паспортлаштирилганлиги, микросейсмик районлаштирилганлиги ва сейсмик турғунлигига оид замонавий ва тарихий геоахборот маълумотлари омборидир

**С.** Топография-геодезия, картография, маҳандислик-геология, гидрогеология, экология, санитария-гигиена, социология, лойиҳалаш-режалаштириш, тарихий-маданий, стихияли офатлар ва техноген фалокатлари, техник инвентаризацияланганлиги ва паспортлаштирилганлиги, микросейсмик районлаштирилганлиги ва сейсмик турғунлигига оид замонавий ва тарихий геоахборот маълумотлари омборидир

**Д.** Ер участкаларининг топография-геодезия, картография, маҳандислик-геология, гидрогеология, экология, санитария-гигиена, социология, лойиҳалаш-режалаштириш, тарихий-маданий, стихияли офатлар ва техноген фалокатлари, техник инвентаризацияланганлиги ва паспортлаштирилганлиги, микросейсмик районлаштирилганлиги ва сейсмик

турғунлигига оид замонавий ва тарихий геоахборот маълумотлари омборидир.

**21. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар Давлат регистрида қандай маълумотлар сақланади?**

**А.** Унда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар учун тегишли бўлган ҳуқуқий хусусиятдаги ёпиқ маълумотлар, шунингдек ер участкаларининг таърифи ва қиймат, сифат кўрсатгичларига тегишли маълумотлар сақланади.

**Б.** Унда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар учун тегишли бўлган ҳуқуқий ва иқтисодий хусусиятдаги маълумотлар, шунингдек ер участкаларининг таърифи ва эгалик қилувчилар тўғрисидаги маълумотлар сақланади.

**С.** Унда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар учун тегишли бўлган ҳуқуқий хусусиятдаги маълумотлар, шунингдек ер участкаларининг таърифи ва бошқа маълумотлар сақланади.

**Д.** Унда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар учун тегишли бўлган маълумотлар ва эгалик қилувчилар шунингдек ер участкаларининг таърифи ва бошқа маълумотлар сақланади

**22. Ер участкасига доимий эгалик қилиш, фойдаланиш ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатларга қайси хужжатлар киради?**

**А.** Ер участкасига бўлган мулкий ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳнома, ер ажратиш тўғрисидаги давлат ордери, олди-сотди шартномаси, алмашиш, ҳадя қилиш, васият қилиб қолдириш тўғрисидаги хужжат, ижара, сервитут ҳақидаги шартнома, суд қарори ёки сақлаш вазифаси ҳақидаги хужжатлар.

**Б.** Ер участкасига бўлган мулкий ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳнома, қурилиш ишларини амалга ошириш учун рухастнома, олди-сотди шартномаси, алмашиш, ҳадя қилиш, васият қилиб қолдириш тўғрисидаги хужжат, ижара, сервитут ҳақидаги шартнома, суд қарори ёки сақлаш вазифаси ҳақидаги хужжатлар.

**С.** Ер участкасига бўлган мулкий ҳуқуқ ҳақидаги давлат ордери, олди-сотди шартномаси, ким ошди савдоси гувоҳномаси, алмашиш, ҳадя қилиш, васият қилиб қолдириш тўғрисидаги хужжат, ижара, сервитут ҳақидаги шартнома, суд қарори ёки сақлаш вазифаси ҳақидаги хужжатлар.

**Д.** Ер участкасига бўлган мулкий ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳнома (давлат ордери), олди-сотди шартномаси, алмашиш, ҳадя қилиш, васият қилиб қолдириш тўғрисидаги хужжат, ижара, сервитут ҳақидаги шартнома, суд қарори ёки сақлаш вазифаси ҳақидаги хужжатлар.

**23. Ер участкаларига бўлган мулкий, эгалик қилиш ва ижара хукуки тўғрисидаги хужжатларни нима мақсада давлат рўйхатидан ўтказилади?**

**А.** Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий хукуқларини давлат ҳимоясига олиш мақсадда амалга оширилади.

**Б.** Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий хукуқларини ҳимоялаш, шунингдек ер ресурсларини асосланган тарзда ва самарали ҳисобга олиш, ер участкаларига оид муолажалар, солиқ солиш учун.

**С.** Ер ресурсларини асосланган тарзда ва самарали ҳисобга олиш, ер участкаларига оид муолажалар, солиқ солиш учун.

**Д.** Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий хукуқларини ҳимоялаш, шунингдек ер ресурсларини асосланган тарзда ва самарали ҳисобга олиш, солиқ солиш учун ҳамда бошқа мақсадларда амалга оширилади.

**24. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хукуқларини рўйхатдан ўтказиш қайси вақтда амалга оширилади?**

**А.** Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хукуқларини рўйхатдан ўтказиш, уларнинг мурожаатларига асосан амалга оширилади.

**Б.** Юридик ва жисмоний шахсларнинг ташабbusлари бўйича, ер участкаларини техник инвентаризациядан ўтказиш ишлар жараёнида амалга оширилади.

**С.** Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хукуқларини рўйхатдан ўтказиш, ер участкаларини кадастр суратига олиш бўйича режавий ишларни бажариш жараёнида амалга оширилади.

**Д.** Юридик ва жисмоний шахсларнинг ташабbusлари бўйича, ҳам ер участкаларини кадастр суратига олиш бўйича режавий ишлар жараёнида амалга оширилади.

**25. Қайси холатларда рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган хужжатлар нотариал тасдиқланган бўлиши лозим?**

**А.** Ер участкаларига бўлган хукуқларнинг вужудга келишини, уларнинг тугашини, бошқа шахсларга ўтишини, сақлаш вазифалари ёки ўзгартишларни белгиловчи хужжатлар нотариал тасдиқланган бўлиши лозим.

**В.** Ер участкаларига бўлган хукуқларнинг тугашини, бошқа шахсларга ўтишини, сақлаш вазифалари ёки ўзгартишларни белгиловчи хужжатларнинг нусхалари нотариал тасдиқланган бўлиши лозим.

**С.** Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келишини, уларнинг тугашини, бошқа шахсларга ўтишини, белгиловчи хужжатлар нотариал тасдиқланган бўлиши лозим.

**Д.** Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келишини, сақлаш вазифалари ёки ўзгартишларни белгиловчи хужжатлар нотариал тасдиқланган бўлиши лозим.

**26. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганда, қанча муддат ичида шикоят аризаси суд органига тақдим этилиши лозим?**

- A.** Уч ой ичида.
- B.** Бир ой ичида.
- C.** Ўн кун ичида.
- D.** Етти кун ичида.

**27. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш қандай тартибда амалга оширилади?**

**А.** Аризани қабул қилиш; аризани ва унга илова қилинган хужжатлар ҳамда материалларни текшириш; ер участкасинида топосъемка ишларини амалга ошириш; аризани аризалар қабул қилиш реестрида рўйхатдан ўтказиш; ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш; ҳуқуқ субъектига ер участкасига бўлган ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.

**В.** Аризани қабул қилиш; аризани ва унга илова қилинган хужжатлар ҳамда материалларни текшириш; аризани аризалар қабул қилиш реестрида рўйхатдан ўтказиш; ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш; ҳуқуқ субъектига ер участкасига бўлган ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.

**С.** Аризани қабул қилиш; унга илова қилинган хужжатлар ҳамда материалларни текшириш; аризани қабул қилиш реестрида рўйхатдан ўтказиш; ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш; ер участкасига бўлган ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.

**Д.** Аризани қабул қилиш; аризани ва унга илова қилинган хужжатлар ҳамда материалларни текшириш; ер участкасинида топосъемка ишларини амалга ошириш; аризани аризалар қабул қилиш реестрида рўйхатдан ўтказиш; ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш; ҳуқуқ субъектига ер участкасига бўлган ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилганлиги

тўғрисида гувоҳнома бериш; рўйхатдан ўтказиш тўловларини амалга ошириш.

**28. Ер участкаларига бўлган эгалик қилиш, фойдаланиш, ижара хукуқлари ва мулкий ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун юридик шахслардан қанча миқдорда тўлов ундирилади?**

- A. Минимал иш ҳақи миқдорининг ўндан бир қисми.**
- B. Минимал иш ҳақи миқдорининг иккidan бир қисми.**
- C. Минимал иш ҳақи миқдорига тенг қисми.**
- D. Минимал иш ҳақи миқдорининг тенг ярими.**

**29. Ер участкаларига бўлган хукуқларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар неча нусхада тақдим этилади?**

- A. Бир асил нусҳаси**
- B. Бир асл нусха ва иккита копияси.**
- C. Бир асл нусха ва битта копияси.**
- D. Бир нусха копияси**

**30. Ер участкаларига бўлган хукуқлар Давлат регистри қанча муддат сақланиши лозим?**

- A. Ер участкасининг фойдаланиш мақсади ўзгаргунга қадар.**
- B. Ер участкаси давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилгунга қадар.**
- C. Ер участкаси шакиллангунга қадар.**
- D. Доимий сақланиши лозим.**

**31. Ер кадастрига доир ахборотлар мўлжалланиши бўйича қандай тизимиланади?**

- A. Солик ставкаларини белгилаш учун керакли ахборотлар.**
- B. Ҳудудни қамраб олиши бўйича керакли ахборотлар.**
- C. Ер участкаларининг ҳуқуқий холатлари тўғрисидаги ахборотлар**
- D. Кўп мақсадли ва маҳсус ахборотлар.**

**32. Тиклаш баҳоси деб нимага айтилади ?**

- A. Баҳоланаётган объектнинг бугунги кунда худди шундай меъморий қурилиш кўрсатгичлари бир хил бўлган объектни қуриш учун сарфланадиган баҳоси.**
- B. Баҳоланаётган объектнинг фойдаланиш эквиваленти ўзгартирилмаган ҳолда худди шундай объектни шу бугунги баҳода янги лойиҳа меъёрлари ва**

янги материаллардан фойдаланиб қуриш учун кетадиган харажатлар микдори.

**С.** Баҳоланаётган объектнинг шу бугинги кундаги техник, молиявий, иқтисодий ва функционал кўрсатгичларини ҳисобга олган баҳоси.

**Д.** Баҳоланаётган объектнинг келтирадиган фойдасини ҳисобга олиш баҳоси.

**33. Қайси объектлар рўйхатдан ўтказиш обьекти ҳисобланади ?**

- A.** Турли ёрдамчи иморатлар гаражлар, саройлар, ёзги ошхоналар.
- B.** Кўча, тор кўча, майдон бўйича унга яқин турган ёрдамчи иморатлар.
- C.** Алоҳида тартиб ракамига эга бўлган мустакил ер участкасидаги бутун бино ва иншоотлар.
- D.** Бино ёки иншоотга хизмат қилувчи муҳандислик комуникациялари.

**34. Бир нечта юридик шахсларга умумий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган бино, иншоотларга бўлган мулкий ҳуқуқ қандай улушларда давлат рўйхатидан ўтказилади ?**

- A.** Ижара шартномасида кўрсатилган улушларда рўйхатдан ўтказилади.
- B.** Оператив бошқарув шартномасида кўрсатилган улушларда рўйхатдан ўтказилади.
- C.** Давлат ордерида кўрсатилган улушларда рўйхатдан ўтказилади.
- D.** Ҳуқуқ белгиловчи хужжатларда кўрсатилган улушларда рўйхатдан ўтказилади.

**35. Қайси бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмайди ?**

- A.** Ажратилган ер участкаларида қурилиши тугатилмаган иморатлар.
- B.** Ажратилган ер участкаларида қурилган вақтинчалик иморатлар.
- C.** Ажратилган ер участкаларида лойиҳа асосида қурилмаган иморатлар.
- D.** Ажратилган ер участкаларида ярақсиз холга кели қолган иморатлар.

**36. Агар бир ер участкасида икки ёки ундан ортиқ бино ва иншоотлар бўлса уларга бўлган мулкий ҳуқуқ қандай тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади ?**

- A.** Ҳар бир бино ва иншоот мустакил равишда рўйхатдан ўтказилади.
- B.** Улар битта бино сифатида рўйхатдан ўтказилади.
- C.** Бинолар алоҳида, иншоотлар алоҳида рўйхатдан ўтказилади
- D.** Фойдаланиш мақсадига караб рўйхатдан ўтказилади.

**37. Бино ва иншоотларга бўлган мулкий хукуқни давлат рўйхатдан ўтказиши нечта босқичда амалга оширилади ?**

- A. Ариза бериш; инвентаризация ишларини ўтказиши; кадастр ийғмажилдини тузиш ва мулкий хукуқ тўғрисида гувоҳнома бериш.
- B. Ариза бериш; инвентаризация ишларини ўтказиши; кадастр ийғмажилдини тузиш ва баҳолаш.
- C. Ариза бериш; аризани текшириш; аризани маълумотлар базига киритиш ва мулкий хукуқ тўғрисида маълумотнома бериш.
- D. Ариза бериш; аризани текшириш; аризани рўйхатдан ўтказиши ва мулкий хукуқ тўғрисида гувоҳнома бериш.

**38. Бино ва иншоотларга бўлган мулкий хукуқни давлат рўйхатдан ўтказиши юзасидан тақдим этилган аризда қандай маълумотлар келтирилиши керак ?**

- A. Ер участкаси эгасининг реквизитлари, қўшни ер участкаларининг тарифлари, иқтисодий зоналар.
- B. Ер участкасининг кадастр рақами, бино, иншоотнинг реестр рақами, хукуқдорлар, хукуқнинг асосий тавсифи ва кутилаётган ишлар.
- C. Солиқ тўлавчининг индентификацион рақами, ер участкасининг манзили, ер участкаси бўйича низолар.
- D. Ер участкаси ўлчамлари, ойла аъзолар, қўшни ер участкасида яшавчи фуқоралар тўғрисидаги маълумотлар

**39. Хукуқини давлат рўйхатдан ўтказиши учун мурожаат қилганда аризага қайси хужжатларни илова қилиши керак ?**

- A. Ер участкаси, бинолар ва иншоотлар учун кадастр хужжати; кадастр плани; шахс тасдиқловчи хужжат.
- B. Ер участкаси, бинолар ва иншоотлар учун солиқ тўлавлари; кадастр рақами; шахс тасдиқловчи хужжат.
- C. Ер участкаси, бинолар ва иншоотлар учун лойиха хужжатлари; абрис; шахс тасдиқловчи хужжат.
- D. Ер участкаси, бинолар ва иншоотлар учун шартнома; кадастр картаси; шахс тасдиқловчи хужжат.

**40 Хукуқини давлат рўйхатдан ўтказиши учун мурожаат қилинган ариза қайси холатларда қайтарилади ?**

- A. Ариза белгиланган муддатидан один тақдим этилганда ва илова қилинадиган хужжатларда тўлиқ бўлмаганда.

**В.** Ариза берувчи белгиланган муддатда рўйхатдан ўтказувчи органга келмаганда.

**С.** Аризани тўлдиришда хатоликлар бор ёки илова қилинадиган ҳужжатлар тўплами нотўлиқ бўлганда.

**Д.** Аризани тўлдиришда бошқа шахс хизматидан фойдаланилганда.

**41. Бинони ёки иншоотни тақсимлашни расмийлаштириш учун шахслар кимга мурожаат қилишлари керак ?**

**А.** Туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматига.

**Б.** Туман архитектура ва қурилиш органларига.

**С.** Туман давлат солиқ инспекциясига.

**Д.** Туман, шаҳар ҳокимликларига.

**42. Қайси холатларда кўчмас мулк объектига бўлган хукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўхтатиб турилади ?**

**А.** Рўйхатдан ўтказиш тўлавлари тўланмаганда.

**Б.** Шу обьект бўйича бошқа аризалар борлиги аниқланганда.

**С.** Рўйхатдан ўтказувчи таътилда бўлганда.

**Д.** Рўйхатдан ўтказиш китоби тўлиб қолганда.

**43. Солиқ солиши обьектларини баҳолаш ва қайта баҳолаш қандай ўтказилаётганлигини назорат қилиш қайси давлат органи томонидан амалга оширилади?**

**А.** Давлат солиқ қўмитасининг жойлардаги органлари.

**Б.** Махалий давлат ҳокимияти органлари.

**С.** Туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк хизматлари

**Д.** Давлат мулкин бошқариш бошқармалари

**44. Ер участкаларининг абрисида қайси маълумотлар кўрсатилади?**

**А.** Абрисда ер участкасининг тури, бино ва иншоотнинг баландлиги, кўчанинг кенглиги, мулқдорнинг номи, съёмка ишининг натижалари ва бошланиш ҳамда якунланиш кўрсатилади.

**В.** Абрисда ер участкасининг, бино ва иншоотнинг жойлашган жойи, кадастр рақами, кўчанинг номи, съёмка ишининг бошланиш ҳамда якунланиш, ижро этувчиларнинг имзолари кўрсатилади.

**С.** Абрисда ер участкасининг, бино ва иншоотнинг рақами, кўчанинг номи, мулқдорнинг номи, съёмка ишининг бошланиш ҳамда якунланиш, текшириш саналари ва ижро этувчиларнинг имзолари кўрсатилади.

Д. Абрисда ер участкасининг, узунлиги, бино ва иншоотнинг майдонлари,, кўчанинг кенглиги, мулкдорнинг номи, съёмка ишини якунланиш санаси, ижро этувчиларнинг имзолари кўрсатилади.

#### **45. Ер участкаларининг абрисини тузишда қандай талаблар қўйилади ?**

А. Ер участкасининг абрисида, барча ўлчамлар, ёзувлар ва рақамли маълумотлар тушунарли бўлиши ҳамда ҳар бир рақам ёки ёзув қайси ўлчовга тегиши эканлиги кўриниб туриши лозим.

Б. Ер участкасининг абрисида, барча ўлчамлар, ёзувлар ва рақамли маълумотлар тушунарли бўлиши ҳамда ҳар бир хил ширифта қалам билан ёзилиши керак ёзув қайси жойга тегишли эканлиги кўриниб туриши лозим.

С. Ер участкасининг абрисида, барча ўлчамлар, ёзувлар ва рақамли маълумотлар тушунарли бўлиши ҳамда ҳар бир хил фарматда бўлган қофозда чизилиши ва ҳар бир рақам ёки ёзув қайси ўлчовга тегиши эканлиги кўриниб туриши лозим.

Д. Ер участкасининг абрисида, барча ўлчамлар, ёзувлар ва рақамли маълумотлар бир хил рақамда бўлиб ҳар бир ёзув ёки чизма қайси ўлчовга тегиши эканлиги кўриниб туриши лозим.

#### **46. Абрисга тегишли айрим деталь ва ёзувлар қандай бажарилади?**

А. Абрисни юритища айрим деталь ва ёзувлар бошқа бетга ўтказилиб ифодаланиши мумкин. Бошқа бетга тушириб кўрсатилган деталь ёки ёзув қайси жойга тегишли эканлиги борасида шубҳа туғилмасиги керак.

Б. Абрисни юритища айрим деталь ва ёзувлар саҳифа тагига тушириб ифодаланиши мумкин. Бетнинг тагига тушириб кўрсатилган деталь ёки ёзув қайси жойга тегишли эканлиги борасида шубҳа туғилмасиги керак.

С. Абрисни юритища айрим деталь ва ёзувлар саҳифанинг ёнида ифодаланиши мумкин. Саҳифанинг ёнига тушириб кўрсатилган деталь ёки ёзув қайси жойга тегишли эканлиги борасида шубҳа туғилмасиги керак.

Д. Абрисни юритища айрим деталь ва ёзувлар алоҳида варақга тушириб ифодаланиши мумкин. Бу варақ асосий варақга елимланди ва кўрсатилган деталь ёки ёзув қайси жойга тегишли эканлиги борасида шубҳа туғилмасиги керак.

#### **47. Ер участкасининг абрисини чизишда участкани ўлчаш ишлари қайёрдан бошланади?**

А. Участкани ўлчаш иши қайёрдан бошлашнинг аҳамияти йўқ.

Б. Участкани ўлчаш иши чап томондаги биринчи бурчакдан бошланади.

**С.** Участкани ўлчаш иши хавлига кириш жойидан чап томонга караб ўлчашдан бошланади.

**Д.** Участкани ўлчаш иши фасад чизигини ўлчашдан бошланади.

**48. Ер участкасида горизонтал ўлчав ишлари ўтказилиш жараёнида бинонинг баландлиги ҳам ўлчанадим?**

**А.** Абрисда бинонинг баландлиги натурада олинган жойда ёзиб кўрсатилади ва “Н” ҳарфи билан белгиланади.

**Б.** Абрисда бинонинг баландлиги натурада олинган жойда ёзиб кўрсатилади ва “h” ҳарфи билан белгиланади.

**С.** Абрисда бинонинг баландлиги бино қирқимида ёзиб кўрсатилади ва “Н” ҳарфи билан белгиланади.

**Д.** Абрисда бинонинг баландлиги бино фасадида ёзиб кўрсатилади ва “h” ҳарфи билан белгиланади

**49. Ер участкасининг абрисида ер турлари қандай тасвирланади?**

**А.** Ер турлари уларда экилган экиннинг тўлиқ номи ёки номларининг бош ҳарфлари билан белгиланади

**Б.** Ер турлари ер тойифасининг тўлиқ номи ёки номларининг бош ҳарфлари билан белгиланади

**С.** Ер турлари уларнинг фойдаланиш мақсадининг тўлиқ номи ёки номларининг бош ҳарфлари билан белгиланади

**Д.** Ер турлари уларнинг тўлиқ номи ёки номларининг бош ҳарфлари билан белгиланади.

**50. Ер участкасида жойлашган боғларнинг чегараси қандай белгиланади?**

**А.** Дараҳтларининг четки таналаридан 2 м масофада.

**Б.** Дараҳтларининг четки таналаридан 1 м масофада.

**С.** Бино ташқи двеоридан 2 м масофада

**А.** Бино ташқи деворидан 1 м масофада.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри қандай ташкил этилган?
2. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри нима учун юритилади?
3. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари барча давлат органлари учун қандай кучга эга?
4. Кадастр ҳужжатлари қандай ҳужжатлар таркибиға киради?
5. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш қандай амалга оширилади?
6. Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига тегишли бўлган бино ва иншоотларига қандай ҳужжатларга эга бўлиши керак?
7. Бино ва иншоотни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти кимнинг зиммасига юклатилган?
8. Мулкка эгалик ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар пайдо бўлган шахслар қанча вақтд ичida уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этишлари керак?
9. Бинолар ва иншоотлар мерос қилиб олинган тақдирда уларга эгалик ҳуқуқи қандай тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади?
10. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини ташкил этиш ва юритиш қайси ташкилотга юклатилган?
11. Объектлар бўйича маълумотлар тайёрлашни кимнинг ваколатига киради?
12. Бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи ёхуд бошқа ашёвий ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказиш учун қанча миқдорда тўлов ундирилади?
13. Давлат мулки бўлган объектлар бўйича давлат кадастрини юритиш ишлари қайси маблағ ҳисобидан амалга оширилади?
14. Бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи ёхуд бошқа ашёвий ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказиш учун қайси холатларда тўлав ундирилмайди?
15. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри қайси маълумотлардан ташкил топган бўлади?
16. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш қайси усулларда олиб борилади?
17. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш нечта босқичда амалга оширилади?
18. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари қаерда тузилади?

19. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрининг асосини нима ташкил этади?

20. Бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш қачон амалга оширилади?

21. Бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш қаерда амалга оширилади?

22. Давлат рўйхатидан ўтказишда кадастр ёки реестр дафтарига қайси маълумотлар ёзиб қўйилади?

23. Махфийлик режимига эга бўлган бинолар ва иншоотлар қандай тартибда рўйхатга олинади?

24. Давлат рўйхатидан ўтказишда кадастр дафтарига қайси маълумотлар киритилади?

25. Қайси маълумотлар бинолар ва иншоотларнинг ҳукукий ҳолати ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади?

26. Кайси маълумотлар бинолар ва иншоотлар хўжалик мақомининг асосини ташкил этади?

27. Қайси маълумотлар бинолар ва иншоотларнинг архитектура-курилиш мақоми ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади?

28. Кадастр маълумотлари қайси хужжатлар асосида тузилади?

29. Давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар қандай ҳукуқиларга эга?

30. Хар бир бино ва иншоот кадастр, реестр дафтарига қандай рақами остида ёзиб қўйилади?

31. Объектнинг кадастр рақами қандай белгиланади?

32. Объект коди нима учун мўлжалланган?

33. Объект коди қайси холатларда ўзгармайди?

34. Объект коди қайси холатларда ўзгаради?

35. Кадастр, реестр дафтаридаги ёзувларни тузатиш ёки тўлдириш қандай тартибда олиб борилади?

36. Бино, иншоотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги қандай хужжат берилади?

37. Қандай холатларда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги берилган эски гувоҳнома олиб қўйилади ва бекор қилинади?

38. Қандай холатларда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликати берилади?

39. Рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликатини беришда қанча миқдорида тўлов ундирилади?

40. Кадастр режаси (хариталар) қайси маълумотлардан ташкил топади?
41. Туман, шаҳар геофондлари қандай маълумотларни ўз ичига олади?
42. Кадастр йиғма жилди қайси вақтларда тузилади ?
43. Кадастр йиғма жилди таркиби қайси ҳужжатлардан иборат бўлади ?
44. Кадастр йиғма жилди қайси сабабга кўра янгилаб борилади ?
45. Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш қандай амалга ҳисобланади ?
46. Қайси ҳолатлар кўчмас мулкка бўлган ҳукуқлар ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади ?
47. Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларини қандай тасдиқлаш мумкин ?
48. Солиқ солиш обьектларини баҳолаш ва қайта баҳолаш қандай ўтказилаётганлигини назорат қилиш қайси давлат органи томонидан амалга оширилади ?
49. Солиқ солиш учун баҳолаш обьектларига қайси обьектлар киради ?
50. Қайси бинолар ва иншоотлар солиқ солиш мақсадида баҳоланмайди?

## МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Ер участкасини инвентаризациядан ўтказиш ва ўлчав ишларини олиб бориш технологияси.
2. Бино ва иншоотларни техник инвентаризациядан ўтказиш ва ўлчав ишларини олиб бориш технологияси.
3. Кўчмас мулк объектларининг тикланиш баҳосини ҳисоблаш тартиби.
4. Ер участкасининг кадастр паспортини тузиш тартиби.
6. Бино ва иншоотлари кадастр паспортини тузиш тартиби.
7. Ер участкасига, бино ва иншоотларга бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.
8. Кўчмас мулк объектларини техник хатовдан ўтказиш, баҳолаш, кадастр ҳужжатларини шакиллантириш ва вужудга келган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини бажаришда шартномавий мунособатлар.
9. Юридик ва жисмоний шаҳсларга кўрсатиладиган кадастр хизматлари нарҳларининг юзага келиши тартиби
10. Туман ҳудудини кадастр бўйича бўлиш ҳамда кадастр рақамларини шакиллантириш тартиби.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР**

1. Фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
2. Давлат сув кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
3. Давлат ўрмон кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
4. Ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
5. Ҳайвонот дунёси давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
6. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
7. Чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
8. Табиий хавфи юқори бўлган зоналар давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
9. Техноген хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
10. Автомобиль йўллари давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
11. Темир йўллар давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
12. Транспорт қувурлари давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
13. Гидротехника иншоотлари давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
14. Алоқа объектлари давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
15. Энергетика объектлари давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
16. Давлат ер кадастри кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
17. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
18. Давлат шаҳарсозлик кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
19. Тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.
20. Картография–геодезия давлат кадастрини яратиш ва юритиш тартиби.

## ГЛОССАРИЙ

**Кўчмас мулк** – ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-даражатлар, шунингдек бинолар ва иншоотлардан иборатdir. Конунда бошқа мол-мулк ҳам қўчмас мол-мулк қаторига киритилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 83-моддаси).

**Тор кўча ёки кўча** – шаҳар (посёлка) ерининг турар жой ва ижтимоий иморатларнинг иккита фасад чизифи ўртасида жойлашган ҳамда транспорт ва пиёдалар ҳаракати учун мўлжалланган қисми.

**Квартал (даҳа)** – шаҳар (посёлка) ерининг тор кўчалар (кўчалар), хиёбонлар ва шаҳар (посёлка) ерининг бошқа ҳудудлари билан чегараланган қисми.

**Фасад чизифи** – кўчага (тор кўчага) ёки майдонга чиқадиган айrim участкаларнинг чегаралари, уйларнинг фасадлари, участкаларнинг олд томонидаги чегараларида жойлашган тўсиқлар ва уни ҳамма томондан чегараловчи бошқа иншоотлар билан ташкил бўлган чизик.

**Участка** – кварталнинг (даҳанинг) иморатлар солиши, кўчатлар экиш учун фойдаланиладиган ва тор кўчага (кўчага) нормал чиқиш таъминланган чекланган қисми.

**Участкаларнинг чегаралари** – айrim участкалар ўртасидаги бир участкани бошқасидан ажратувчи чизиқлар.

**Чегарадошлиқ** – участкаларнинг қўшни участкалар билан туташиш чизифи.

**Ер турлари (томорқа ичи)** – участканинг полиз, боғ ёки бошқа экинларга мўлжалланган айrim қисмлари.

**Боғ** – участканинг мевали, гулли экинлар билан банд бўлган қисми.

**Участканинг иморат солинган майдони** – участкадаги барча иморатлар эгаллаган майдон. Чуқурликдаги (ер остидаги) иншоотлар устидаги, шунингдек кўп қаватли уйларнинг аркалари тагидаги майдон ҳам иморат солинган майдон ҳисобланади.

**Хўжалик қўраси** – томорқа ернинг хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган қисми.

**Участка тўсиғи** – бир участкани бошқасидан чегараловчи деворлар, тўсиқлар, қозиқ деворлар ва ҳ.к. Улар фақат тегишли ҳукуқ белгиловчи хужжатлар билан белгиланган чегараларда қўйилиши керак.

**Асосий иморат** – участканинг мақсад вазифасини белгиловчи иморат. Асосий иморат ўз вазифаси бўйича турар жой ва турар жой бўлмаган иморат (уй-жой, мактаб, касалхона, магазин ва бошқалар) бўлиши мумкин. Бир участкада турли мақсад вазифасидаги бир нечта асосий иморатлар жойлашиши мумкин. Бундай ҳолларда бош асосий иморат ажратиб олинади.

**Мезонин** – уй-жойнинг умумий томи устида кўтарилиган, майдони бўйича пастки қаватдан кичик бўлган қурилма.

**Мансарда** – баланд томнинг нишаблиги билан ташкил бўлган чердакда жойлашган хона-жой.

**Ёруғхона** – чердак габаритлари ичига том конфигурациясини ўзратирмаган ҳода қурилган ёп-ёруғ кичик хона. Ёруғхоналар кўпинча битта хонадан иборат бўлади.

**Антресоль** – уй-жой хона-жойи ҳажмининг тепа қисмини эгаллаган, унинг майдонини ошириш, ёрдамчи омборхона ва бошқа жойларни жойлаштириш учун мўлжалланган майдонча.

**Веранда** – бино ёнбошига қурилган ойнаванд ёзги хона-жой (ҚМҚ 2.08.01-2002, 1-илова)

**Вестибюль** – уй-жойнинг ички қисмларига кириш олдидаги, келувчилар оқимини қабул қилиш ва бўлиш учун мўлжалланган жой.

**Тамбур** – эшиклар ўртасидаги ўтиш майдони, бинога, зинахонага (ёки бошқа хона-жойларга) кираверишда совук ҳаво (тутун, ҳид) киришидан ҳимояланиш учун ташкил қилинади (ҚМҚ 2.08.01-2002, 1-илова).

**Терраса** – бино ёнбошига қурилган очиқ ёки ёпиқ майдонча (паски қаватнинг томида жолашган бўлиши мумкин) (ҚМҚ 2.08.01-2002, 1-илова).

**Эркер** – хонанинг фасад қисмидан чиқиб турган, қисман ёки тўлиқ ойналанган, унинг ёруғлик билан таъминланиши ва инсоляциясини яхшилайдиган қисми. Одатда фасаднинг баландлиги бўйича бир нечта қаватда ташкил қилинади.

**Қашқарча** – икки хона орасидаги, ташқи тўсиқларини деразаларнинг кўтариладиган эшиклари ҳисобига трансформациялаш имконияти бор бўлган ёзги хона-жой.

**Уй-айвон** – турар жой хоналари билан ўралган остин-устин икки қатор ойнали ҳовлича.

**Долон** – ёпиқ ўтиш хона-жойи, у уйнинг ён томонида ёки ўртасида жойлашиши мумкин. Одатда Хоразм воҳаси миллий уй-жой қурилишида учрайди.

**Болохона** – ёзги хона-жой, ўтиш жойи тепасидаги, иккинчи қаватдаги хона.

**Пешайвон** – яшаш хоналари олдида жойлашган, бевосита ҳовлига чиқадиган ёпиқ ва ойналанган ёзги хона-жой.

**Хизматчи иморатлар ёки ҳовлидаги иморатлар** – участкада алоҳида турган, хўжалик аҳамиятидаги ёрдамчи иморатлар. Уларга омборчалар, саройлар, бостирмалар ва бошқалар киради. Асосий иморатлар ёнбошига қурилган ва уйнинг яшаш қисми билан бевосита боғланмаган хизматчи иморатлар, гарчи улар асосий иморатларга туташган ва улар билан бир хил конструкцияга эга бўлсада, ёнбошга қурилган бинолар қаторига кирмайди.

**Ҳовлидаги иншоотларга**, инвентаризациялаш нуқтаи назаридан, алоҳида турган ҳожатхоналар, кир ўралар, қудуқлар, супалар, ҳовузлар ва бошқалар киради.

**Иморат** – алоҳида қурилган, бир бутун сифатида бир ёки бир нечта қисмлардан иборат бино, уй, шунингдек хизматчи хона-жойлар.

**Фойдали майдон (умумий фойдали майдон)** – барча хона-жойларнинг ички ўлчовлар бўйича майдони. У яшаш майдони ва ёрдамчи майдонларга бўлинади.

**Яшаш майдони** – одамларнинг яшashi учун мўлжалланган майдон. Яшаш майдони, одатда, бевосита табиий ёритилиши ва яшаш хонасида зарурий ҳароратни ( $+18^{\circ}\text{C}$  дан  $+20^{\circ}\text{C}$  гача) таъминловчи иситиш ускунасига эга бўлиши лозим.

**Ёрдамчи майдон** – яшаш майдони ёки бошқа асосий майдонга ёрдамчи майдон. Уй-жойда ёрдамчи майдонга коридорлар, ҳожатхона, ваннахоналар, ички омборхоналарнинг майдонлари ва бошқа майдонлар киради, яшаш майдони бундан мустасно.

**Абрис** – қўлда муайян масштабсиз, лекин пропорцияларга риоя қилиб ижро этилган, планни тузиш учун зарур бўлган маълумотлар белгиланган чизма.

**Барак** – умумий ошхона ва санузелга эга, яшаш учун мўлжалланган бир ёки икки қаватли бино, одатда ёғочдан қурилади, 10-20 йиллик қисқа хизмат муддатига мўлжалланган бўлади.

**Ховли иншоотлари** – ёрдамчи, хўжалик аҳамиятидаги қурилиш маҳсулотлари. Уларга деворлар (тўсиқлар), дарвозалар, ахлат тўкиладиган ўралар, қудуқлар, ховли ёпмалари ва ҳ.к.лар киради.

**Уй эгалиги** – уй-жой(лар) ва якка ер участкасида жойлашган, у(лар)га хизмат кўрсатувчи иморатлар (қурилмалар) ҳамда иншоотлар.

**Лоджия** – бино ҳажмининг ичига кириб турадиган, уч томонидан деворлар билан ўралган, ташқи томони очиқ ёки ойналанган ёзги жой (ҚМҚ 2.08.01-2002, 1-илова).

**Литера** – бинолар, иморатлар ва иншоотларнинг инвентаризациян техник ҳужжатлардаги ҳарфли белгиси.

**Ер сатхининг режавий белгиси** – ернинг отмостка чегарасидаги сатхи (ҚМҚ 2.08.01-2002, 1-илова).

Доимий яшаш учун яроқли бўлган **яшаш хона-жойлариға** уй-жой, квартира, уй-жой ёки квартиранинг бир қисми (хона) киради.

**Яшаш хонаси** – квартиранинг, ётоқхонанинг яшаш, дам олиш, дарсдан ташқари машғулотлар (ётоқхоналарда, болалар уйларида ва ҳ.к.) учун мўлжалланган бошқа жойлардан (хоналардан) алоҳида қисми.

**Яшаш квартирасига** яшаш хоналаридан ташқари коридорлар, холлар, ошхоналар, санузеллар, ваннахоналар, омборхоналар, ички тамбурлар, даҳлизлар киради.

**Ёнбошга қурилган бино** - Асосий иморатга туташ ва, одатда у билан алоқаси мавжуд иморат ёнбошга қурилган бино деб аталади.

**Ёнбошга қурилган турар жой бўлмаган бино** - Асосий иморатга ёрдамчи майдонга эга бўлиш мақсадида ёнбошлаб қурилган ёрдамчи иморат ёнбошга қурилган турар жой бўлмаган бино деб аталади.

**Даҳлиз** – хона-жойнинг зинага, умумий фойдаланишдаги коридорга ва ҳ.к.га бевосита чиқиши жойига эга бўлган қисми. Агар даҳлиз берк пардевор билан бўлинган бўлса, у ҳолда даҳлизнинг ажратилган қисми бўлмиш ташқи деворда деразалари бор жой – яшаш хонаси ҳисобланади.

**Турар жой биноси** – доимий типдаги, доимий хизмат муддатига мўлжалланган уй-жой.

**Мансарда қавати (мансарда)** – чердак маконида жойлаштириладиган қават, бунда деворнинг том нишабининг тагигача бўлган баландлиги камида 1,6 м бўлиши лозим.

**Ер усти қавати** – хоналари полининг сатҳи ер сатҳининг режавий белгисидан паст бўлмаган қават.

**Ертўла қавати** – хоналари полининг сатҳи ер сатҳининг режавий белгисидан хона баландлигининг ярмидан ортиқ микдорда паст бўлган қават.

**Техник қават** – муҳандислик жиҳозларини жойлаштириш ва коммуникацияларни ўтказиш учун мўлжалланган қават; бинонинг пастки (техник пол ости), юқори (техник чердак) ёки ўрта қисмида жойлашиши мумкин.

**Цоколь қавати** – хоналари полининг сатҳи ер сатҳининг режавий белгисидан хоналар баландлигининг ярмидан ортиқ бўлмаган микдорда паст бўлган қават.

Уй-жойнинг қаватлари сони ер усти қаватларининг сони бўйича белгиланиши керак.

Бинонинг ер усти қисмидаги қаватлари сонини белгилашда қаватлар сонига барча ер усти қаватлари, шу жумладан техник, мансарда қаватлари, агар қопламасининг тепаси ер сатҳининг режавий белгисидан камида 2 м баланд бўлса, цоколь қавати ҳам қўшилади.

**Турар жой бўлмаган бино** – ишлаб чиқариш, савдо, маданий-маърифий, даволаш-санитар, коммунал-маиший, маъмурий ва бошқа (доимий яшашдан ташқари) мақсадлар учун мўлжалланган бино.

**Асосий бино** - ер участкасидаги бошқа бинолар ичida қурилишининг мукаммаллиги, меъморий белгилари ва ўзининг вазифаси бўйича устун бўлган бино **асосий бино** деб аталади. Битта ер участкасида битта ёки ундан ортиқ асосий бинолар бўлиши мумкин.

**Хизматчи бино** - ер участкасида асосий бинога нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган иморат **хизматчи бино** деб аталади. Хизматчи бинолар аксарият ҳолларда нокапитал типда бўлади ва техник инвентаризациялашда уларнинг ички хона-жойлари ўлчанмайди ҳамда ҳисобга олинмайди. Хизматчи бинолар қаторига саройлар, гаражлар (индивидуал фойдаланишдаги), бостирмалар, ҳовлидаги ертўлалар ва ҳ.к.лар киради.

**Аналог** - асосий иқтисодий, физик, техник ва бошқа тавсифларга кўра баҳолаш объектига ўхшаш, нархи ўхшаш шартларда тузилган битимдан ёки рақобатли бозорда қилинган таклифдан маълум бўлган бошқа объект;

**Ялпи рента мультипликатори** - кўчмас мулк объектининг сотув нархи ва ялпи (потенциал ёки ҳақиқий) даромади нисбатини акс эттирувчи кўрсаткич;

**Пул оқими** - муайян давр мобайнида кўчмас мулк объектидан олинадиган пул маблағлари оқими;

**Ер участкаси** - ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;dir;

**Ихтисослаштирилмаган кўчмас мулк** - очик бозорда сотиб олинадиган, сотиладиган ва ижарага бериладиган кўчмас мулк;

**Кўчмас мулкка бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини юклаш** - гаровга, ижарага бўлган ҳуқуқни, сервитутларни, чеклашларни, шартнома бўйича мажбуриятларни, мулкни ушлаб қолиш ҳуқуқини, суднинг мулкни хатлаш тўғрисидаги қарорини, ҳуқуқларни топширишни ва қонун хужжатларида белгиланган, кўчмас мулкка нисбатан олинадиган бошқа ҳуқуқларни ўз ичига олувчи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ. Кўчмас мулкка бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини юклаш қонун хужжатларига ёки шартномага мувофиқ белгиланади;

**Капиталлаштириш умумий ставкаси** - аналоглар соф операцион даромадларининг уларнинг нархларига нисбатлари таҳлили асосида белгиланадиган кўрсаткич;

**Курилиши тугалланмаган объект** - қурилиш ишлари бошланган, лекин баҳолаш санасида ҳали тугалланмаган ва (ёки) объект қурилишини молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги хужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган объект;

**Ихтисослаштирилган кўчмас мулк** - ўз хусусиятига (конструктив хусусиятлари, ихтисослиги, катта-кичиклиги, жойлашган ерига ёки мазкур омиллар бирикмасига) кўра ундан фойдаланишнинг муайян тури билан чекланган фойдали хоссаларга эга бўлган ва очик бозорда камдан-кам сотиладиган (корхонанинг бир қисми сифатида сотилган ҳоллар бундан мустасно) кўчмас мулк;

**Дисконтлаш ставкаси** - баҳоланаётган кўчмас мулк объектини яратиш ёки ўзгартириш билан боғлиқ бўлган тахмин қилинаётган барча харажатларни ва ҳисоб-китобларга кўра у келгусида яратадиган даромадни

мазкур объектни баҳолаш санасига келтириш учун фойдаланиладиган фоиз ставкаси;

**Капиталлаштириш ставкаси** - баҳолаш обьектига ўхшаш кўчмас мулк обьектларининг жорий (муайян санадаги) даромаддорлик кўрсаткичи;

**Тиклаш қиймати** - баҳолаш обьектига ўхшаш янги обьектни ўхшаш материаллар ва технологиялардан фойдаланиб яратиш харажатлари суммаси;

**Ўрнига белгилаш қиймати** - баҳолаш обьектига ўхшаш фойдали хоссаларга эга бўлган янги обьектни замонавий материаллар ва технологиялар ёрдамида яратиш харажатлари суммаси;

**Жорий қиймат** - тегишли дисконтлаш ставкасидан фойдаланиб муайян санага келтирилган бўлғуси даромадлар қиймати;

**Яхшилашлар** - ер участкасини ундан кейинчалик фойдаланиш учун ўзгартириш борасидаги фаолият натижасида яратилган ва у билан узвий боғлиқ бўлган ер участкасидаги ўзгаришлар. Яхшилашлар бинолар, иншоотлар, муҳандислик системалари ва тармоқлари, кўп йиллик ўсимликларни ва улар билан жамулжам ҳолда конструктив ёки функционал яхлитликни ташкил этадиган бошқа обьектларни ўз ичига олади;

**Соф рента мультипликатори** - кўчмас мулк обьектининг сотув нархи ва соф операцион даромади нисбатини акс эттирадиган кўрсаткич.

**Бозор баҳоси** (Рыночная стоимость) баҳоланаётган обьектнинг ҳақиқатга яқин баҳоси деб тушинилади. Бу баҳоланаётган обьект очик бозорда рақобат асосида сотувга қўйилаётган бўлиши ва сотувчи хамда хоридорга ташқаридан тазайик ўтказилмаган ҳолда бу обьект тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлганлиги асосида тузилган битимда кўрсатилган баҳо бозор баҳоси дейилади.

Кўчмас мулкни бозор баҳосида баҳолаш З та усулда олиб борилади:

1. Харажатларни ҳисоблаш усули (Затратный метод).
- 2. Сотилган обьектларга тақослаш усули (Метод сравнения продажа).**
3. Объект келтираётган фойда усули (Доходный метод).

**Истимол (фойдаланиш) баҳоси** (Потребительская стоимость) бу баҳони аниқлашда кўчмас мулк бозорга сотилиш учун қўйилмаган ва аниқ мулкдорнинг мулки ҳисобланади. Объектнинг фойдаланиш баҳоси кўчмас мулкнинг шу бугинги холатидаги техник, молиявий, иқтисодий ва функционал кўрсатгичларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Бу баҳолаш тури асосан

хозирги пайтда ишлаётган ташкилотлар асосий фондларини қайта баҳолаш даврида кўлланилади.

**Инвестиция баҳоси** (Инвестиционная стоимость) бу баҳо аниқ инвестор учун ҳисобланган баҳо бўлиб, инвестор бу кўчмас мулкни сотиб олмоқчи ёки унга ўз маблағини киритмоқчи. Шу сабабли кўчмас мулкнинг инвестиция баҳосини ҳисоблашда Инвестор томонидан қўйилган инвестиция ёки сотиб олган маблағи келтирадиган фойда ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Инвестиция баҳоси асосан инвестиция лойиҳаларини баҳолашда кучмас мулк келтирадиган фойдани ҳисобга олиш учун ҳисобланади.

**Тикланиш баҳоси** (Восстановительная стоимость) баҳоланаётган объектнинг бугунги кунда худди шундай меъморий-қурилиш кўрсатгичлари бир хил бўлган объектни қуриш учун сарфланадиган баҳоси.

**Алмаштириш баҳоси** (Стоимость замещения) баҳоланаётган объектнинг фойдаланиш эквиваленти ўзгартирилмаган ҳолда худди шундай объектни шу бугунги баҳода янги меъморчилик стилида, янги лойиҳа меъёрлари ва янги материаллардан фойдаланиб қуриш учун кетадиган харажатлар миқдори билан белгиланади. Қайта тиклаш баҳоси худди шундай объектнининг нусхасини (копиясини) қуриш учун кетган харажатлардан ташкил топса-алмаштириш баҳоси худди шундай объектнинг функциясини ўзгартирмасдан (аналигини) қуриш учун кетган харажатлардан ташкил топади.

**Гаравга қўйиш баҳоси** (Залоговая стоимость) Гаравга қўйилган объект баҳоси шу бугунги кунда **бозор баҳоси** билан баҳоланади.

**Суғурта баҳоси** (Страховая стоимость) Объектни **қайта тиклаш** ёки **алмаштириш баҳоси** асосида суғурта баҳоси топилади ва бу суғурта баҳосидан; суҳурта суммаси, суғурта фойизи ва суғурта тўлавлари миқдори аниқланади.

**Солиқ олиш баҳоси** (Стоимость для налогообложения) баҳоланаётган объектнинг холатига қараб икки хилда солиқ баҳоси белгиланади:

Агар объект бозорда сотлаётган бўлса **бозор баҳосидан** келиб чиқсан ҳолда солиқга тортиш баҳоси.

Агар объект фойдаланиш даврида бўлса солиқга тортиш баҳоси объектнинг **қайта тиклаш баҳосидан** келиб чиқсан ҳолатда хисобланади.

**Тугатиш баҳоси** (Ликвидационная стоимость) Объектнинг бузилиши ёки мажбурий сотилишидан мулк эгаси олиши лозим бўлган пул маблағидан ташкил топади.

**Баҳолаш мақсади ва вазифаси** – Объект қўйдаги мақсадлар учун баҳоланиши мумкин:

Мулқдан солик олиш учун; мулк келтираётган фойдадан солик олиш учун; хадия қилиш учун; меросга бериш учун; тугатилаётган корхона баҳосини ҳисоблаш учун; қайта ташкил этилаётган корҳона баҳосини ҳисоблаш учун; корхона банкротлик холатидаги баҳосини ҳисоблаш учун; қорхонага инвестиция критилаётган бўлса; объект гаровга қўйилаётган бўлса; объектни суғурталаётган бўлса; ва бошқа хар хил сабаблар бўлиш мумкин.

Объектни баҳолашнинг асосий вазифаси объектни сотувчи ёки эгаси ва сотиб оловчи ёки фойдаланувчилар шу объектнинг баҳосини белгилаб олиши учун ёрдам бериш.

**Кўчмас мулк (кўчмас мулк обьекти)** – ер участкалари, бино ва иншоотлар, бино ва иншоотларнинг қисмлари, шу жумладан турар жойлар, қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда тугалланмаган қурилиш обьектлари, мулкий комплекслар сифатидаги корхоналар, кўп йиллик довдараҳтлар;

**Хуқуқ белгиловчи ҳужжат** – шартнома, суд қарори, тегишли ваколатга эга орган қарори ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжат, шунингдек кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни, шу жумладан ҳуқуқларнинг битимлар асосида олдинги ҳуқуқ эгасидан янги ҳуқуқ эгасига улар амалга оширилган жой ва вақтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахсга ўтишида, беришга оид бошқа ҳужжатлар;

**Кўчмас мулкни шакллантириш** – ер участкалари, бинолар, иншоотларни, бино ва иншоотларнинг қисмларини ҳуқуқ обьектлари сифатида худудларни кадастр бўйича бўлишнинг қабул қилинган бирликларида шакллантириш ҳамда юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк обьектига бўлган ҳуқуқларини эътироф этиш мақсадида бажариладиган процедураларнинг расмий равища белгиланган кетма-кетлиги;

**Кўчмас мулк обьекти учун кадастр йиғма жилди (кадастр йиғма жилди)** – кўчмас мулкни шакллантириш, ҳисобга олиш, сўнгра унга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар, шу жумладан кадастр съёмкалари (шу жумладан кадастр плани), техник инвентаризациялаш ҳамда паспортлаштириш, маҳсус текширув ва изланишлар, обьектни сифат ҳамда қиймат жихатдан баҳолаш материаллари ва маълумотлари мажмуаси;

**Кадастр рақами** – идентификация рақами, ер участкаси, бино, иншоотга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмайдиган рақам, у қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда берилади ва кўчмас мулк объективининг мавжуд бўлган даври мобайнида сақланиб қолади;

**Кадастр плани** – кадастр объектлари жойлашган ерни, уларнинг чегаралари, муҳофаза зоналари, баҳолаш, миқдор ва сифат тавсифларини акс эттирувчи график ҳужжат; қоғозда, магнит ҳамда бошқа воситаларда тузилади;

**Индексли кадастр картаси (плани)** – кадастр квартали, массиви, зонасининг, шаҳар туманининг, аҳоли пунктининг, шаҳар, туман, ҳудуднинг маҳсус картаси, унда унга бўлган ҳуқуқлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган кўчмас мулк объектларининг ўрнашган жойи ва чегаралари тўғрисидаги актуал маълумотлар акс эттирилади;

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг чекланишлари (шартлари)** – кўчмас мулкнинг мулкдори бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларнинг (ипотекага олувчилар, ижарага олувчилар, кредиторлар ва бошқаларнинг) унга бўлган мулкий ҳуқуқлари;

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш** – юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларининг, шу жумладан битимлар асосида вужудга келганларининг, вужудга келганлигини, бошқа шахсга ўтганлигини, чекланишини (шартларини), бекор қилинганлигини тан олиш ҳамда тасдиқлаш юридик амали;

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестри** – кўчмас мулк объектлари, уларга бўлган ҳуқуқлар ва ҳуқуқ эгалари борасида тизимга солинган маълумотлар мажмуаси, у кўчмас мулк объективининг рўйхатдан ўтказиш округи чеграсида ўрнашган жойи бўйича юритилади;

**Рўйхатдан ўтказувчи** – рўйхатдан ўтказувчи органнинг мансабдор шахси, у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишида зарур бўладиган ҳуқуқ белгиловчи ва бошқа ҳужжатларни қўриб чиқади, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишига доир масалаларни ҳал қиласи, кадастр плани ва/ёки индексли планга ўзгартишлар киритади;

**Кадастр дафтари** – кўчмас мулк объектларини ҳисобга олишга борасидаги асосий ҳужжат, уларнинг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда баҳоси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган, шу жумладан битимлар асосида вужудга келадиган ҳуқуқларининг вужудга келишини, бошқа шахсга ўтишини, чекланишини (юклатилишини), бекор бўлишини тан олиш ҳамда тасдиқлаш юридик амалидир;**

**Кўчмас мулк (кўчмас мулк обьекти)** ер участкалари, бино ва иншоотлар, бино ва иншоотларнинг қисми, шу жумладан уй-жойлар, қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда тугалланмаган қурилиш обьектлари, мулкий комплекс бўлган корхоналар, кўп йиллик дов-даражатлар;

**Рўйхатдан ўтказувчи** рўйхатдан ўтказувчи органнинг мансабдор шахси, у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишида зарур бўладиган ҳуқуқ белгиловчи ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши масалаларини ҳал қиласди, кадастр ва/ёки индекс планига ўзгартишлар киритади, Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестрига белгиланган тартибда ёзувлар киритади ҳамда уларни тузатади;

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестри** (бундан кейин – Ҳуқуқлар давлат реестри) кўчмас мулк обьектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар ҳамда ҳуқуқ эгалари борасидаги маълумотларнинг тизимлаштирилган жамламаси, у кўчмас мулк обьектининг ўрнашган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиши округи чегарасида юритилади;

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши бўйича аризаларни қабул қилиш реестри** (бундан кейин – Аризаларни қабул қилиш реестри) юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши бўйича аризалари ҳамда ахборот бериш бўйича аризалари рўйхатга олинадиган журнал ёки электрон файл. Аризаларни қабул қилиш реестри ҳам электрон кўринишида, ҳам қофоз (анъанавий) кўринишида юритилиши мумкин.

**Ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат** шартнома, суд қарори, тегишли ваколатли органнинг қарори ёки қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган бошқа ҳужжат, шунингдек кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг, шу жумладан ҳуқуқларнинг битим асосида янги ҳуқуқ эгасига мулкни бериш жойида унинг содир бўлиш пайти амал қилган олдинги ҳуқуқ эгасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтишида бошқа шахсга берилишига оид бошқа ҳужжатлар.

**Ҳуқуқ эгаси** кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни битим асосида ёки қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича олган шахс;

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни дастлабки давлат рўйхатидан ўтказиши янги кўчмас мулк объекти шаклланган тақдирда, шунингдек уларга бўлган ҳуқуқлар ҳали рўйхатдан ўтказилмаган мавжуд кўчмас мулк обьектларининг мавжудлигига (шаклланиб бўлган тақдирда) Ҳуқуқлар давлат реестрига кўчмас мулк объекти, унга бўлган мулкий ҳуқуқлар ва ҳуқуқ эгалари тўғрисидаги биринчи ёзувнинг киритилиши;**

**Кўчмас мулк объектини шакллантириш** ер участкаларини, биноларни, иншоотларни, бино ва иншоотларнинг қисмларини ҳудудларнинг кадастр бўйича бўлинишининг қабул қилинган бирликларида ҳуқуқ объекти сифатида ташкил этиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларини тан олиш мақсадида бажариладиган процедураларнинг расман белгиланган кетма-кетлиги;

**Кадастр плани** кўчмас мулк объектининг ўрнашган жойини, унинг чегараларини, баҳо, миқдор ҳамда сифат тавсифларини акс эттирувчи график хужжат, ва у қоғозда, элётрон ҳамда бошқа воситаларда тузилади;

**Кадастр номери** идентификацион номер, кўчмас мулк объектининг қонун хужжатлари билан назарда тутилган процедурага мувофиқ бериладиган ва кўчмас мулк объекти ҳуқуқ объекти сифатида мавжуд бўлган бутун давр мобайнида сақланадиган индивидуал, мамлакат ҳудудида бетакрор номер;


**Индекс кадастр картаси (плани)** кадастр квартали, массиви, зонасининг, шаҳар туманининг, аҳоли пунктининг, шаҳарнинг, туманинг, минтақанинг маҳсус картасидир, унда кўчмас мулк обьектларининг ўрнашган жойи ва чегаралари тўғрисида актуал маълумотлар акс эттирилади;

**ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР****1-МАВЗУ БҮЙИЧА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР**


**Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг тоифалари бўйича  
тақсимланиши**

(минг га. ҳисобида)

T/p	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон		Шу жумладан, сугориладиган ерлар	
		Жами	Фоиз ҳисобида	Жами	Фоиз ҳисобида
1	Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20473,5	46,10	4212,2	9,48
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	216,3	0,50	49,4	0,11
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга	911,0	2,05	11,8	0,02
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	75,9	0,17	0,9	0,002
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	4,7	0,01		
6	Ўрмон фонди ерлари	9635,9	21,69	31,3	0,07
7	Сув фонди ерлари	830,3	1,86	4,6	0,01
8	Заҳира ерлар	12262,7	27,62	2,1	0,004
	Жами ерлар:	44410,3	100,0	4312,4	9,71




**2012 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши**



**2012 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича сугориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг тақсимланиши. (% ҳисобида)**



**2-МАШГУЛОТ БҮЙИЧА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР**  
**Ўзбекистон Республикасида бино ва иншоотларни инвентаризация  
қилиш ва баҳолаш ишлари**

Худудларнинг номи	Инвентаризациянинг қилинган объектлар сони		Баҳоланган объектларнинг сони		Кадастр съёмкаси ўтказилган	
	Тураг- жойлар	Нотураг- жойлар	Тураг- жойлар	Нотураг- жойлар	Сони	Майдони, га
Қоракалпогистон Республикаси	3311	1929	24091	1404	27919	808,8
Андижон	5825	1551	8826	1800	10140	1692,3
Бухоро	5157	1093	9678	827	881	4562
Жиззах	8173	1278	3577	818	3713	1137
Қашқадарё	18040	2223	8860	1976	11182	51723,1
Навоий	8787	1361	115666	6723	590	366,6
Наманган	11676	1492	12682	1713	2262	1149,2
Самарқанд	16672	2932	12249	2587	10947	1957,3
Сирдарё	3875	983	4877	1139	54	36
Сурхондарё	3315	1333	5733	1733	1724	794
Тошкент	62188	5669	40099	1796	3317	4349
Фарғона	5939	2826	23669	1354	2854	10404
Хоразм	12298	2058	15929	2122	8697	2711,4
Тошкент ш.	111831	7088	10462	317	7144	3745
<b>Жами</b>	<b>268915</b>	<b>33816</b>	<b>296398</b>	<b>26309</b>	<b>65065</b>	<b>85435,7</b>

**Ўзбекистон Республикасида бино ва иншоотларга бўлган хукуқларни ҳамда улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиши**

Худудларнинг номи	Хукуqlari давлат рўйхатидан ўтказилган бино ва иншоотларнинг сони				Ипотека шартномалари сони
	Якка тартибдаги уй-жойлар сони	Хусусийлаштирилган квартиralар сони	Юридик шахсларнинг уй-жой ва квартиralари сони	Туарар-жой бўлмаган бино ва иншоотлар сони	
Қорақалпоғистон Республикаси	98480	6656	914	2586	971
Андижон	9898	1299	138	3125	2036
Бухоро	6074	5752	219	2057	654
Жиззах	3659	3586	218	1602	923
Қашқадарё	4120	3397	7	2654	1025
Навоий	3185	7124	35	2097	1725
Наманган	4684	5421	210	2293	703
Самарқанд	8837	5813	98	3965	1294
Сирдарё	4426	2497	116	1582	675
Сурхондарё	4333	1956	182	1881	1103
Тошкент	27844	11612	1	4320	2307
Фарғона	9465	12899	104	3152	1531
Хоразм	5262	3463	99	2458	1090
Тошкент ш.	12374	45988	388	3617	1578
<b>Жами:</b>	<b>114009</b>	<b>117463</b>	<b>2729</b>	<b>37389</b>	<b>17615</b>

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Асосий манбалар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-І-сон қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 марта кундан кучга киритилган)
2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. (ЎзР 30.04.1998 й. 598-І-сон Қонуни билан тасдиқланган ЎзР 30.04.1998 й. 599-І-сон Қарори билан амалга киритилган)
3. Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг 04.04.2002 й. 353-І-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 04.04.2002 й. 354-І-сон Қарорига мувофиқ амалга киритилган)
4. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси (1998 йил 24 декабрдаги 713-І-сон Қонун билан тасдиқланган 1998 йил 24 декабрдаги 714-І-сон Қарор билан амалга киритилган 1999 йил 1 апрелдан амалга киритилган)
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонуни. (15.12.2000 й. N 171-ІІ)
6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. (28.08.1998 й. N 666-І)
7. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни. (09.04.2009 й. N ЎРҚ-208)
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.1997 й. “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги № 278-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.1998 й. “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги №543-сонли қарори.

### **Кўшимча манбалар:**

11. Бино ва иншоотлар ягона классификатори. ГККЙҚ-18-006-97, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 1997 й.

12. Аҳоли пунктлари ерлари ягона классификатори. ГККЙНҚ-18-010-98, Тошкент, Ўзгеодезкадастр.

13. Кўчмас мулк обьектига кадастр йиғма жилдини тузиш тартиби тўғрисида Кўрсатма. ГККЙМҚ-18-025-99, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, 1999 й.

14. Аҳоли пунктлари ер участкаларининг чегараларини белгилаш (тиклаш) бўйича Кўлланма. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, ГККЙНҚ-18-032-00, 2000 й.

15. Аҳоли пунктларида ер участкаларини кадастр жиҳатдан съёмка қилиш бўйича Кўлланма. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, ГККЙМҚ-18-034-00, 2000 й.

16. Бино ва иншоотларни жисмонан ва функционал эскиришини аниқлаш услуби. Тошкент, Ўзгеодезкадастр, ГККЙМҚ-18-037-00, 2001 й.

17. Ер участкалари, бино ва иншоотларга кадастр рақамларини бериш ва кадастр худудларига ажратиш тартиби тўғрисида Йўриқнома. ГККЙМҚ-18-047-02 / РД-11-047-01, Тошкент, Ўзгеодезкадастр, Ер ресурслари давлат қўмитаси, 2002 й.